


R. 496  
1972/8



ГУЛИСТОН  
8  
1972



# ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА



Ягона оилада



шчилар синфининг манфаатларини ифодалайдиган идеология — пролетар интернационализи марксизм билан бирга дунёга келди.

Пролетар интернационализмнинг моҳиятини Карл Маркс ва Фридрих Энгельс «Коммунистик партия манифести»да жуда аниқ, равшан ифодаб бердилар. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашгин!» деган жонгавор қаҳириқ планетамизда янраган дақиқадан бошлаб, ижтимоий ва иқтисодий озодлик учун курашаётган ишчиларга хос бўлган пролетар интернационализмнинг асосий шорига айланди.

Улуғ Октябр революциясининг галабаси пролетар интернационализи ғояларининг таънаси бўлди. У миллий муносабатлар характерини тубдан ўзгартириб юборди. Жамият ҳаётини социалистик асосда қайта қуриш учун биргалликда курашиш жараёнида миллатчилик хурофотлари ва ўзаро ишонсизлик каби иллатлар бартараф қилиниб, улар ўрнини дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ердэмга асосланган янги муносабатлар эгаллади.

Халқимизнинг ягона давлати — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тисмолида пролетар интернационализмнинг принциплари — барча миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва суверенлиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги, халқро пролетариат олдигади интернационал бурнга садоқат ўзининг узвий ифодасини топди. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида КПСС Марказий Комитети чиқарган қарорда таъкидланганидек, Совет Иттифонининг ташкил топиши жамиятни социалистик негизда қайта қуриш, барча совет республикаларининг эконимикаси ва маданиятини оқсатириш, кўп миллатли меҳнаткашлар давлатининг мудофаа қудрати ва халқро позицияларини мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитни таъминлаш ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб қолди.

Биз ленинча доно миллий сиебат, Коммунистик партия меҳнаткаш омма онгига кўн тибан синдириб келган интернационал дўстлик, биродарлик ғоялари амалда қандай натижалар берганлигини Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Республикамиз босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, унинг ҳар бир босқинида интернационал дўстликка содиқ қардош халқлар ёрдами, ҳамкорлиги ва меҳр-муҳаббатининг гувоҳи бўламиз.

Граждандар урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида Ўзбекистон билан Урта Осиё ва Россиядаги бошқа халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик янада ўсди. Ўзбекистон айомини ривожлантириш ниятида Россиядан саноат корхоналари кўчириб келтирилди, машиналар, станоклар, тракторлар ва бошқа зарур техника билан улзусиз таъмин этиб турилди.

Республиканинг йирик корхоналаридан бири — Тошкент тўқимачилик комбинатини қуриш, замонавий техника билан жиҳозлашда Россия федерацияси халқларининг ёрдами баракали бўлди. Илк ўзбек тўқимачи кадрлари Москва, Ленинград ва Зарайскда тайёрланди. Асбоб-ускуналарини Ленинград, Иваново ва Тула машинасозлари армуғун этдилар. Корхонани ишга тушириш ва ишчиларнинг малакасини оширишда Иваново, Калинин, Серпухов ва Тула тўқимачилик корхоналари мутахассислари катта хисса қўшдилар.

Чирчиқ қурилишида бутун мамлакат қатнашди. Совет Иттифонининг 200 га яқин завод ва фабрикалари Ўзбекистон бюртамаси бўйича Чирчиқ қурилиши учун ускуна ва материаллар тайёрлаб бердилар. Москва, Ленинград ва Украинаниннг саноат корхоналари турбиналар, электр, кимё асбоб-ускуналари ва механизмларни мудатидан илгари жўнатиб турдилар. Қурилишда ўзбеклар билан биргалликда рус, украин, қозоқ, киргиз, тожик, татар ва бошқа кўпгина миллатларининг вакиллари баҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилдилар.

Коллективлаштириш даврида Москва, Ленинград, Ярославль ва бошқа шаҳарларнинг минг-

ларча малакали ишчилари устахоналар, колхоз ва совхозларда ишлаш учун «оқ олтин» ўлкасига келдилар.

Рус халқининг миллий кадрлар етиштиришдаги катта ёрдами халқимиз сира унутмайди. 1919—1920 йилларда пойтахтдан Тошкентга профессор ва ўқитувчилар келдилар, лаборатория ускуналари, ўқув қўлланмалари ортилган 65 вагон жўнатилди. Рус олимларидан Н. А. Димо, В. И. Романовский, Е. П. Коровин, С. А. Уклонский, П. Ф. Боровский, А. П. Бродский, И. Райкова, М. А. Орлов ва бошқа олиҳнимат кишилар В. И. Ленин декрети билан оинилган Урта Осиёда биринчи университетни ташкил этишда фаол қатнашдилар.

Тарихимизга буюк қаҳрамонлик саҳифаси бўлиб кирган Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқларининг қардошларча дўстлик ва интернационализм туйғулари яна ҳам ёрқин намоён бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари истиқомат жойларидан ажралган бир миллиондан ортиқ хотин-қиз, қария ва етим қолган ёш гўдакларни бағрига олди. Дунёда биринчи интернационал ола — саккиз миллатнинг ўн олти фарзандини ўз тарбиясига олган Баҳри Акрамова билан Шоҳмад Шоҳамудов оиласи ҳам шу даврда тарихий синовдан ўтди.

Республикаларо иқтисодий алоқаларнинг муттасил ривожланиши, уларнинг қардошларча ўзаро ёрдами — ҳаётнинг ўзи вужудга келтирган объектив зарурат, қўнилий жараёндир. Иқтисодий, ижтимоий-сиесий ва маданий тараққиёт даражаси юксалиб бораётган барча қардош республикаларнинг коммунизм моддий-техника базасини қуришга қўшаётган хиссаси йил сайин ортаётди. Натижада совет республикаларининг ҳўжалик алоқалари ва ҳар томонлама ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда ва кенг қўлам кесб этмоқда. Ўзбекистонга иттифоқчи республикалардан галла ва қанд, гўшт ва ёғ, қора ва рангли металллар прокати, электр ускуналари ва металл қирқиш станоклари, автомобиль ва тракторлар, бинокорлик ва йўл қуриш машиналари, ёғоч-тахта ва мебель, газлама ва кийим-кечак, ҳуллас саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг турли-туман маҳсулотлари йил — ўн икки ой муттасил келиб туради. Ўзбекистон меҳнаткашлари эса қардош республикаларга пахта ва эскаваторлар, дизель ва насослар, шойи ва цемент, тўқимачилик машиналари ва компрессорлар, табиий газ, пахтачилик эхтиёжлари учун машиналар, нодир металллар, мева ва қаноп-жуз етказиб берадилар.

Мамлакатимиздаги бирон миллат, бирон республика коммунизмининг моддий-техника базасини барпо этиш соҳасидаги улкан вазифаларини фақат ўз кучлари билангина ҳал қилмайди. Бу, мамлакатимизда ҳал этилаётган иқтисодий вазифалар миқёсларининг бутунлай янгилиги, фан ва техника тараққиётининг юксак суръатлари яқин ҳамкорлик заруратини тугдиради.

Масалан, Тошкент электротехника ва кабель заводлари 100 та корхона билан ҳамкорликда ишлаётди. Тошкент авиация заводида эса бошқа иттифоқчи республикаларнинг 400 га яқин корхонаси турли деталлар етказиб беради. Мирзачўлни ўзлаштиришда эса 54 миллат вакиллари қатнашмоқдалар. Тожикистондаги улкан Норак ГЭСини 33 миллат вакиллари қурмоқда.

Тошкент зилзласи оқибатларини тугатиш халқлар дўстлиги ва интернационализмнинг ёрқин намоийши бўлди. Партия ва ҳўкуматимизнинг, барча қардош республикаларнинг самарали ёрдамлари туйғули Тошкент замонавий, янги қиёфа кесб этди, янада гўзаллашди.

Ўз навбатида ўзбек халқи Туркманистон, Қирғизистон ва Доғистондаги дўстларига оғир кунларда яқин кўмакчи бўлди.

Коммунизм қурилиш жараёнида барча иттифоқдош республикалар аҳолисининг тобора кўп миллатли бўла бориши, яъни интернационаллашуви ҳаётимизнинг характерли белгисидир. Бу

ҳол — барча республикаларнинг турли миллат вакиллари бўлган минглаб мутахассислари ва малакали ишчилари, айниқса ёшларнинг ўз ишларини ўзгартириб, зарбдор қурилишларга бориши жараёни билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда ҳозир 80дан ортиқ миллат вакиллари аҳил оға-инилардек яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Аҳоли саставининг интернационаллашуви республика партия ташкилотида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг сафида 83 миллат вакиллари бор.

Мамлакатимиздаги, ҳўжмадан Ўзбекистондаги деярли ҳамма корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар коллективларини кўп миллат фарзандлари ташкил этади. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида 41 миллат, Чирчиқ кимё комбинатида 32, Ўзбекистон металлургия заводида 30, Х. Турсунқолов номидаги колхозда 18, «Малик» совхозида 21 миллат вакиллари ишлашади. Тошкент Давлат университетида таълим олаётган студентлар 47 миллатга, Тошкент Политехника институти талабалари 30 миллатга мансубдир.

Ўзбекистон партия ташкилотли республика аҳолиси ва меҳнат коллективларининг интернационал характерини ҳисобга олиб иш кўрмоқда. Ўзбекистонда газеталар етти тилда нашр этилади, мактабларда таълим СССР халқларининг саккиз тилида олиб борилади, радио ва телевизион эхтиштиришлар олти тилда янграйди. Ташвиқот-тарғибот ишлари ҳам тингловчиларнинг кўп миллатли састави ҳисобга олинади.

СССР халқларининг интернационал ҳамкорлиги, бирдамлиги туйғули Ўзбекистон қудратли саноат, равнақ топган қишлоқ ҳўжалигига эга бўлган республикага айланди. Юздан ортиқ тарқомдан иборат саноатимизнинг 1300 га яқин йирик ишлаб чиқариш корхоналари коммунизм қурилишига хизмат қилмоқда. Қишлоқ ҳўжалигимиз мамлакатимиздаги барча пахтанинг учдан икки қисмини, қаноп толасининг 92 процентини, қоракўлнинг 38,5 процентини, шолнинг 15 процентини етиштиради.

Ҳар бир республика коммунизм қурилиши жаҳаларида эришган ютуқларни галабаларимизнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган халқлар дўстлигисиз тасаввур қилолмайми. «Халқлар дўстлиги,—деб таъкидлайди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев,— ижтимоий ҳаётимизнинг жони ва қонига сингиб кетди. Руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, грузинлар, озарбайжонлар, литвалар, молдаванлар, латшалар, қирғизлар, тожиклар, арманлар, туркманлар, эстонлар — Ватанимиздаги ҳамма халқлар бир-бирларини ўртоқлар ва сафдошлар деб бийлоқдалар, бир-бирларига кўмаклашмоқдалар, биргалликда меҳнат қилмоқдалар, коммунизм қуриш учун курашда биргалликда қатнашмоқдалар. Ленинча миллий сиебатининг улуг яқини ана шундай».

КПСС XXIV съездида қайд этилганидек, ўтган йиллар мобайнида партия рақбарлигиде қардош совет республикаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида муҳим ишлар қилинди. Шунингдек, социалистик миллий маданиятларини ривожлантириш борасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Бутун Иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам доим ҳисобга олиш — партия сиебатининг асосий йўлидир.

Коммунистик партия социалистик интернационализм принципларига оғишмай амал қилиб, бундан буюн ҳам бутун эътиборини халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат бўлган улуг ишда уларнинг яқиндан ҳамкорлиги қилишларига қаратади. XXIV съездининг резолюциясида ўқдирилганидек, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм руҳида, барча миллатлар ва элатларни ҳўрматлаш руҳида тарбиялаш барча партия, совет, жамоат ташкилотларининг муҳим ғовий-сиесий вазифасидир.

Т. НАЖМИДИНОВ,  
тарих фанлари кандидати



# ГРУЗИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Ягона оилада

**В. П. МЖАВАНАДЗЕ,**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
Бюроси аъзолигига кандидат, Грузия  
Коммунистик партияси Марказий Ко-  
митетининг биринчи секретари

## ДОҲИЙ ВАСИЯТЛАРИ АМАЛДА

Грузияда Совет ҳокимиятининг галабасидан сўнг бир ярим ой ўтган. В. И. Ленин «Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, Тоғлик республикадаги коммунист ўртоқларга» деган хатида халқ хўжалигини тиклаш, социалистик қурилишни амалга оширишнинг конкрет вазифаларини белгилаб берди.

Бу хатда В. И. Ленин Кавказдаги совет республикаларининг мустақкам иттифоқи «буржуа жамиятда кўрилмаган ва буржуа тузумида бўлиши мумкин бўлмаган миллатлар дўстлигининг ёрқин намунасини яратажак» деб умид билдирган эди.

Орадан 50 йил ўтди, эндиликда биз барала айта оламизки, мамлакатимизда ана шундай миллий тотувлик барпо этилди ва бу миллий тотувлик, барча совет республикаларининг мустақкам иттифоқи тобора мустақкамланаверади, ўсиб ва ривожланиб бораверади. Уз сафларида 76 миллат ва элтининг вакилларини бирлаштирган Грузия Коммунистик партиясининг состави халқпаримизнинг дўстлиги ва қардошлиги, партияимизнинг интернационализмдан ёрқин далолат бериб турибди.

В. И. Ленин Кавказ коммунистларига мурожаат этаркан, бор кучни сафарбар этиб, бой ўлканинг ишлаб чиқариш қудратини юксалтириш, электрлаштириш бўйича улкан ишларни бошлаш, нефть, марганец, кўмир, мис каби туганмас кон бойликларини халққа хизмат қилдириш, ҳаммадан кўпроқ керакли бўлган, ҳамма нарсадан ҳам зарур бўлган, ўлкамиз қиёфасини ҳамма нарсадан кўпроқ ўзгартираётган, унга камолот башх этадиган сугорил ишларининг кўламини ошириш зарурлигини ёзган эди.

Совет ҳокимияти йилларида Грузия экономикасида юз берган кескин ўзгаришлар, энергетика базасининг нақадар улкан суръатлар билан ўсгани ва ўсаётгани, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш неча ҳисса ортганлиги, Грузия табиий бойликларидан, жумладан, В. И. Ленин ўз хатида тилга олган Чиатура марганец кони ва Тқварчели конларидан самарали фойдаланилаётганлиги, эндиликда далаларимиз ҳамда плантацияларимизни сув билан таъминлаётган ирригация системалари ҳақида кўплаб асосли, ёрқин факт ва рақамларни келтириш мумкин.


Грузиянинг қишлоқ хўжалиги ҳам Совет ҳокимияти йилларида ҳар томонлама раванқ топди, сертармоқ, юсак механизациялашган хўжаликка айланди.

Грузия Коммунистик партияси бундан кейин ҳам ўз сафларининг монолит бирлигини ва уюшқонлигини ҳар томонлама мустақкамлайди, партияимизнинг бош йўлига амал қилади, ҳаммаша Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ ва жанговар отряди бўлиб қолади.

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)



Кобулети районидagi Бобочвати колхозининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Кетеван Гогитидзе чой териш зарбдори.



Мамлакатимиз темир йўлларида елаётган пўлат отларнинг кўпчилиги Тбилиси электровозсозлик заводида тайёрланади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



**№ 8 (68) 1972**  
**Август**

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

1925 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти



Республиканинг машхур цитрускори Жульетта Убилава мандариндан юфори ҳосил етиштиради.



Гульрипша районидаги Ильич номи совхоз аъзолари Ш. Мурусидзе ва З. Галиева етиштирган узум биллурдай товланади.



Чой териш машиналари грузин деҳқонларининг оғирини англ қилмоқда.

Суратларни ГРУЗИЯ фотохроникаси тайёрдаган.

## БАТАНИМГА

Гулдурос суръатлар қўйида бедор,  
 Жасур фазокорлар парвоз этганда  
 Кўраман сени.  
 Инсон ўз қудратини кўз-кўзлаб такрор,  
 Фазода товушдан ўзиб кетганда  
 Кўраман сени.  
 Сайералар ёши,  
 Юлдузлар бир-бир —  
 Аён бўлганида не-не сир, ҳар гал  
 Кўраман сени.  
 Минг йиллар қаъридан толмас тафаккур  
 Ҳаёт ибтидосини излаган маҳал  
 Кўраман сени.  
 Гармсел қаҳридан ҳансираган чўл  
 Яшил пайкал бўлиб чайқалган фурсат  
 Кўраман сени.  
 Кўёш ҳам кучини бахш этиб, бир йўл  
 Улкан гигантларга қилганда хизмат  
 Кўраман сени.  
 Ернинг қаър-қаърида, қатламлар аро  
 Инсон кашф этган нур қидирганда кон

Кўраман сени.  
 Олис-олисларда — сир тўла фазо  
 Зулматни лазерлар ёриб кирган он  
 Кўраман сени.  
 Жаҳонга тинчлик, деб халқлар — дўст-қардош,  
 Урушларга қарши кураш очганда  
 Кўраман сени.  
 Электр нурига айланган қуёш  
 Тоғликлар уйига ёғду сочганда  
 Кўраман сени.  
 Бутун салобатинг, шонларинг билан  
 Кўраман сени.  
 Кўраман —  
 Руёлар топганда рўёб басма-бас,  
 Кўраман —  
 Утмишинг,  
 Бугунги онларинг билан,  
 Кўраман —  
 Истиқболинг билан оламан нафас.

## КЎРКАМ РАҚАМЛАР

Грузиянинг sanoat ишлаб чиқариш миқёси 1913 йилдагига қараганда 80 марта ошди.

Октябрь революциясигача бутун Кавказ 550 тонна чой етиштирар эди. Ҳозир фақат Грузиянинг ўзида ҳар йили 295 000 тонна «яшил олтин» етиштирилади.

50 йил ичида Грузиянинг электр қуввати 257 марта ортди.

Ҳозир республиканинг Фанлар академиясида 200 фан доктори, 900 фан кандидати ишлайди.

Икки марта Ленин ордени билан мукофотланган серкюёш Грузия — кўп миллатли халқлар ватанидир. Унинг таркибига Ленин ва Октябрь Революцияси орденига муяссар бўлган Абхазия

автоном республикаси, Ленин орденли Амар автоном республикаси, Ленин орденли Жанубий Осетия автоном области киради.

Грузия меҳнатнашлари барча иттифоқчи республикаларнинг дўстона ёрдамида янги беш йиллик марраларини дадил эгаллаб, шонли XXIV съезд кўрсатмаларини шараф билан амалга оширишди. Республика чой, цитрус ва эфирмой ўсимликлари етиштиришда Иттифоқимизда биринчи ўриндадир.

Тбилиси ва Рустави, Гори ва Батуми, Боржоми ва Цхинвали sanoat гигантлари мамлакатимизда машхур.

Совет Грузияси жаҳонга танилган гўзал курортлар маркази. Бу ерда икки мингдан ортиқ шифобахш минерал сув манбалари халқимиз сўхат-саломатлиги учун хизмат қилмоқда.

Серкюёш ўлка меҳнатнашларининг моддий ва маданий бойликлар инкод этишдаги галабаларидан барча қардош халқлар шоду хуррамдир.

Цихисдзир курорти — меҳнатнашларнинг хушманзара ва баҳаво оромгоҳи.

«Хоруми» ашула ва рақс ансамблининг санъати доимо томошабинларга манзур.

## ОНА ГРУЗИЯ,

Воҳид ЗОҲИДОВ

## ҲАМИША БОР БЎЛ!

Ш у йил май ойининг охирларида «Литературная газета» ва Грузия Езувчилари союзи ташаббуси билан чақирилган адабий мунозарада иштирок этиш учун шу ташилотлар таклифига биноан Тбилисига бордим. «Прозада ҳозирги замон воқелигини акс эттиришдаги новаторлик» деган мавзуга бағишланган бу йилнинг икки кун давом этди. Москва ва Ленинграддан, барча қардош республикалардан таниқли адабиётчилар келишган эди. Бу гоёт фойдали, жиддий адабий-назарий мусохаба ҳақида батафсил езиш мумкин. Аммо бу сафар у ҳақда эмас, гуржи биродарларим ва уларнинг ажойиб диеридан олган таассуротларим тўғрисида сўзламоқчиман.

...Бу йил баҳор одатдагидан ўзгачароқ беқарор келди. Нима ҳам дейсиз: баҳор-да,— янги туғилган ҳаётнинг шўхлиги!

24 майнинг субҳидами ҳам шундай безовта эди. Лекин лайнеримиз табият ўжарлигидан зўр чиқиб, бир зумда паға-паға булутлардан юксакка кўтарилди. Ажойиб Тошкент водисиди, асрлар сир-асроридан воқиф бўлган Сир, яқинда Гулистон деб ном олган собиқ Мирзачўл, қўтли ва қудратли Аму орқада қолди. Мана, поёни йўқ саҳро. Мана, қадимий сермавж Ҳазар, қор босган тоғ тизмалари...

Мен дунёнинг кўпгина сулув мамлакатларида, ажойиб водий ва воҳаларда бўлганман, шулар орасида энг юксак мақтовга эрийдиган, ҳар қандай дилни мафтун этадиган, беҳад гўзалларни ҳам кўрганман. Мезбонлар ўз мамлакатлари ҳақида сўз кетганда аксари гапни шу бир эртаникни сўзлаб беришдан бошлар эдилар:

— Парвэрдигор дунёи азимни, ундаги мамлакат, тоғу дала, денгизу дарё, чўлу биебон, гиёҳу жониворларни яратиб бўлгандан сўнг, уларни идора этиш ташвишидан зерикиб, ҳаммасини халқларга тақсимлаб берибди, энг гўзал ва кўркамини ўзига қолдирибди. Бирок бизнинг халқ бу тақсимот маросимида кета туриб йўлда бирон сабаб билан ушланиб қолганмиш. Кейин худо олдида қўл қовуштириб, ёлбора бошлаганмиш: «Биз беватан қолдик, кечикканимиз учун маъзур тўтаётсан, улүшимизни беришингни илтимос қиламиз, бизни ҳалокат гирдобига ташлама, ўзинг яратгансан, кечикканимиз ҳам сенинг иродандан, илтижомизни бажо келтир!» Шунда ҳоликўл-ҳаллоқнинг раҳми келиб ҳалиги ўзига олиб қўйган гўзал ердан ҳаёя этганмиш...

Бу чиройли ривоятни мен бир вақтлар гуржи дўстларимиздан ҳам эшитганман. Ушандаёқ улар диерининг бениҳоя гўзаллигига, уларнинг ўз диё-

рини бениҳоя эъозлаб ардоқлашларига ишонган эдим.

Айтиш керакки, ватанга бундай муносабат гуржи дўстларимизда ўзгалар ҳисобига, бошқаларни камситиш ё рад этиш ҳисобига эмас. Асно! Бу муҳаббат том маънодаги совет интернационализига асосланган. «Ўзингизникини севмасанг, бошқаниники ҳам севмайсан», деган доно гап бор. Шунинг учун, гуржи дўстларимиз ҳам, барча қардошларимиз сингари, ўз диёрларини беповён Ватанинг узвий қисми деб биладилар.

Қадимий Сакართვეло худди ривоят қилингандек гўзал. Мана ҳозир биз қор билан қопланган чўққилардан ошиб, ажиб назокатлар масканини кўздан туриб томоша қилимиз. Гоҳ кумуш, гоҳ мовий рангда товланган текисликлар, кент далавлар, бир-бирига уланиб, сўлим баҳор либосини кийган тепалиқлар, шошиб-тошиб оққан зиллол дарёлар, меҳнат тарадудидида юрган бахтиёр кишилар...

Бу ерларнинг гўзаллигини муфассал таърифлаб бўлмайди. Унда тасаввур қилиш қийин бўлган мўъжизалар бор. Аммо гап табиат мўъжизаларидега эмас. Қардош гуржи халқининг ажойиб фазилатларини эслайман. У гоят доно, самимий ва қобилиятлидир. Мамлакати ҳазинага конлигининг сабаби ҳам шундан.

Юнон мифологиясида шундай бир ҳикоят бор: қадимий автор Гесиоднинг «Теогония»сида айтилишича, шиддатли олишувларда Зевс бошлиқ маъбудлар титан паҳлавонларини енгдилар ва одамлар ўзларини бирин-кетин қурбон қилишларини талаб этдилар. Шунда титан Прометей одамларни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун, маъбудларни қалғитиб, уларга ҳайвон танасининг парчаларини одам этти деб бера бошлайди. Бундан даргазб бўлган Зевс одамлардан оловни тортиб олади. Бениҳоя оғир аҳволда қолган бечораларнинг манфаатини кўзлаб яна ўша Прометей зур машаққатлар чекиб оловни қайтариб олади ва муҳтожларга улашиб беради. Бош маъбуднинг яна ғазоби ошиб кетади. У Прометейни занжирбанд қилиб Кавказнинг баланд тоғларидан бирига михлаб қўяди. Бу билан ҳам қаноатланмасдан, унга бургутни юборди: бургут тун бўйи Прометейнинг жигарини чўқийди. Аммо тунда жигар яна аввалги ҳолига келаверади. Одамларни, уларнинг бахт-саодати деб Прометей шундай ҳолда бир неча аср мобайнида чидаб бўлмас даражада азобда қолади. Ниҳоят, Геракл олишиб бургутни ўлдирди ва Прометейни озод этди. Адолатсизлик, зулм ва зўравонликка хотима берилди.

Шундай қилиб, мелодан бир неча аср аввал антик Юнонистонда — Аристотель ва Платон юртида машҳур Прометей ҳикояти — ёвуз интиқил маъбудлар томонидан чексиз жабрланган одамларнинг нажоткори образини муҳассамлаштирган титан зотинг — илоҳият осмонини забт этиб, хизмат қилдириш учун олишган паҳлавоннинг мислсиз жасорати ҳақида ривоят пайдо бўлган. Бу чексиз баҳодирлик, фидойилик намунаси ҳақида буюк драматург Эсхил трилогия ёзган. Гёте ва Рилеве, Бетховен ва Скрябин бу сиймони ўз асарларида акс эттирганлар. Карл Маркс эса, ўзининг докторлик диссертациясини қуйидаги бир олам маъноли сўзлар билан бошлайди: «Хайт фалсафасининг бутун дунёни фатҳ этётган ва мутлақ эркин қалбида ақали бирон томи қон бор экан, у Эпикур билан биргаликда ўз муҳолифларига қарата ҳамisha айтажак: авомнинг маъбудларини рад этадиган одам гуноҳли эмас, авомнинг маъбудлар ҳақидаги фикрига қўшилган одам гуноҳлидир. Фалсафа буни яширмайди. Прометей айтган эди:

Чиндан-да мен барча маъбудларни ёмон кўраман...

Прометей маъбудлар малайи бўлган Гермесга шу сўзларни такрорлайди:

Менинг учун қояларга михланиш  
Зевсга малай бўлишдан афзал!»

Қарангки, мана бу образ ва ҳикоятнинг илк ватани Гуржистон экан. Яъни бу титан, Амيران (лугавий маъноси — «Қуёш ўғли») номи билан ва бу ҳикоят «Амиранини» сарлавҳаси билан энг аввал, эраимиздан олдинги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Сакართვეлода майдонга келган экан. Сунгра Юнонга ўтиб, маълум даражада бошқача шакл касб этиб, юнон мулкига айланади.

Гуржистон ўзининг узоқ тарихи мобайнида кўп дахшатли жанглар майдони бўлган. Лекин бу халқ ҳеч қачон ва ҳеч ким олдида тиз чўкмаган, ўз қадр-қиммати, тили ва маданиятини йўқотмаган, ўз ор-номуси ва миллий фарҳанини, ва-

тан мустақиллиги ва манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйилган. Ҳам қурол, ҳам қаҳрамонлик, ҳам тadbиркорлик ва ақл билан кўп зўравонларга бас келган. Ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ажойиб ижодкорлигига ва доғлигига қолган.

Тбилиси яқинида баланд тоғларнинг бағрида жойлашган, ҳамisha кўм-қуқ Мицхета деган қадимий пойтахт бор. Бу шаҳар бир-бири билан қовушадиган икки гўзал дарё соҳилида. Шаҳарнинг ўртасида олтинчи асрда қурилган Жварй деб аталадиган ибодатхона ҳам бор. У ҳам узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Ҳозир унга тоғ ораликларидан махсус асфальт йўллар олиб боради, кечалари эса атрофида прожекторлар зўб тўкиб туради.

Мана шу қадимий ибодатхона биносини қуришга танланган жой ва уни қурган меймор, муҳандис ва меҳнат аҳлининг юксак маҳорати кишини пол қолдиради.

Ибодатхона турган чўққидан то пастдаги дарёчага қадар бир неча ўз метр. Қарангки, меймор ва муҳандислар юта нотинч ҳамда хавфли замон талабларини ҳисобга олиб, шу масофадаги қоя тошдан сувга тушадиган яширин йўл ҳам очганлар.

Ҳикоя қилишларича, бундан бир неча аср муқаддам босқинчи галалар Мицхетага ёпирилганлар. Ибодатхонани қамал қилганлар. Қамал узоқ давом этган, аҳоли сувсиз қолган. Лекин қамалдагилар ташналик азобидан қанчалик ўртанмасинлар, таслим бўлмайдилар. Ғазоби оловланган душман улар орасида низо чиқариш мақсадида сув тўлдирилган қувачаларни қамалдагиларга узоқдан кўз-кўз қилади. Шунда қамалдаги қаҳрамонлар ёвнинг макр-хийласидан, олчқилгидан даргазб бўлиб, аввалдан йўлаб кўйилган режани амалга оширадилар. «Уйнаб турган тирикчи» балиқларни кўтариб узоқдан кўрсатадилар. Узларигагина эмас, ҳатто балиқларига ҳам сув бор экан, деган хулосага келган ёр номуид бўлиб, ёвуз ниятдан кечиб, чекинишга мажбур бўлади.

Уша Мицхетада Светицховели деган жуда баланд жоме бор. Уни улуғ меймор Арсунидзе бунёд этган. Бу қадимий бинонинг ҳам санъати ва мустаҳкамлиги одамни ҳайратда қолдиради. Шу маъбад бунёдкорининг тарихи ва тақдиридиги улкан фожиа гуржи ерларидега ҳукмрон бўлган адолатсизлик, зулм ва зўравонликнинг, хокисор этилган ақл, инсоф ва меҳнат билан ҳудим змон орасидаги, умум манфаати билан худбиллик ўртасидаги зиддиятлар нақадар ҳалокатли эканлигинидалолатдир. Ҳайратомуз маъморлик санъати, яъни бу маъбад қурилиб бўлгандан сўнг, токи бундай бино бошқа ерда қурилмасин деб ҳокимлар буйруғи билан мейморнинг қилини кесиб ташлаган эканлар.

Уша фожиадан кейин, мана, асрлар ўтди. Биз қадимий Мицхетани томоша қилолқодамиз. Асрлар мобайнида барча нарсадан хабардор бўлиб келадиган қўхна қуёш тун бўйи қилган сайридан чарчаб, ором олиш учун уфқка бош қўймоқда. Тинимсиз қушлар ҳам тун тадорикини кўрдилар. Тоғ чўққиларидаги дайди булутлар қизғиш тусга кирган.

Тбилиси томон йўл оламиз. Юқорида, прожектор шуъалари қуршовида асрлар сирини муҳассамлаштирган мағзур маъбад мудраб қолади. Гуржи ҳамроҳимиз бирдан ажойиб оҳанг билан шеър ўқий бошлайди — ўз халқининг юксак фазилатлари ва ўлмас даҳосини кўйлайди. Бу халқнинг ижодкорлик шўхратини гениал Шота Руставели барча асрларга етказган.

Яна бир оз йўл юрғач, мозий билан янги замон тўқнашгандай, ГОЭЛРО планда бўйича қурилган биринчи электр станциялардан ЗАГЭС, унда улуғ Ленин шарофига қўйилган биринчи ҳайкал кўзга ташланди. Дўстларимиз айтиб беришди: бу электрстанция қурилишини Владимир Ильич шахсан ўзи кузатиб борган экан. У Серго Оржоникидега қурилиш ҳақида бутун материалларни тўплашини топширган. Доҳийнинг бу топшириғи тезда натижа беради. Станциянинг очилиш маросимида Бутунитифоқ озоқсоли М. И. Калинин келади. Мана, Михаил Игнатовичнинг умум-халқ тантанасида айтган гаплари: «Биз буюк иш бошладик, бу иш келажикда янада ривожланиб, ўлкада саноатни юксалтириш учун битмас-туганмас энергия берадиган бўлиши керак!»

Дарҳақиқат, ўшандан буюн Грузияда электр энергияси ҳосил қилиш 257 марта ошди, шу асосда саноат маҳсулотини эса 80 марта ортди.

Қадимий Мицхета ёнидаги бу илк нур қони ва ундаги нуруний сиймо ҳайкали янги ҳақиқий инсоний тарихнинг ажойиб муқаддаслигисидир.

Йўлда давом этмоқдамиз. Қоронғилик қуюқлашди, тезда тўлин ой чиқиб атрофни олтинранг нур билан безадди. Пойтахт остонаси ҳозир йи-

рик янги микрорайонлардан бошланади. Бу эда минг-миг томошабин сизагидан спорт л донари, қуркам китоб мағазинари. Баллида чироқлар ёғдуси билан безаниб, бу шаҳарга кўриниб турган катта цирк ва филмония биналари, бир неча юз метр юксак, даги сайроғҳа тикка олиб чиқадиган фунику вагонлари кўринди. Грузин халқининг азиз фандаларига қўйилган улғувор ҳайкаллар. Айна Руставели обидаси ўз халқини шарофлаб кўруқ қад кўтариб турибди.

Тбилиси оқшоми ниҳоят гўзал. Мисли эрдагидек... Бутун шаҳарни қоқ иккига бўлиб, нратини, шўхлиги ва чиройини кўз-кўз қилиб сўтган Кура шаҳар ҳўсига ҳўсн қўшади. У чироқлар, ранг-баранг шаҳар чироқлари жиладани.

Кура соҳилида қад кўтарган 20 қаватли «Ирия» меҳмонхонаси — бизнинг масканимиз. Ал биз шеърй саҳифаларини арақлагандек кўча хиебонларни кезишда давом этамиз. Енимиз, меҳрибон ва билимдон меҳзонларимиз чармасдан ҳикоя қилдилар. Айнакча, икки наф худди ҳозир қургандек, қўзим ўғинида туриб Шаҳарнинг «кўхна» қисми. Кўчалар тоза. И томонда харсанган қурилган биналар. У улкан дараклар билан ўралган. Чироқлар ёғида барглар ажойиб сирли тусга кириб, шивлайди. Ҳамроҳларимиздан бирги фаҳр би эслади:

— Хув анави катта дароҳт соҳида грузин Александр Сергеевич Пушкинни йўлга куза қўйишган...

Бошқа бири қўшимча қилади:

— Ана у уйда Александр Сергеевич Гривдов яшаган...

Бу сайрда биз кўп эшитдик:

— Мана бу бинода Лев Николаевич Толстой истиқомат қилган.

— Бу уйда Алексей Максимович Горь бўлган.

— Мана бунисиди Владимир Маяковский шўқиган.

Чиндан ҳам муқаддас ерлар! Тўғрисини асам, хавасим келди. Дўстларимиз ҳар қа гурурлансалар, фахрлансалар арзийди.

Бу кўчаларнинг шон-шарафи бундагина эм. Бир вақтлар меҳнаткаш аҳоли чоризм, асрий лоқликка қарши қўзғолон байрогини мана кўчалардан кўтариб ўтган. Заминни ларага китирган инқилобий қўшқиларини берала айтган. Шиддатли кўча жанглари бўлган. Мана хиебондаги олишувларда эса, революцияни галаба байроғи тикланган.

Янги тарих туғилган шу қутли ерлардан ўт гўзал Кура билан бирга йўлни жануб томон вом эттирдик. Бир жойга келиб ўртоқларимдан бири айтди:

— Бу — қалъа деворларнинг қолдиқлари. Унинг ёнидаги эса Она Грузия маъбудасидир.

Меэбон бу кейинги сўзни алоҳида таъкид б лан айтди. Бунинг ажиб жидайды асоси борди:

Шаҳар устида бутун Грузияга муросиат илаётгандек бир ваэиятда турган ҳайкал ҳаётба ва оташин ватанпарварлик хиссининг муҳасс тимсолидир. Ҳайкалда тасвир этилган она қиёс си — совет Грузиясининг раэмзи. Оқишида одамийлик, майинлик, меҳрибонлик, дўстлик ва э ирода, қатъият, қаҳр-ғазаб барқ уруғи турибди. У бир қўлида май қосагини, иккинчи қўлида э қилич ушлаб турибди:

— Ким бу диёрга яхши ният билан келса, у га меҳр ва май тўла қоса тутаман, кимки ёв мақсад билан келса, уни қақшатиқч қаҳрим қиличим билан кутиб оламан!..

Биз турган жойдан бир оз нарида отилиб ч қаётган маъдан суви муҳташам шифохонага ас бўлган. Ривоятларга кўра, қадимда бир шаҳзо, ов пайтнда беҳосдан бир гўзал охуни отиб қў ди. Оғир яраланган оху, ситамкор одамлард фареъ қилгандай қаттиқ бир наъра тортеди жон беради. Аммо кўп ўтмай бирдан сапч оёкка туради ва атрофга таҳлика билан наз ташлайди-да, булоқ томон қараб чопади. Су дан ичиб, сира ўқ емагандек ўрмон томон сараб қочади. Шаҳзода булоқнинг шифобахш эк нини билиб шу ерда охудек гўзаллик шайдои ларига завқ бағишлайдиган, дарддиларга да берадиган катта шаҳар бунёд этишини буюради. Ривоятларга кўра, Тбилиси шу воқеадан сў барло этилган... Севмили пойтахт ҳақида ҳа шундай чиройли ривоятлар тўқиган.

Ҳақиқатан, у ажойиб дostonлар тўқиса ар зидидиган улғувор шаҳар!

Улуғ онлада ҳамisha омон бўл, Она Грузия



Дала Жүлді.

Р. ЖҰМАНІЗОВ фотосы

# ҚУДРАТЛИ, ТИНИҚ, НАФИС...

ва нафислигини, унинг Россия халқлари маданияти тараққиётидаги аҳамиятини бир неча ётаъкидлаган. У рус тилининг илғор маданияи ёйишдаги қудратли восита эканлиги, Россия халари тилларини лексик, фразеологик, грамматика ва ифода воситалари билан бойитиши ҳақида гапирган эди.

Рус тили улук Октябрь социалистик революциясини амалга оширган, меҳнаткашларни эмплуатациядан озод этган халқнинг тили, революция доҳийси В. И. Ленин тилидир; Совет Иттифоқидаги барча халқларга уларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётида, шунингдек илаб чиқаришда самимий ёрдам бераётган бу миллатнинг тилидир. Бу тил миллий тилларни раққий эитирувчи битмас-туганмас манба СССР халқларининг миллатлараро фикр алмушувидаги қудратли восита.

Кўп миллатли мамлакатимиз прогрессив длараларининг анча илгариданоқ бу тилни ўрганига бўлган қизиқиши рус халқи билан бош халқлар ўртасида аслрлар давомида қарор тулган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ҳамда илғор рус маданиятининг буюк маънаёт бойликлари ва демократик характери билан изоҳланади.

Рус тили ҳақида турли халқлар вакиллари машҳур адиб ва жамоат арбоблари: Т. Шевченко, М. Коцюбинский, Абай, Чавчавадзе, А. Цетели, М. Когельничану, К. Негрицу, М. Охундов, М. Богданович, Ф. Богусевич, Абдулўқай, Фурқат, Муқимий, Аваз Утар ва бошқалар катта ҳурмат билан гапирган эдилар.

Рус маданияти ва тилининг СССР халқлари маданияти ва тилларини ривожлантиришда, унинг кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ҳамда халқлари ўртасида алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти, айниқса Октябрь революциясида кейин янада ўсди. Мамлакатимизда эски туздан мерос бўлиб қолган саводсизликни тугатида ҳам рус тили катта ёрдам кўрсатди.

Рус тилшунос олимлари миллий кадрлар билан биргаликда миллий тиллар грамматикасини туздилар. Ўзбек тили грамматикаси ва луғати тузишда профессор Е. Голванов, А. Боровик, А. Кононов, В. Решетов ва бошқа рус олимларининг ҳиссалари каттадир.

СССРдаги барча халқлар учун рус тили фили алмаштириш воситаси, совет миллий республикаларининг меҳнат, фан, маданият соҳасида эришилган ютуқлари, ёзувчилар, санъат арбобларининг миллий тилда яратилган асарлари билан биринчи таништирувчи восита бўлиб қолди.

Рус тили СССРдаги миллатлар ва халқларни ҳамкорлиги, ўзаро ёрдам, маданияти ва тилларининг ўзаро яқинлашиши жараёнида умумий битил зарурияти туфайли, тарихан таркиб топган шарт-шароит туфайли миллатлараро секин тилга айланиб қолди. Рус миллати буюк маданияти, революцион традициялари, олжаноб фазилатлари, қаҳрамонона меҳнати, халқларга самимий ёрдами туфайли мамлакатимиз халқлари ўртасида чексиз ҳурмат ва эътибор қозонди. Рилида жаҳон маданиятининг асил дурдоналари яратилди. Бу тил туфайли Совет Иттифоқи халқлари жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд хозир улар ўз она тилларида жаҳон классикадабиёти асарларини ўқимоқдалар. Рус тили ўзбек адабиёти намояндаларини, атоқли олимларининг мизини бутун дунёга танитди.

Рус тили грамматик қурилишининг мукамаллиги, стилининг сайқал топанлиги, лексик-фразеологик бойлиги, бой тасвирий ифода воситалари миллий тиллар учун цех яхши намуна бўлиш қизмат қилмоқда. Ўзбек адабий тили тараққиётида ҳам у муҳим роль ўйнади. Айниқса, адабий тил нормаларини белгилашда, турли услубларнинг (газета, илмий-техникавий, публицистик, адабий, бадиий, поэтик услубларнинг) ташкил топшида рус тилининг таъсири кучли бўлди.

Совет даврида ўзбек адабий тилига рус тил орқали ўзлаштирилган интернационал лексик кириб келди. Социализм, коммунизм, совхоз, колхоз, сьезд каби ижтимоий-сиёсий терминлар бригада, завод, звено, цех каби ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган сўзлар, институт, техникум, филмал, райком каби муассаса номлари, самолёт, пароход, автобус, трамвай, троллейбус каби транспорт воситалари номлари, кибернетик, атом, космос, математика каби фан-техника терминлари, лейтенант, майор, маршал, танк, миномёт каби ҳарбий терминлар, тонна, грамм, километр, метр каби оғирлик ва узунлик ўлчовлари шофер, механик, монёр каби касб-хўнар номлари, планлаштириш, коллектив, механизация каби санаёт, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган иборалар тилимаизни сифат жиҳатидан янгилади, десак бўлади.

Рус тили жаҳон халқлари тиллари тараққиётида ҳам зўр аҳамият касб этмоқда. У шундан

**К**

ўп миллатли Совет давлати шароитида тил проблемаси миллий масалани ҳал этишдаги энг муҳим проблемалардан бўлиб, у миллий сиёсатнинг ҳам ажралмас бир қисmidир.

Тил — миллий маданиятнинг ўзига хос ва специфик хусусиятларини ифодалайди. Совет Иттифоқидаги барча халқлар тиллари Коммунистик партия ҳамда Совет давлатининг тил соҳасидаги доно сиёсати, чексиз ғамхўрлиги натижасида ривожланди ва тараққий қилиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий принциплари эса В. И. Ленин томонидан пухта ишлаб чиқилган эди.

Миллий тенгсизлик йўқотилган бизнинг мамлакатимизда социалистик миллат ва халқлар янада гуллаб-яшнамоқда, шу билан бирга миллатлараро алоқаларнинг ривожланиши туфайли иқтисодий, сиёсий, моддий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида социалистик миллатлар ва халқлар бир-бирларига тобора яқинлашмоқдалар.

СССРдаги ўнлаб тилларнинг ўзаро таъсири ҳамда қардош халқларнинг миллий тилларини халқ маънавий бойлиги, халқ доғишмандлигининг намоён бўлиш сифатида ўзаро ҳурматлаши социалистик миллатлар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, қардош халқлар ҳаёти ва маданиятини билиш учун катта имкониятлар очмоқда, янсон фаолиятининг барча соҳаларида ҳамкорлигини кучайтиришга таъсир кўрсатмоқда. Халқларнинг миллий хусусиятларига, миллатлараро алоқа ва муносабатларнинг ролига ҳурмат билан қараш марксизм-ленинизм принципларига мосдир. «Хар бир миллат бошқа миллатлардан ўрганиши мумкин ва ўрганиши лозим. Тўғри, жамият ҳатто ўз тараққиётининг табиий қо-

нуни изига тушган тақдирда ҳам тараққиётнинг табиий фазаларидан сакраб ҳам ўта олмайди, декретлар чиқариш йўли билан уларни бекор ҳам қила олмайди», деб ёзган эди К. Маркс «Капиталнинг биринчи томи сўзбошида.

Совет Иттифоқида ленинча миллий сиёсат принципларига амал қилиб, адабий тилларнинг шаклланиши ва тараққий этиш тарихий хусусиятларига катта ҳурмат билан қаралмоқда. Миллий ўзига хослик, тарихий аънавалар билан узвий боғлиқ бўлган барча нарсалар бу тиллар тараққиётидаги ички қонуниятларга мувофиқдир.

КПССнинг доимий ғамхўрлиги ва улук рус халқининг беғараз ёрдами билан мамлакатимиздаги қирқдан ошмиқ миллат ўз она тилидаги ёзувга эга бўлди. Бу эса совет халқларининг маданий қурилиши, миллий маданиятларини, тилларни ривожлантириш, она тилида мактаблар очиш, миллий кадрлар тайёрлаш, Россиянинг қолоқ бўлиб келган чекма ўлкаларида маорифни йўлга қўйиш соҳасида эришган мислсиз ютуғи эди. Мамлакатимиздаги 130 дан кўпроқ тилдан 70 га яқини адабий тил сифатида шаклланди.

Мамлакатимизда миллий масалани муваффақиятли ҳал этиш, барча социалистик миллатлар ва халқлар тилларини ҳар томонлама ривожлантиришда рус халқи ҳамда рус тили зўр аҳамият касб этмоқда. Рус тили — рус халқи маънавий маданиятининг энг буюк ютуқларидан биридир. Бу тилни қудратли ва ғўзал тиллардан бири сифатида бутун жаҳон халқлари эътироф этмоқда.

Ф. Энгельс рус тилини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб: «Хар томонлама ўрганишга лойиқ, энг бой жонли тиллардан биридир», деган эди.

В. И. Ленин рус тилининг бойлиги, қудратли

# ЗАМОН ВА ИНСОН

## МАДҲИДА

Ба бўлиб қолдики, жаҳондаги барча тиллар ин социалистик тузум, революцион кураш, лик ва тараққиёт ғояларини ифодловчи ва ва сўзларни ўзлаштириб олмақда. Бу тил эллардаги ўрта ва олий ўқув юртларида, ли курсларда ва индивидуал равишда кенг ирилмоқда. Дунёдаги кўпгина илмий муассарда рус тили бўйича илмий-тадқиқотлар боририлмоқда. Рус тилининг жаҳонаро обрў-тобора ўсмақда, у турли тарихий форум, грессларда қўлланиладиган халқаро тиллар-биридир.

СССР халқларининг рус тилини билиши, ҳанг барча соҳаларида бу тилнинг кенг қўл-лиши миллий тиллар аҳамиятини асло йтирмайди. Рус тилининг бошқа халқлар ҳаёти-риб келиши миллий тилларнинг ижодий им-иятларини кенгайтиради, жаҳон прогрессив аниятига йўл очади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий итетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ек халқнинг фикр-ўйларини баён этиб шун-деган эди: «Биз ўзбек халқининг рус тили-улуғ Ленин тилини, катта оғамиз ва энг яқин тими тилини, барча совет халқларининг ик-чи она тилига айланган тилни севиб ўрганаёт-лиги билан фахрланамиз».

Ҳозирги вақтда барча умумий таълим мактаб-ида биринчи синфдан ўнинчи синфгача рус и ҳам ўқитилади. 1970—71 ўқув йилида ўзбек табларида 11.489 рус тили ўқитувчиси ишла-шулардан 9.058 ўқитувчи қишлоқ мактаблари-хизмат қилди. Миллий мактаблар учун рус ти-ўқитувчилари тайёрлаш ишига РСФСР ва Ук-на ССР олий ўқув юртлари катта ёрдам моқдалар. Бу республикаларда 1960 йлдан м ўзбекистонлик 5 минг студент ўқиди. Улар й ўқув юртларини муваффақиятли тамомлаб, қишлоқларига қайтидилар. 1971—72 ўқув йи-да мутахассислардан 700 га яқини республика-з қишлоқларида ўз ишларини бошладилар.

Ўзбекистон мафкурачилари КПССнинг миллий сиё-сий нокапиталистик тараққиёт йўлидан бора-ан мамлакатлар халқлари олдига камситишга ниёз, СССР халқларини «руслаштириш» ҳақи-бўхтонлар тўқимокда, социалистик миллатлар-и бир-бирларига яқинлашувини бузиб кўрса-га ҳаракат қилмоқда.

Сорбонна университетининг ректори Алек-дар Беннигенс ва шу университетининг илмий лар бўйича проректори Шантал Лемерсье-льёже Лондонда «Совет Иттифоқидан ислом» ан китобини нашр эттирдик. Китоб авторлари нинг тил соҳасида эришган тарихий ютуқлари-га ғазаб билан қарайди. Улар Ўзбекистонда энг омма тил жиҳатидан руслаштирилмоқда» (-бет), «миллий тиллар ассимиляция қилинмоқ-» (221-бет) деб валақлайди. АКШнинг Калифор-ия штатидаги социал проблемаларни ўрганувчи итай-тадқиқот маркази секретари Этель Дунн, ркидаги социал проблемаларни тадқиқ этувчи рказ директори, «Совет социологияси», «Совет тропологияси ва археологияси» журналлари-ни редактори, антрополог Стефан Дунн ва льяндаги Шарқ ҳуқуқи институтининг директори, тисовет характердаги бир қанча асарларнинг ори Бэрис Майснер ҳам шунга ўхшаш бўхтон қимқодалар. Улар, коммунистик жамяят ку-шининг асл мақсади СССР халқлари тиллари маданиятини тўла равишда битта рус тилига шийдир, деган тухматни тарқатиб юрибдилар. ларнинг «илмий изланиши» СССР халқлари ҳа-да маълумотга эга бўлмаган китобхоналарга ўлжалланган.

Ҳозир Ўзбекистонда 120 миллат ва халқ ва-ллари бир-бирлари билан ҳамжиҳату ҳамкор имоқдалар. Яқинда Ўзбекистонда бўлган инг-з олими И. Гамильтон шундай деб ёзади: «Ан шунга ишондимки, сизларда ҳар миллатга рмат катта, совет тузуми миллий маданиятни қор босқичга кўтарди». («Правда Востока» азетаси, 1972 йил, 18 июни).

Социалистик миллатларни гуллаб-яшнатиш, ларни бир-бирига янада яқинлаштиришга қара-лган ленинча йўл партияимизнинг миллий маса-ва соҳасидаги сиёсатида ягона йўлдир. Рус тили-и билиш ва ўрганиш СССР халқларининг ўз иро-яси.

Ўзбек халқи ҳам мамлакатимиздаги барча лқлар каби улуғ рус халқи билан дўстлиги, ардошлигидан фахрланади. Рус халқининг оли-аноб беғаразлиги, софдиллиги, бардоши ва жа-врати, меҳнатсеварлиги, коммунизм ва интерна-ционализм ғояларига содиқлиги учун ҳам барча лқлар уни чекиз севади. Рус тилини билишни арафли ва олижаноб иш деб, мамлакатимизда оммунизм жамятини муваффақиятли қуриш-инг амалий заруратида, деб билади.

Э. ФОЗИЛОВ,

филология фанлари доктори

«Биз жанговар курашчилар бўлмоғимиз, умри-зининг ҳар бир дақиқасини одамларга бахши-да қилиб — дорахтлар, гуллар ўтказиб яшаши-миз керак. Биз воқеа-ҳодисаларга фаол арала-шиб, йўқ, улاردан сал олдинроқда юришимиз, демек, дээр белгиларини илғаб олишимиз, улар-ни авлодларга етказишимиз лозим. Токи биз-нинг қандай яшаганимизни, меҳнат қилганимизни, севганимизни, ўзгаларнинг дард-ҳасратини кўр-ганда нечоғли изтироб чекганимизни улар бил-синлар».

Бу сўзлар машҳур кинорежиссёр, ҳужжатли киносанъатнинг атоқли намояндаси, юртимизнинг ҳассос куйчиси, СССР халқ артисти Малик Қаю-мовга тааллуқлидир.

Қирк уч йилдирки, унинг қўлидан кинокамера тушмайди. Қирк уч йилдирки, ҳаётга ошиқ бу публицист дунё кезади, гулшан водийларни сайр этади, инсон даҳоси туйфайли боғистон бўлиб бораётган чўллар, даштар бағрида жавлон уради. Демак, у янги бир баркамол асар ярата-ди. Бу санъаткор томонидан лентага олинган ҳар бир дақиқа инсонни улғулайди, қаҳрамон ру-ҳини, маънавий дунёсини нозик, чўқур акс эт-тиради.

Мана, экранда М. Қаюмовнинг «Тожиқон билан учрашув» фильми. Фильмда толмас партия ходи-мининг машаққатли ва шонли тақдирини кино тили билан ҳикоя қилинади. Санъаткор бу асар орқа-ли оддий ўзбек аёли ва унинг атрофидаги ки-шиларнинг янги ҳаёт тантанаси учун, Маърифат, Еруғлик, Озодлик ва Мухаббат учун жон-жаҳди билан кураш олиб борганликларини шoirона ифода эта олгани туйфайли ҳам томдшабинлар таҳсинига, меҳрига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам бу аjoyиб аёлнинг тақдирини юракларни ҳая-жонга солади, унинг ҳаёт йўли янги авлод рам-зидек туюлади.

Малик Қаюмовнинг идрок-шуури, завқ-шавқи, куч-ғайрати кишини ҳайратга солади. Фикримиз-нинг далили сиёсатида унинг шу пайтгача 230 га яқин ҳужжатли фильм яратганини айтиб ўтиш қийин. Бу фильмларнинг барчасида, агар таъбир жоиз бўлса «Қаюмовча мушоҳада», оригиналлик-ка интилиш, сон-саноксиз воқеа-ҳодисалар ич-дан энг сарасини, энг замонавийсини ажратиб ола билиш маҳорати барқ уриб туради.

Ўзбек ҳужжатли кино санъатини Малик Қаю-мовсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Санъаткор рес-публикаимизда шу мураккаб ва ўзига хос санъат тури билан бирга ўсди, улғайди, камолотга эриш-ди.

Малик Қаюмов ўз кучини дастлаб бадий фильмда синиб кўрган. У «Бағдоддан келган аме-рикалик аёл» фильмида қарол ролини ўйнади, сўнг «Ажал қудуғи» фильмида қатнашди. Бироқ кўп ўтмай ёш актёр мамлакатимизда рўй бера-ётган тарихий воқеаларнинг шохиди ва иштирок-чиси бўлиш учун, албатта кўлга кинокамера

олиш кераклигини тушунди. Шундай қилиб М. Қаюмов илк ҳужжатли фильминин яратди.

Фильм республикаимиздаги бир гуруҳ меҳнат-кашларнинг Ленин ордени билан тақдирланишига бағишланган эди. Ёш режиссёрнинг бу асари ўша вақтлардаёқ чет элларда, жумладан Нью-Йоркда намойиш этилди, мақтовга сазовор бўлди.

Улуғ Ватан уруши бошлангач, Малик Қаюмов кинокамера билан фронтга жўнади. У кўпгина фронтларда совет жангчиларининг қаҳрамонли-ги, озодлик учун оёққа турган ватандошларимиз-нинг шижоатини суратга олди. Гоҳо камера ўр-нига автомат ушлаб жангга кирди.

Малик Қаюмовнинг ҳар бир кариначиси — каш-фиёт. Масалан, унинг шўх, ҳар кадридан хандон кулги ёғилиб турадиган «Аския» фильминин кўр-ганда чет эллик томошабинлар ҳам режиссёр-нинг топқирлигига, дидига ва маҳоратига тин бе-радилар.

«Баҳордан баҳоргача», «Олтин тўй», «Тошкент эзилмас», «Тошкент — тинчлик шаҳри» каби гоҳ фалсафий ва ўйчан, гоҳ латиф, гоҳ шарқат-сиз ҳақиқат акс эттирилган фильмлар тўғрисида ҳам узок-узок гапириш мумкин.

Бобокалон шаҳримизга бағишланган «Самар-қанд ҳаммаша мен билан» деган кинодoston ҳам-мамининг марфун этади. Машҳур рақосамиз Му-каррама Турғунбоевага, унинг раҳбарлигидаги «Баҳор» ансамблига бағишланган кинофильмлар тўғрисида ҳам кўпгина яхши сўзлар айтиш мум-кин.

Малик акани Ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясининг директорлигига эмас, етук режиссёр, билимдон, нозик дидли бадий раҳ-бар сиёсатида биламиз. У ёшларнинг талабчан ва ғамхўр устози. У шоғирдларининг бирор янги асарини қайта-қайта кўриб, оталарча тежаб-тер-габ, қимматли маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўр-сатиб тонг оттириши мумкин. Фақат ёш ҳамкасб-ларининг қамолтини, қувончини кўрса бас. Усто-зга бундан ортқ муқофот йўқ.

Кимки Малик Қаюмов билан озгина бўлса-да, бирга ишлаган бўлса, унинг таъсирини сезмай қолмайди. Сен билан ёнма-ён олижаноб ва қатъиятли, гўзаллик оламига шайдо, ўзининг ёр-қин истеъдодини фақат яхшиликка, нафосатга, замон ва инсон мадҳига бағишлаган аjoyиб ин-сон одим ташлаб бораётганидан қувонсан.

Унинг бир фильмида «Гўзаллик гўзалликин яратди» деган ибора бор. Бу сўзларни Ватани-миз кино санъатининг йирик арбобларидан би-ри Малик Қаюмовнинг ўзига нисбатан бемалол ишлатиш мумкин.

Равно СОЛИҲОВА

Суратда: СССР халқ артисти Малик Қаюмов сьемка пайтида.

Г. ГРАФКИН фотоси

У

сеҳрланган кишидек, оёғи остида ётан штангага тикилганча бир зум туриб қолди. Шу топда улкан залдаги томошабинларнинг ҳаяжонли овозлари ҳам унинг қулоғига кирмасди. Бордию якама-яка олишувда... Бундай бўлиши мумкин эмас. Тошкентга қай ҳолда қайтади? Еру биродарлар, ҳатто ярим кеча бўлишига қарамай аэропортга кузатишга чиққан таниш-билишлар олдида нима деган одам бўлади? Ахир, инсон иродаси пўлатдан ҳам мустаҳкам эмасми!

Эркин штангага энгашди. Бир-икки бор чуқур нафас олиб, уни азот ердан узди. Залворли юк ҳавода муаллақ туриб қолди. Мусобақани кузатиб турган судья бош силкиди. Зал оёққа турди. Минг-минглаб спорт ихлосмандлари Эркин Каримовни янги Иттифоқ рекорди билан самимий қутлади. СССР халқлари IV ёзги спартакиадасида олтин медаль Ўзбекистон вакиллари қўлига ўтган эди.

Эртаси куни Эркин билан Лужникида учрашдик. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг турли мусобақаларга мўлжалланган майдончалари, теннис кортлари, сўлим хибонлар... Ранг-баранг спорт кийимларидаги йигит-қизларнинг қувноқ қаҳқаҳаси, ҳазил-мутойибаси дилларга сурур бағишлайди. Улар орасида формасида пахта тасвири бор спортчилар ҳам талайгина. Дўстлар каттакўрғонлик ҳамкасбларини ғалаба билан табрикларди.

Ниҳоят холи қолдик. Гап орасида Эркин билан Тошкентдаги илк мусобақаларда қатнашган пайтини эслашдик. 1961 йилнинг ёзи. Пойтахтимизнинг Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи. Ўзбекистон шахарлари спартакиадаси программасига киритилган оғир атлетика мусобақаси худди шу ерда давом этарди. Полвонлар баҳсини ёшлар бошлаб берди. Сўнгра маҳоратли, матонатли усталар жангга киришди.

Очиғини айтганда, кураш энгил вазли спортчилар ўртасида қизгин тус олди. Бу вазн тоифасида неча бор республикамиз чемпиони ва рекордчиси бўлган В. Суворов, тажрибали мастер А. Колоди, Р. Ахметшин каби спортчилар юксак унвон учун энг шимарган эдилар. Одатда, республика миқёсида ўтказиладиган катта-кичик мусобақаларда голиблик учун баҳс асосан ана шулар ўртасида давом этарди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Штанга олдида Эркин Каримов! Самарқанд областидан! — деб эълон қилди судья.

Уртага қорачадан келган, паст бўйли, зуваласи пишққ йигит чиқди. У штангани бамайлихотир у ёқ-бу ёққа қимирлатиб, кўтаришга шайланди. Қўлини бўрга суркади. Штанга дастасидан ушлади.

Судьянинг қўл шапатиллагани эшитилди. Белгиланган дастлабки марра осонгина эгаланган эди. Аммо даст кўтариш машқида унинг омади келмади. Республикамиз полвонлари кўтарган тошга яқин бордию, лекин юраги дов бермади. Зални тўлдириб ўтирган томошабинлар бунга ҳатто ажабланишмади ҳам. Негаки, спортнинг ўз қонун-қоидалари бор, йўл-йўлакай кучсизлар мусобақадан четга чиқиб, томошабинлар қаторидан ўрин олавердилар.

Ишқибозлардан фарқли ўлароқ, Эркин ҳали умидидан воз кечмаган эди. Олдинда учинчи — сўнги машқ турибди. Бу орада голиблик учун кураш асосан Суворов, Ахметшин ҳамда Колодилар ўртасида давом этди.

Навбат республика чемпиони Владимир Суворовга. СССР спорт мастери 122,5 килограммли тошини учинчи дафъада аранг кўтарди. У қора терга ботган, ҳаяжондан хансирарди. Аммо шу топда унинг кўзларига боққан киши севинч балчиб турганини, ўз куч ва иродасидан мамнун эканини пайқай оларди.

Саҳнада яна дўппили йигит пайдо бўлди. Буни қарангки, ярим соатча аввал оғирлик қарши-сида ожизлик қилиб, боши эгилган Эркин спорт ишқибозлари, тренер ҳамда мутахассисларни ҳайратда қолдириб, штангани боши узра даст кўтарди. Ҳозиргина халатини кифитга ташлаб тин олаётган Суворов ўйланиб қолди. Чунки нотаниш рақиб СССР спорт мастери талабини бажариш билангина кифояланиб қолмасдан, умумий ҳисобда ундан ўзиб кетиши, спартакиада голиби бўлиш билан бирга, чемпионлик унвонини олиши ҳеч гап эмас эди. Албатта, қийин жангларда қўл-



## ПАРВОЗ

га киритилган муваффақиятнинг бой берилиши, чемпион унвони олдида «собиқ» сўзининг қўйлиши ҳеч кимга хуш келмайди.

Йиллар мобайнида ўзини тоблаган Эркин узлуксиз машқлар, машаққатли кунлар, меҳнатлари мевасини татиш орзусида ёнарди, устознинг «Мастерлик талабларини бажардинг, чемпионликка бир уриниб кўрмайсанми?», деган гаплари парвозига қанот бағишлагандек эди.

125 килограммли штанга ниҳоятда қайсар «юк». У икки бор йигитга ўз ҳукмини ўтказди, бўй бермади... Спортчи бутун иродасини йиғиб, учинчи уринишда зил-замбил штангани даст кўтарди. Юзлаб ишқибозлар, спортчилар республикамизнинг янги чемпиони гулдурос қарсақ билан олишладилар.

Ана шу дастлабки муваффақиятини эсларкан, Эркин самимий жилмайди:

— Қувончимдан ўзимни қаерга қўйишни билмай қолган эдим!

Рост, ўшанда 125 килограммли штангани кўтарган Эркин Каримов судьянинг ҳукмини эшитгани ҳамон ўзини йўқотиб қўёялган эди. Саноқли дақиқаларда рўй берган бу воқеадан лол эди.

— Истикболи парлоқ штангани, у СССР чемпиони бўлиши ҳам ҳеч гап эмас, — деди республика спорт комитетининг бош тренера С. Аъзамов.

Эркин маҳоратининг чўққига кўтарилишида студентлик йиллари алоҳида ўрин тутади. Машқларни вагонетка ўқларини кўтаришдан бошланган чилангар йигит Ўзбекистон Давлат физкультур институтига тажрибали ўқитувчи, мутахассис тренерлар раҳбарлигида машини давом эттирди.

Айниқса, устози — республикамизнинг бир неча бор рекордчиси ва чемпиони, СССР спорт мастери Владимир Аванесов Эркин Каримов маҳоратини юксак поғонага кўтаришда кўп тер тўкди. Эркиннинг Грузия ҳамда Белоруссияда ўтказилган Бутуниттифоқ студентлар спартакиадаси голиби унвонини қўлга кiritишида, Бутуниттифоқ шахсий мусобақаларида кумуш медаль олишида, СССР халқлари IV спартакиадасида голиб чиқиб, мамлакат терма командаси сафига киритилишида устозининг муносиб улуши бор.

Шу йилнинг март ойида Минскда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида мамлакатимизнинг энг кучли, жаҳонга маълум ва машҳур спортчилари қатнашиб, килограммлар баҳсида куч синашдилар. Улар орасида Ўзбекистон вакили, эндиликда институт ўқитувчиси Эркин Каримов ҳам бор эди. Ярим энгил вазли спортчилар сафида куч синашган ҳамшахримиз собиқ жаҳон чемпиони, грузиялик Дито Шанидзе, украинлик Николай Варавва каби забардаст спортчиларга муносиб рақиб бўлибгина қолмай, улардан ўзиб ҳам кетди. Эркин Каримов шу пайтгача ўз вазини бўйича бирор спортчи босиб ўтаолмаган маррани эгаллади — 155,5 килограммли штангани кўтариб, янги жаҳон рекорди қўйди.

Спортимиз юлдузи ўттиз ёшга тўлди. Оғир атлетикачилар учун бу навқирон, айни кучга тўлган палла ҳисобланади. Эркиннинг янги-янги жаҳон рекордлари ўрнатилишига, ўзи каби кўлаб маҳоратли шогирдлар тайёрлашига шак-шубҳамиз йўқ.

Республикада хизмат кўрсатган артистка Вилора Оқилова — М. Қоринқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг рақосаси.

Г. ГРАФКИН фотоси

Я. САЛИМОВ



дагидек чиройли. У тикилиб турганимни сезади. Қизаринираб бехосдан индамай қолади. Қисқа сукунат чўқади. Ирода жимжитликни ёмон кўради, диққати ошиб кетади.

— Тавба...— деб мулоим жилмаяди.— Шу вақтгача мен хотираларни фақат... истеъфога чиққан генералларгина ёзади, деб юрарканман. Янглишган эканман. Хотираларни ёзишга ҳатто инженерлар ҳам ишқибоз бўлишаркан.— Бу учирки менга қаратилган. Ирода гапидан тўхтаб, сиёракина ёзув билан тўлган қозғога тикилиб қолади.— Нима гап ўзи? Ешингиз ўтиб қолдими?

— Қайдам...— деб елкамини учираман.  
— Еши ўтган кишиларга ўхшаб парижон бўлиб...— деганча у шоша-пиша кўшни чонога кириб кетади. Мен унинг сўзларидан таажжубланмишга ҳам, жавоб беришга ҳам улгуролмайман. Қайтиб чиққан Ирода саргайиб кетган бир даста қозғонни олдимга ташлайди:— Бу нима?

Хайратдан қошларим учади:  
— Буну қаердан топдинг?  
— Катта энциклопедиядан бирининг ичида турган экан,— кулиб жавоб беради Ирода.— Уттиз тўрт йил бўлибди-я!

Мен ҳижолат билан варақлай бошлайман. Ирода ҳам менинг юзимга тикилиб, сирли шивирлайди:

— Новороссийск воқеаси... Эсингиздами? Қўшни хонадан соат занги эшитилиб қолди.  
— Вой, кечикмай тагин!— дейди Ирода тарадудланиб. Шоша-пиша плашчини кийди-да, эшикка қараб югуради. Кузатиб қўйиш учун ўрнидан кўзгалсам кўнмайди:  
— Қўйинг. Овора бўлманг.

Қўлимда бир даста қозғо билан қоламан. Бу бир даста қозғода менинг хотираларим акс этган. Ҳар бир саҳифада таниш номлар. Карим, Турғунбой... Николай Кандиба, Валя... Ҳа, ҳа, Валя Синицкая. Улар ҳозир йўқ. Вислада ҳалок бўлишган. Христофор дегани ҳам бор эди. Ҳозир у Армавирда яшайди...

Бу воқеа кўп йиллар муқаддам Чирчиқда бўлган.

\* \* \*

Баракка кирверишда кўнжигача лой бўлиб кетган резинка этгимни тозалаб турган эдим, орқадан комендант Петя амакининг хирқирок овози эшитилди:

— Зудлик билан Воҳид Самидовичнинг олди-борар экансан. Эрталабдан бери йўқлотапти...  
— Нима иши бор экан?  
— Унисини билмадим. Тезроқ бўл!  
— Кийинчи олсам бўларди,— дедим, усти-бошимга имо қилиб.  
— Тўйга кетаётганинг йўқ,— деб ўқтирди у.— Шундай бораверсанг ҳам бўлади.

Лой ҳовлидан шалп-шулл юрганча қоронғи йўлакка кириб бордим... Кабинет эшигини очмоқчи эдим, бош тўғон бошлигининг овозини эшитиб қолдим.

— Кандиба боради!— дея қичқирарди Турсунов.— Бошқа одам эпломмайди.  
— Йўқ, Бакиров борсин...— деб эътироз билдирарди инженер Жўраев.— Ишни пухта бажарди. Қизил казаклар билан хизмат қилган.

— Кандиба-чи? Собик матрос,— дерди Турсунов сўзларини исботлаётгандек,— ер юзини кезиб чиққан. Маркиз оролларида яшаган.

— Бу ишга Маркиз оролларида нима дахли бор!— дея таажжубланарди Жўраев.— Жуда беқарор одам, фикри-ёди Маргарита, ўшани деб Батумида ўзини осиб қўйишига сал қолган экан. Бакиров — бошқа гап. Вазмин йигит.

— Лекин ёш, шошалоқ,— дерди бўш келмай Турсунов.

Узим ҳақимда бир-бирига зид фикрларни эшитиш дилмига хуш келмагани учун эшикни шартта очиб ичкарига кирдим. Баҳс тўхтаб қолди. Жўраев ўрнидан туриб, ўзи ўтирган ўриндиқни менга тақдиф қилди.

— Бир жиддий иш чикиб қолди, Жавдат,—

## Қардошлар адабиётидан

деди жижолат чеккандек бўлиб Турсунов.— Уй-лайманки дундириб келасан.

Ишончига қойилман! Ҳозиргина кўнмай турган эди-ку? Ҳозиргина шубҳа қилаётган эди-ку?

— Бош тўғонда одам тўлиб ётибди,— деб жавоб бердим мен Турсуновга,— шулардан фақат мени танлабсиз-да?

— Гап бунда эмас,— деб қизишди Турсунов.  
— Нимада бўлмаса!

— Менга қара...—Турсунов стулини менга яқинроқ суриб, энди осойишта бир оҳангда гапира бошлади.— Бир-биримизнинг бошимизни қотириб ўтирмайлик. Новороссийска бориб келасан. У ерининг портида Америкадан келган кранлар ётибди. Давлатнинг бир дунё пулига олинган қимматбахо жиҳозлар қор тағида қолган. Ана ўша кранларни тезлик билан етказиб келиш керак.

— Ким билан бирга бораман?  
— Экскаватор паркиннинг бошлиғи Мансуров билан борасизлар,— деб тушунтирди Турсунов.— Шу ишинг кетидан тушиб, бамисоли бир ниқтовчилик қиласизлар. Маъқулми?

Мен гаранг бўлиб турган бўлсам ҳам, бош силкиб қўйдим. Ниқтовчи эмиш! Буниси қандай бўлди? Қизик, Абдулла Содиқович иккаламиз шунча жойдан поездини ниқтаб келарканмиз-да? Новороссийсқдан Тошкентгача-я?

— Москвада айланчиб қолманглар,— деб мени огоҳлантирди Жўраев.— Каттакон шаҳар, пул кўп керак бўлади. Новороссийска мен ҳам борганман, биринчи драглайиларни олиб келганман...

Портда дарров комсомол ячейкаси билан алоқа боғланглар. Талаб қилингллар! Совет Шарқда беш йилликнинг гиганти, денглар. Бунча ушлаб туришга ҳақларинг йўқ, денглар. Хуллас, бор чорани кўрасизлар...

Яна бош силкидим. Бу фикр менга маъқул тушди.

— Ҳужжатларингизни тахт қилиб қўйибмиз,— деди Турсунов.

У стол тортмасини очиб, уни титқилиб бошлади. Ҳужжатни олиб берди, деб турсам саргайиб кетган бир газетани олди. Унга диққат билан тикилди-да, қўлида айлантириб-айлантириб четидан энсизгина парчани йиртиб олгач, найча ўрашга киришди. Сўнг чўнтағидан маҳорка ушқоқларни чимдиб-чимдиб олиб найчага тўлатди. Ниҳоят, патрондан ясалган зажигалка билан тамакисини тутатиб, хона бўйлаб юра бошлади.

— Поезд кечаси кетади. Ҳужжатлар инженер Мансуровда.

— Хайр бўлмаса,— деб чиқиб келавердим. Мансуров уйда йўқ экан. Эшик олдидан ўйнаб юрган олти ёшлардаги бола дудуқлана-дудуқлана жавоб берди:

— О-ойим ҳам й-йўқлар... И-Искандарга к-келганлар.

Бошқармага қайтиб борган эдим, Турсуновнинг секретари ўшқириб берди:

— Нима қилиб бу ерда юрибсан! Бор, тайёргарлигингни кўр!

— Нима тайёргарлик кўрардим? Мен тайёрман. Мансуровни тополмадим.

— Ундан кўнглинг тўқ бўлсин. Баракда кутиб тур. Қирғизқулоқдан машина қайтиб келиши билан сизларни Тошкентга олиб тушиб қўяди.

Баракка бориб ўрнимга чўзилдим. Кечаси мени пахтали шим кийган тўнд бир киши шовқинлаганча уйғотди.

— Машина ошхонанинг олдида турибди,— деди у хирқираб.— Яқинроққа келишининг иложи бўлмади, лой белдан келади. Тезроқ кийининг, бўлмаса паромга кеч қоламиз.

Мен ечиммасдан ётган эдим. Урнидан турдим ушнелимини кийиб, рюкзатимни тасмасидан елкамга илиб, шофернинг изидан йўлга тушдим.

**И**рода ҳамон ўша-ўша... Одатдагидек тинмагур, жонсарак. Кечагина Миландан қайтиб келдию шу бугуноқ география жамиятига бориб лекция ўқимоқчи.

Қирқ минутлардан сўнг у чиқиб кетади. Бир ой чўзилган айрилиқдан сўнг бирпагина бўлса ҳам ундан ажрагим келмайди. Мен унга рашк билан бир оз ҳазин боқаман. Ирода чиройли. Айниқса киприклари сузилиб турса, Худди ўша йиллар-

мармәр эиналар

Шомил АЛЯДИН

Ҳикоя

Автомобилинг эшиги очик экан. Бурчақда кимдир ўтирарди.

— Ушланг, Абдулла ака! — деб рюкзакгини унга улоқтирдим.

«Фора» ўрнидан силтаниб кўзгалди-да, шлак тўкилган йўлдан юриб кетди. Соҳилга ўн минутларда етиб келдик. Машина паромга тушиши билан гап сўрамоқчи бўлиб, ҳамроҳи томонга қарадим. Қоронги бурчақдан менга чақнаган кўзлар тикилиб турарди.

— Ирода! — деб юбордим бехосдан.

— Ҳа. Мунча бақирмасангиз?! — Шу ондаёқ рюкзаким тўп этиб оғининг тагига келиб тушди. — Ушланг!

— Кечирасиз, билмабман, — дедим мен жонхотатда. — Мансуров қани!

У жавоб ўрнига шаҳодат бармоғини лабига босиб қўйди.

Мен эртасигагина саволимга жавоб олдим. Поездимиз Ғазали даштидан елиб кетаётганида Ирода табассум билан шундай деди:

— Мансуровга рухсат беришмади. Қирғизқулоқдан Холтоев телефон қилиб, сиз борасиз, деб буюрди. Қурилиш бошлиғининг фармойиши шу, деди. Мен унамай, мингта баҳона кўрсатдим, қани кўнса! Гапимга қулоқ солмайди...

Кулиб юбордим. Бундан Ирода хижил бўлди. Бу хушқачқалигим ғашига теккандек, қолларини чимирди.

— Мансуровнинг яна омади келибди, — деб тушунтирдим мен. — Биласизми, Новороссийскда нима ишлар қилишимиз керак бўлади!

— Йўқ, — деди Ирода. — Жуда ҳам бир зўр иш қилмасак керак ҳар ҳолда...

— Зўр иш бўлганда қандоқчи...

— Шунақами?! — дея кифтларини учирди ҳамроҳим. — Боришга сира раъйим йўқ эди, қўярда-қўймай жўнатишди, шунинг учун ишни эпловмасам, мени айбга буюрмайсиз.

— Нега раъйингиз йўқ эди! — деб сурштирдим. — Юрагингиз дов бермадим!

— Ҳа.

— Нимадан кўрқдингиз?

У деразага ўғирилди. Саксовулзор саҳрода кетаётган туялар қарвонига тикилиб қолди.

— Ҳаммадан аввал сиздан...

Мен ҳазиллашмоқчи бўлдим:

— Жуда ваҳимали бўлсам керак-да! А, шунақами!

— Сизми?... Унинг қиёфаси шундай тус олдики, кулмоқчи эканлигини ҳам, йиғламоқчи эканлигини ҳам билиб бўлмасди. Лекин кулмади ҳам, йиғламади ҳам. — Йўқ, ундай эмас, ҳамма бало шунда-да... — У қўллари билан юзини яшириб олди.

Бирдан севиниб кетдим. Айни бир вақтда вужудимни қандайдир ҳазиллик ҳам чулғаб олди. Қалбимда қизгин ҳаяжон кўзгалди.

— Ирода! — деб хитоб қилдим. — Севасизми?

У қўлларини юзидан олмай, шивирлади:

— Жавдат...

Юқорида ётган йўловчи чамаси бизнинг суҳбатимиздан уйғониб кетди шекилли, инқиллаб-синқиллаб ёнбошига ағдарилди. Ирода деворга биқиниб, менга бармоғи билан пўписи қилиб қўйди:

— Жим... Секинроқ.

— Бе! — дедим тегажаклик қилиб. — Қувончимни яширайми!

У жилмайиб, бошини қуйи солди. Нечукдир бирдан Эльпидени эслаб кетдим. Эльпиде Дураниди мен биринчи марта муҳаббат изҳор қилган грек қиз. Тошкентдан Ялтага қайтайтиб Батумидан жўнайдиган пароходга кечикибман. Шаҳарда бир неча кун қолиб кетдим. Эльпиде билан ўша ерда танишдим. Шаҳарни айландик, қайиқда суздик. Бир кун у мендан: «Севасанми?», деб сўради. Мен: «Ҳа», дедим. «Қасамёд қил-чи!», деб туриб олди у. Шундан кейин кўзлари, мовий осмон, кўм-кўк денгиз яна алланима балолар ҳақи қасамёд қилишимни сўради. Мен хижолатдан қизариб, гарангсиз унинг сўзларини такрорладим.

Кейин Ялтага жўнаб кетдим. Тасодифни қарангки, уч йилчадан кейин Чирчиқда унинг акаси Христофор Дураниди билан учрашиб қолдим. У менинг қасамёдимни Иродага айтиб берибди. Шу-шу бўлиб Ирода мен билан ярим йилча гап-лашмай юрди. Ҳозир Эльпиде эсимга тушиб кетганининг сабаби ҳам шу. Эсладим у бун Ирода пайқаб қолишидан кўрқдим.

Хайриятки, пайқамасди. Ироданинг лабларида табассум ўйнар, шахло кўзлари менга маъсум боқар эди.

— Ҳа, кўрқдим, — деди у. — Узингиз ўйлаб кўринг, Чирчиққа қайтиб борганимизда одамлар нима дейишар экан? Оз эмас, овлоқ эмас, икки ой командировкада юрарканмиз.

— Шунисидан кўрқасизми? — деб таважубландим.

— Кўрқмаслигим керакми?

— Албатта. Одамлар гапиринча гапиринча-вермайди! Нима ишимиз бор...

Сўзларим Иродага таскин бермади, у бундай узоқ сафардан ваҳимда эди.

— Йўқ-йўқ, ўзингиз шундай деганингиз билан... бари бир юрагингиз така-пука...

Мен унинг кифтидан кучиб, ўзимга тортдим.

— Кўрқмайман. Аксинча, топишиб қолганимиздан ўзимда йўқ хурсандман. Эсингиздами, Кўкқоя томонга кўп борардим. Сизни кўргим

келаверарди, шу сўзларингизни эшитгим келарди.

— Энди... эшитдингизми?

— Ҳа, эшитдим. Ҳаммаси учун Мансуровнинг ўрнига сизни жўнатган Холтоевга миннатдорчилик бийдиришим керак.

— Мен вазифани эплавмасам-чи?

— Эплайсиз! Энди биз ҳар қандай вазифани ҳам эплаймиз. Бахтиёр одам эпловмайдиган иш бўлмайди. Сиз бахтиёрми?

Саволимга жавоб бераётгандек ерга қараб олди.

### 3. ТИРАСИНОВА чизган



— Севангиниз учун бахтиёрмисиз?  
Унинг икромни яна бир бор эшитишни истардим.

— Севанан,— деди у. Аммо дархол қўшимча қилди:— Лекин аёл киши бу тўғрида гапирмаслиги керак. Узи билан тенгдош кишини севмаслиги керак. Ахир Шарқда таомил шундай-ку.  
— Сиз бундан ўқинасизми?— деб сўрадим мен.

— Сира ҳам,— деди у писанда билан.— Агар билмоқчи бўлсангиз, аксинча, мен бундан хурсандман. Ҳозир икковимиз ҳам йиғирма уч ёшдамиз. Қандай гаройиб. Нима дедингиз, Жавдат?

— Ҳа, албатта,— дедим мен.— Ҳаёт чиндан ҳам гаройиб. Унинг гаройиботларига ҳамма вақт ҳам тушуниб бўлавермайди!

...Олтинчи кун деганда поезд пойтахтга кириб борди. Москвада киши: кўчаларни ҳам, томларни ҳам, кўприкларни ҳам қор босган...

Биз Қозон вокзалдан майдонга чиқдик. Енгил машиналар гизалидан ўтар, трамвайлар гулдирар, ҳамма ёқда тумонат одам... Бу ғала-ғовурдан Ирода гарангисиб қолди.

— Юринг метрополитенга,— дедим мен тантанавор оҳангда.— Қани, кўрайлик-чи!  
— Метрополитенга дейсизми?— деди Ирода таажжубланган қиёфада.

Бундан газеталарда ўқиган ерости саройлари ҳақидаги хабарларимга ўзим ҳам ишонгим келмай қолди.

— Метрополитен ишга тушганми?  
— Ҳа,— деб жавоб бердим, ўзим ҳам ишонқирамай.

Биз зинапоядан пастга тушиб, вестибюлдан перронга етиб бордик. Метро! Мўъжизаларнинг мўъжизаси. Махлиё бўлганча жим-жимдор деворлару стулларни, кўз кўрмаган чироқларни, нақшидор шифтларни ҳайрат билан томоша қилдик. Шу тариха гиз-гиз ўтаётган поездларни кузатганча қанча турдик экан, билмайман. Кейин юқори қаватга чиқиб одамлар мўр-малаҳдек гивирлаётган перронни кузатдик. Ниҳоят хориб-чарчаб поездга тушидик-да, манзилга жўнадик.

Кўприкнинг орасидаги тор кўчада қизил гиштин иморат: бу ер «Балчуғи меҳмонхонаси. (Бу жойлар қадимда ботқоқлик бўлгани учун татарлар «Балчиқ» деб аташган экан.) Меҳмонхона вестибюлидаги столда каттақон самовар жағиллаб қайнаб турарди. Бу ерда чой текин экан.  
Биз алоҳида-алоҳида жойлашдик. Кечқурун Иродага телефон қилдим.

— Жуда ажойиб бўлди, ажойиб иш бўлди,— деб гапира кетди у.— таниш одамим билан бир хонага тушиб қолибман.

— Нима-нима?— деб юбордим мен.— Қанақа таниш одамингиз билан?  
Саволимга жавобан қиқир-қиқир кулги эшитилди.

— Бизнинг институтда ўқийдиган қиз. Нина... Қадрдон дугонам.

Ирода мен билан гапни тўхтатиб, ким билан-дир, чамаси ўша Нина дегани билан гўнғир-гўнғир гаплаша бошлади. Кейин мендан сўради:

— Нима қиласиз, Жавдат?  
— Сиз билан гаплашяпман,— дедим.

У яна кулиб юборди:  
— Мен жиддий сўраяпман.  
— Мен ҳам жиддий жавоб берайпман. Хўш, бирор иш бормиди? Буйругингизга таякман!

— Бу нима деганингиз?— деди у ранжиганнамо.— Чирқикдаминики, буйруқ билан иш қиламиз! Бу ернинг йўриги бошқа.

— Бунинг ҳеч иложи йўқ,— деб эътироз билдирдим.

— Нега энди?  
— Бошлиқ билан унинг қўли остидаги одам бор жойда буйруқсиз иш битмайди. Мансуров менга албатта иш топиб турди: «Вокзал навбатчисига телефон қил!»; «Телефонни тўғри!»; «Циркка билет олиб кел!»... Шунга ўхшаган ҳар бало ишларни буюраверарди. Лекин у келмади. Унинг ўрнига сиз келдингиз. Фарқи нима? Амрингизга мунтаазирман!

— Шунанга денгиз?— Ироданинг жаҳли чиқди.— Фарқи йўқ, денг ҳали!

Трубка тутулаб, гапимиз узилиб қолди.

Беш минут ўтди. Мен яна Ироданинг номерини тердим. Телефонини ҳеч ким олмади. Бир соатдан кейин яна ҳеч ким олмади. Нима қилиш керак? Энди меҳмонхона администратори телефон қилган тақдирда ҳам трубкани олмади.

Мен югуриб йўлакка чиқдим. Поёндоздан гизиллаганча йўлак бошига қараб кетдим. Кейин орқама қайтдим. Қарасам, эшигиде турибман. Бейхитёр қўлим қабзага чўзилди. Мен юрак беталай, эшикни оҳиста таққиллатдим. Тик этган жавоб бўлмади. Эшикни қия очдим. Ирода дераза томонга қараб ётарди. Шарпасизгина кириб бордим. Кирганими Ирода эшитмаслиги

мумкин эмас эди, лекин пинагини бузмади, қайрилиб қарамди. Мен сўрадим:

— Ҳафа бўлдингизми, Ирода?  
Бир минутча ўтган жавобини эшитдим:

— Қўйинг бу гапни...  
Биз ресторанга тушидик. Гапимиз қовушмасди.

Ирода қандайдир таомни қидириб, менюни узоқ кўздан кечирди. Ниҳоят қовурилган балиқ буюрди. Мен харчо буюрдим. Қуюқ овқат деб ўйлабман.

— Озгина «Ай-Данила» ичамизми?— дедим мен.

— Йўқ,— деди Ирода шартта.— Аммо ўзингиз ичангиз ичаверинг.

Столда худди ёлғиз ўзи ўтиргандек унинг боқишлари паришон эди. Негадир инсон табиатидаги ғалати кайфиятлар ҳақида сафсата сотгим келиб қолди.

— Сиз дудмалани ёқтирмайсиз,— деб гап бошладим,— сизга ҳар бир нарсанинг пухтаси маъқул. Шундай эмасми?  
— Эҳтимол.

— Шундай бўлса, ё кўлинг, ё...  
— ...ё йилган,— дея менинг фикримни яқунлади у.— Иккинчиси осорнок, негаки, кайфиятим шунга мойил бўлиб турибди.

— Асло!— деб туриб олдим.— Йиғига тоқатим йўқ.

— Унда бунга сабаб туғдирманг.  
Эрталаб унга телефон қилдим.

Трубкadan унинг хушхачқак овози эшитилди:  
— Бизнинг хонага келинг. Ун минутдан кейин.

Нега ҳозир эмас? Нега шу оннинг ўзидеяк эмас? Мен уни қўришга муштоқ эдим, башарти ки оғохлангирётган экан, куттишга мажбурман. Сабрим чидаганча кутдим. Кечагидек йўлакка отилдим. Унинг эшиги очик эди.

— Кириги!— деб тақлиф қилди у. Қўриши билан тегажаклик қилиб сўради:— Ҳа, дарров ўн минут бўлдим?

Нима деяётганини аввалига пайқадиман. Кейин эсладим.

— Билмадим. Сотгим йўқ. Базан вақтдан адашаман.

— Ундай қилманг, Жавдат,— деди у оҳиста,— ундай қилманг, яхши йигит... Ҳеч нарсани адаштирманг.

У ўзини ёстиқча ташлаб хўнграб юборди...  
Мен ҳанг-манг бўлганча унинг бошида турардим, нималардир дердим. Таскин бериб, овутомқчи бўлардим. У қулоқ солмас, пиқ-пиқ йиллар эди. Кейин индамай қолди. Мен у йигини сабабини йилшим керак эди. Ниҳоят у бошини ёстиқдан кўтармай, энтика-энтика гапира бошлади:

— Газалкентга борганларимиз эсингиздами? Тикка қоя-чи? Бўталоқнинг бўйинидаги кўнғироғи ҳамми?. Шуларни эсларсиз-а? Ҳамма нарса эсингиздами, Жавдат?— Унинг овози менга йироқ-йироқлардан етиб келаётгандек эди.— Уша кунни мен уйга алламахалда қайтиб келдим... Шундан кейин мезаворда айлиниб юрдик. Мен сизга зимдан қараб-қараб кўярдим. Сиз буни сезсангиз ҳам, индамасдингиз. Мен сиздан Тасалли деган булоқ бўйига борадиган қизни сўрадим. Бир-бирларингизни яхши куракансизлар. Икковларингиз ҳам ўн уч ёшда экансизлар. Хайрияти, ёш экансизлар...

— Шўрлик сув ташийдиган кўзачисини аранг кўтарарди,— дедим мен,— кичкина бир қизалоқ эди...

— Эльпиде-чи?  
— Яна Эльпиде!— деб гижиндим мен.— У Батуида қолган-ку.

— Албатта,— деб захарханда қилди Ирода.— Биттаси Батуида, биттаси Бодомлида. Ғалатисиз-да, Жавдат.

Ироданинг шубҳа-гумонлари ғашимни келтира бошлади. Алам билан шундай дедим.

— Тасаллидаги қиз аллақачонлар ўлиб кетган.

Гапимнинг оҳангидами ё кайфиятимни сезибми, ҳар қалай, Ирода ўзига келди. У ўрнидан сапчиб туриб, кўзларини артди...

Кейин Москвага айлана бошладик. Неглинная кўчасидаги универмага бўлди, Петровский пассажири кирдик, дуч келган магазини қолдирмадик. Ироданинг унча-мунча пули бор эди. У ўзига шяля харид қилди. Онасига тўр рўмол олди.

Биз Қизил майдонга яқинлашганда вақт тушдан оғиб қолган, шивалаб қор ёғар эди.

— Ирода,— дедим,— биз энг муқаддас даргоҳни эзират қилишимиз керак.

— Юринг!  
Навбат билан мазволейга етганимизда эшикнинг икки томонида шлемли икки қизил аскар қомаат ростлаб турарди. Улар сўзлашчилари мумкин эмас. Соқчиликлари олтиш минут давом этади. Сўнгра буларнинг ўрнини бошқалар эгалаб, улар ҳам олтиш минут чурқ эт-

май қомаат ростлаб турадилар. Орқада арчалар сассиз тебранди. Кўйига қараб тушамиз. Юзларимизга илқ ҳаво урилади. Мармар зинапоялар бизни пастга олиб тушмоқда... Уннга бурилмасиз. Яна зинапоялар. Аста-секин қадам қўймасиз...

Мана у, азиз Ильич... Эски дунёга қарши бош кўтарган курашни. Ҳақларни қўлиқдан овоз этган халоскор. Жаҳонда биринчи ишчилар ва деҳқонлар давлатини барпо этган дохий... У ётибди. Олдий ва улуг инсон.

Унинг ҳақида нималар ўқиган бўлсам ҳаммасини эсламан. Номин ҳар биримизга яқин бўлган инсон. Ильич вафот қилган кунларда Алексей Максимович айтган сўзларни эсламан: «Шундай одамлар борки, уларнинг моҳиятини инсон тили ифодалаб бериши маҳол. Афсуски, Россия тарихи бундайларга қашоқ. Гарбий Европада бундайлар бор. Масалан, Христофор Колумб.

Россия учун Буюк Пётр шундай эди... ёки шундайроқ эди. Владимир Ильич ана шундай сиймолардан, аммо Россия учунгина эмас, бутун дунё учун, бутун планета учун».

Союзлар унинг Колонналар залини эсламан. Владимир Ильичнинг тобути устиде пальмалар. Ёш Бүдённий ва бошқа саркардалар фаҳрий қоровулликда туришибди. Марҳумнинг боши узра Надежда Константиновна. Азиз дўсти билан видолашмоқда.

Шундан сўнг кўз ўнгимда Бодомли қишлоғи ғалдаланади. Урмон ва қоялар орасидаги қишлоқ. Ушанда бу қишлоқда етти кечаю кундуз тинмай қор ёққан эди. Кооперативдан қайтиб келган отам катнинг бир чеккасига шилқ этиб ўтириб қолди. Олтишлардан ошган, тунд қиёфа, жасур табиат отам ўчоқдаги ўтга узоқ тикилиб қолди. У анчагача шу тарзда ўйга толди. Кейин қарасам, кифтлари учиб-учиб, юзлардан дур-дур ёш оқляпти. Уми бўйи қўлида болта билан чакалак ўрмонларни кезган, дара ва шалолаларда кўп марта ажал билан тўқнаш келган шу дуюрак одам ўлкасини тутулмай йилғарди.

— Нима гап, отаси?— деб сўради онам хавотир билан.— Нега куруқдан-куруқ келдингиз?  
— Ёпиқ... Ҳаммаёқ ёпиқ,— дея жавоб берди отам ёшларини арта туриб.— Ленин вафот қилди.

Кимдир қўлимни туртиб қўйди:  
— Юринг!

Биз мармар зинапоялардан юқорига чиқа бошладик. Ташқарида ҳамон қор савалларди. Чор атоф ёр-ёғур, тантанавор. Мармар зинапоялар узра ажиб ҳисларни кечирган, идрок этган одамлар оҳиста бораг эдилар.

Меҳмонхонада бизни Нина кутаётган экан. Театрга билет олиб келибди. Иккита билет.

— Ирода билан бирга боринглар,— деди у.— Йўқ,— деб эътироз билдирдим мен.— Мен Москваини унча-мунча кўрганман. Ундан кўра икковларингиз бора қолинглар.

Яширмайман, мен жуда ҳаяжонланмоқда эдим. Бу кун одатдан ташқари ажойиб бир кун эди. Бугун кўрган ва идрок этган нарсаларимдан ажралгим келмасди. Театрга борсам бу ардоқли ўй-хаёлларимни пароканда қилмасмикан?

Йўқ, ундай бўлмади. Биз Пучнини тингларканмиз, ҳамон ўша туйғу-ҳисларимиз оғушида эдик.

Меҳмонхонага кеч қайтдик. Ирода тунни қандай ўтказганини билмайман, аммо мен тонг отуғнча мижа қоқмадим. Уй сурдим, ўй...

Эрталаб Новороссийска жўнаб кетдик. У ерда кранлар, дарҳақикат, қор остида ётарди. Дарҳол жўнатиш ҳаракатига тушидик.

\* \* \*

Эшик тақиллади. Бу Ирода. Калитни ола кетмаган экан.

— Ҳалигача ўқийётганга ўхшайсиз-а?— деди у кириши билан.

— Йўқ... Ҳаёл суриб кетдим.— Плашчини ечириб, йешалкага илдим.— Ушанда сен билан Москвада эшитган операмиз «Чю-Чю-Сан» экан. Эсимдан чиқаёшибди.

— Менинг ҳамон эсимда,— деб жавоб берди у.— Миланда қайгули хабар эшитдим. Хисака Олма ёнганда ҳалок бўлибди.

— Хисака Олма? Ким у?  
— Ун тўрт яшар япон қизинг саргузаштини гапириб берган хотин, дипломатнинг хотини. Қулхонадан санъаткор унга тақдим қилган тилла соатинигина топиб олишибди.

Кайгули бир воқеа. Лекин менинг бу тўғрида ўйлагим келмади. Шунинг учун ундан сўрадим:  
— Леқиз қандай ўтди?  
Ирода жилмайди. У менинг диллимдагини пайқади.

Крим-татар тилидан В. РУЗИМАТОВ таржимаси

## Ғазал ёзилади, ёпилади нон

Кору бори билан банд аҳли жаҳон,  
Ҳамон айланади бу чархи даврон;  
Офтобини суяр лоҷувард осмон,  
Ғазал ёзилади, ёпилади нон.

Қайдадир кимнингдир ризқи яримта,  
Қайдадир сотилар севги ва имон.  
Замин, ёрпақанг гўшаларингда  
Ғазал ёзилади, ёпилади нон.

Сонгми даҳшатлари қолдирмас лоқайд,  
Хиросима доғи битмайди ҳамон.  
Дунё ҳансирайди жангда, айни пайт  
Ғазал ёзилади, ёпилади нон.

Дунё жанггоҳида йўқдир бетараф,  
Ҳаёт-намат жанги борар беомон.  
Шаҳид қаҳрамонлар шаънига шараф —  
Ғазал ёзилади, ёпилади нон.

Чучмалликдан холи ғазалининг сатри,  
У — умид, парча нон ва парча осмон.  
Кимнингдир энг ёниқ армони, дарди —  
Ғазал ёзилади, ёпилади нон.

Гурунларда деҳқон ва шоир халқим,  
Уртада ноз-неъмат тўла дастурхон.  
Серташвиш дунёнинг иқболи ҳақиқи  
Ғазал ёзилади, ёпилади нон.



## Шеърят

Шеър шундайин бир сеҳри олий,  
Олам кашфи, ишқ кашфи унда.  
У шоирнинг олтин хаёли  
Ва умиддир эртанги кундан.

Уфқ гўё оддий бир чизик,  
Нингоҳларини милаб ёнади.  
Шу чизикнинг ортдан, қизиқ,  
Орзу юрти шаклланади.

«Фаришталар қаноти теккан»,  
Бокирадир чўққилар қорн.  
Водийларга шошиб, энтиккан  
Шеъриндир ул юртим баҳорн.

Шеърят — гул майинлигида,  
Майинликининг қудратида ҳам.  
Осмонларин майин илкида  
Даст кўтармиш сабзан кўклам.

У — интизор кўзлар тубида  
Соғинч бўлиб ёнгучи оташ.  
Шеърятдир ишқ мактубида.  
Маҳбубларнинг дардига тутам.

Алишернинг сирли қалами  
Оқ қоғозга муҳр этган ҳикмат.  
Асрларнинг бахти, олами,  
Истиқболга узатилган хат.

У — Мусанинг сўнг васияти,  
Ҳамаи айтан энг латиф калом  
Ва Расулнинг самимияти;  
Нафосатдир, шеърдир унга ном.

Севинч унга дўстдир бебаҳо,  
Дард ҳам унга бир зарурят.  
Дардли байтлар тугувчи гоҳо  
Шеърятдир, ҳамдард шеърят.

Кўшиқлари тугамас ҳеч ҳам,  
Маҳдидадир эрк ва ҳуррият.  
Шоир билан жангда айни дам —  
Яраланган жасур шеърят.

Шеър нимадир, шеър сеҳри нима,  
Шеър — офтобнинг кокилларими!  
Е у сеғм баҳрида кема —  
Кўшгучи дил соҳилларини!

Шеърятга нимадир мезон  
Ва нимага мезон шеърят!  
У — булутсиз мусаффо осмон,  
У — ҳасадсиз энг ёруғ ният.

Шу юлдузлар, шу Сомон йўли,  
Кўк тоқини сирга ўрайди.  
Гушакларда сеғми булбули  
Суяк гулли шеърга ўрайди.

Шеърят — сен, у — менинг ўзим,  
Бахт пойига ёзилган гилам.  
Умрига кирар беиз,  
Поёни йўқ тасаввур билан.

Тасаввурнинг поёни қайда —  
Изланади шуур ва ният.  
Жўн тасаввур тўхтаган жойда  
Бошланармиш сирли шеърят.

Мусича куклаб март эртасида  
Борлиқни уйқудан уйғотди хушҳол.  
Шу мунис қушчанинг оддий сасида  
Зухур этмоқдадир кўклам ва иқбол.

Қирқ бешинчи йилнинг нақ наврўзида  
Зафарни башорат қилган оналар —  
Мунислигини ва улар кўзида  
Ёнган меҳр ўтини у ёдга солар.

Гоҳида битта сўз шеърга ранг берар,  
Шу биргина сўзсиз шеър маъноси ҳеч.  
Баъзан оддий чечак боғда гуркирар,  
Шу чечаксиз чаман гул-раъноси ҳеч.

Инсон хаёл сураб: эзгүлик — тилак,  
Орзуманд юракка буюклик — армон.  
Қасри, юлдузлари, уммони билан  
Дунё беҳад буюк, заррадир инсон.

Ажаб туш кўрибман, ҳа, туш кўрибман:  
Беғамлик боғида шодлик ёр эмиш...  
Тушда лоқайдлиқни мен хуш кўрибман,  
Дил ташвишдан фориг, бахтиёр эмиш.

Аждаҳо домида офтобни кўриб,  
Мен лоқайд эмишман, парвойи палак.  
Кўз ўнгимда мендан юзин ўғириб,  
Ой ёрилиб кетмиш — пшиган ҳандалак.

Осмон пештоқида ойсиз юлдузлар  
Етим бола каби мўлтирар эмиш.

Янги кўйлак кийган синглим мисоли  
Кўклам кўйлагинда суюнар олам.  
Қушлар қанотида келтирар толе,  
Барчага етуглик: сенга, менга ҳам.

Вақт тўлпори елар, елар беармон,  
Ўткинчи ўларнинг қирқиб пайкин.  
Бизлармиз, дўстгинам, мутриб даврон,  
Қўллардан қўймовчи ҳаёт найини.

Кимгадир боғлиқимиз, кимгадир интиқ,  
Кимдандир оқибат кутиб яшаймиз.  
Бугунинг ҳуснига бизлар сингиндик,  
Ёруғ эртага кўз тутиб яшаймиз.

Бугунимиз билан эртаимиз аро  
Ришталар мавжудин, илганмас кўзгз.  
Худди шундай: узоқ кўкда ўзаро  
Юлдуздан йўл кетмиш юлдузга.

Ошиқ ёр васлига етишгани он  
Шу ёғдудир дилда ишқ бўлиб ёнган.  
Орада офтоб бор: замину осмон  
Нурнинг заррин иллари-ла уланган.

## Мусича

Олам кезамизу толмай, баъзида  
Бир қадам босишга журъат етмайди.  
Уша бир қадамсиз, билсанг аслида,  
Ҳаётнинг карвони олга кетмайди.

Мени маъзур тутинг, о саркардалар, —  
Билгучисиз жанг ва зафар сирини;  
Баъзан оддий солдат, бешухрат, камтар,  
Ҳал этади катта жанг тақдирини...

Орзу-армондан тортиб одамнинг  
Тирикликнинг порлоқ юлдузигача  
Тўқис-туғаллиги учун оламнинг  
Етшмайди баъзан... битта мусича.

\* \* \*

Инсон хаёл сураб: бахтини тилаб,  
Ўйга чулғанади минг, миллион қарра.  
Хаёли, армони, ниёни билан  
У буюк дунёдир, дунё — бир зарра.

\* \* \*

Ташвишдан асар йўқ, ўтринча кўзлар —  
Енимда жодугар ўлтирар эмиш.

Оғзимни пойлармиш машъум жодугар,  
Унинг қаҳ-қаҳидан лол-қолиб, лоқайд,  
Берилгандай бўлиб макру жодуга  
Шеърга излармишман ҳисси, дардсиз байт.

Дўстларим, гафлатдан асранг, кўзғотинг —  
Элитганда мени ойсиз кечкурун;  
Беғам тўшларимдан туртиб уйғотинг,  
Тилим лоқайд бир сўз демасдан бурун.

\* \* \*

Ёруғ тонг тугилар лаҳза ўтмайин,  
Кечмиш бўлиб қолур шу ажиб он ҳам.  
Умрдан лаҳзалар кечгани сайин,  
Биз каби кексаёр кекса жаҳон ҳам.

Кечмиш давронлардан ўчмас хотирот  
Бугун отаётган оппоқ тонгимиз.  
Олам ўзи кўҳна, кўп эски равоат,  
Уни янгиловчи бизлар янгимиз.

## Нурли ришталар

Сен ва мен... қалбларни сеғми ўртади...  
Қисматимга кирдинг фаришта бўлиб.  
Мунардас муҳаббат кики ўртада  
Туйғуларни қўшди бир ришта бўлиб...

Сирли ришталарни офтоб тўқиган;  
Тугун ҳам бўлмасин, узилмасин асти.  
Шу кўзга кўринмас иллар йўқ экан,  
Дунё — пароканда, дунё бўлмасди.

Умидларга пайваст ҳаёт яшарар,  
Нафис ришталардан қисматлар бунёд.  
Дунё меҳваридан ўтар ришталар,  
Бирини узилса ҳам зил кетар дунё.

## Мангу

ОЛОВ  
ёнади

Замин истиқболига  
Олтин офтоб шошади  
Зулфининг тол-толига  
Гул атри илашади.  
Коннот кўркли жуда:  
Янги тонг уйғонади.  
Нақ заминнинг кўксид,  
Мангу олов ёнади.

Ўчоқда ўт ловуллар,  
Қутлуг рўзгор яшнайди  
Азим шаҳар, овуллар  
Фароғатга ташнадир;  
Кўзгү олдида қизлар  
Висолга таранади.  
Оташ сеғидан сўзлаб  
Мангу олов ёнади.

Илҳом лаҳзаси шоир  
Олам билан юзма-юз  
Бағридан излайди сир  
Беором кеча-кундуз.  
Сўз байтлар ҳалқасида  
Ғазалга боғланади.  
Жасоратга қасида —  
Мангу олов ёнади.

Шаҳид солдат онаси  
Ўғлини кутади ҳамон.  
Ҳис қилиб Ер нафасин  
Ухлайди ул қаҳрамон.  
Она фарзанд доғида  
Бир умр ўртанади.  
Тирикликнинг боғида  
Мангу олов ёнади.

Тириклик учун одам  
Кўндан келтирган олов  
Уш бахтига дамо-дам  
Таҳдид солар беёв.  
Уша олов ногаҳон  
Ёнғинга айланади.  
Ёнмасин, дея жаҳон  
Мангу олов ёнади.

# НУРОТА ЯЙЛОВЛАРИДА

— Алло!.. Директор борми? Йўқ! Қаёққа кетган? Қанақа машина? Тавба! Мен директорни сўрасам, сиз машинадан гапирасиз. Ҳа, машина кезак одам идорага келиб гапирди-да... Алло! Директорни топиб айтинг, райкомга учрашин. Меҳмон келган.

Нурота район партия комитетининг секретари Маҳкам Бозоров трубкани жойига қўяркан, кулди:

— Дунёда зап қизиқ одамлар бор-да. Идора қоровули анчадан бери машина деб юрган эди, шу пайтда тикилини қилаётганини қаранг.— Секретарь хашак тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотларни кўздан кечириб чиққач, менга синчков тикилди.— Лекин, гапнинг рости, мақтовга лойиқ ишларимиз камроқ. Шу йилги қишловда қанча қўйимиз қирилиб кетди. Айбни совуққа тўнкадик. Хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ.

Бундай гапни республикаимизнинг бошқа чорвачилик районларида ҳам эшитиш мумкин. Кўпларнинг айтишича, ҳар йили етарли ем-хашак жамғариладию, бироқ қутилмаганда қиш қаттиқ келиб озуқа етмай қолади. Зарур бўлгач, иккинчи барибар чиқми билан хашак сотиб олинади. Афсуски, сўнгги дақиқадаги бундай уринишларнинг нафи кам. Қиш қишлигини қилади...

Эшик очилиб, барваста одам кириб келди. Танишдик. Бу киши Ленин номидаги совхознинг бош зоотехниги Абдулла Самиев экан. У яйловларни айлантириб келишга бажонидил рози бўлди.

«Газик» бир зумда бизни район марказидан

олиб ўтди. Ҳаял ўтмай чапга — чўпоннинг хаёлидек сўнгсиз яйловларга бурилдик. Аслида, бу ерлар яйловдан ҳам кўра чўлга ўхшайди. Нурота тоғ тизмалари билан ўралган водий асосан даштдан иборат. Йил ўн икки ой янтоқ, шувоқ, каррак босиб ўтади. Бир қараган одамга кўз кўриб қувнайдиган ҳеч вақо йўқдек туюлади. Аслида-чи! Мана шу янтоқ босган яйловларда тарихи узоқ ўтмишга бориб туташадиган, олам эътиборига сазовор бўлган қоракўл қўйлари боқилади. Қадимий ёзма ёдгорликларда Нурота қоракўли ҳақида талай маълумотлар бор. Тўққизинчи асрда Урта Осиёга келган араб олими Ибн Хавкал бу воҳадаги одамларнинг чорвачилик, айниқса қоракўлчилик билан жуда қадимдан шугулланиши, табиий безакка эга бўлган сержидо терилар олтин барибар қадрланиши ҳақида ёзган. XIII асрда эса венециялик сайёх Марко Поло Туркистон ва Хоразмда қоракўл териларини кўриб гоят ҳайратланган. Нурота чорвачилигининг кўп асрли тарихга эгалигини исботловчи яна бир далил — қориз усулида сўғоришидир. Бу ҳақда дастлабки маълумотларни Искандар Зулқарнайн қўшини сафида Урта Осиёга келган тарихчилар берадилар. Қориз усули шундан иборатки, биринчи қудуқ сув чиққунча — тахминан ўттиз-қирқ метр чуқурликда, иккинчи қудуқ эса ундан саёзроқ қовлаликда, лаҳм орқали бир-бири билан туташтирилади. Шу тариқа то сув ер юзасига чиққунча ўнлаб қудуқлар қовлаёлади. Ҳар бир қудуқнинг оралиғи тахминан ўн метр бўлган. Бу усул ҳозирги насос билан сув чиқаришга ўхшайди. Қарши даштини ўзлаштириш учун қурилаётган насос станциялари

ҳам сувни пояма-поя бамисоли занжир усулида юқорига кўтариб беради. Демак, бундай усулда сўғориш қадимий Нуротада ривожланган. Уша қоризлар ҳали ҳам сақланиб қолган. Уларнинг айримларидан чўллари ўзлаштиришда ҳамон фойдаланилади.

— Қоризга ҳайрон қолади киши,— дейди Абдулла Самиев.— Неча-неча замонлардан бери кўмилиб кетмаган. Биз ҳам ҳатто тузатмай фойдаланяпмиз.

— Анави болалар нима чопишяпти!

— Каррак,— деди Абдулла ака гулга кирган сарғиш тиканакларга ишора қилиб.— Ҳозир айни хашак ғамлаб оладиган пайт. Шунинг учун мактаб ўқувчилари ҳам сафарбар этилган.

— Каррак ўроқ машина билан ўрилса бўлмай-дими?

— Машина карракка қўшиб янтоқ, шувоқни ҳам ўриб кетади. Ҳозир фақат каррак етилган. Янтоқ уруғлаган пайтда ўрилса тўйимли озуқа бўлади.

Бу хусусда яйловлар унумдорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институтининг Нурота район тажриба станциясида саккиз йил илмий иш олиб борган, сўнгги тўрт йилдан буён Самарқанд педагогика институтинда доцент бўлиб ишлаётган биология фанлари кандидати Қудрат Ҳайдаров бошқача фикрда.

— Худди пахтачиликдагидек, чорвачиликда ҳам техникдан кенг фойдаланиш керак,— дейди у.— Нурота яйловларидаги ўсимликлар бири-бирига аралаш-қуралаш ҳолда эмас, алоҳида-алоҳида ўсади. Улар айрим жойлардагина бир-би-

Яйловда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



рига сал аралашиб кетган. Шундай экан, каррак гулга кирган пайта машина билан керагича хашак ўриб олиш мумкин. Август ойига бориб худдаи шу йил билан техника воситасида янтоқ, шувоқ ўрилиб, ем-хашак тайёрлаш лозим. Бунга ортиқча куч, вақт сарфланмайдими. Техникадан ўз ўрнида, унумли фойдаланишга, жумладан, мактаб болаларини ҳам ёз бўйи яйдок даштада қийнаб юришга ҳолат қолмайди. Бу масаланинг ҳар томони, иккинчидан, қиш қандай келишидан қатъи назар, озука таъминлиги тугайди, ўтган қишдагидай, қўйлар нобуд бўлмайди.

... Биз тобора чўл ичкарисига кириб бормоқдамиз. Уқтин-ўқтин қўйлар сурувиغا дуч келамиз. Чўпонлар билан сўхбат қилиб йўлда давом этамиз. Поёвсиз чўлни турли жойдан турли томонга саноксиз йўлар кесиб ўтган. Бу йўллар ўтарларини марказ билан боғловчи «қон томирларидир». Лекин йўлларнинг шу қадар кўп бўлиши бир жиҳатдан ёмон. Сабоби—бир ўтар билан иккинчи ўтарни бириштирувчи йўлнинг узунлиги ўн-ўн беш километр келади. Лекин бундай йўллар ягона эмас, истган ўтарга чўлнинг истган томонидан кириб келишигиз мумкин. Йўллар сон-саноксиз. Ҳар бир йўлнинг узунлиги ўн километр, эми беш метр бўлса чўлнинг қанча қисми йўлга чиқиб кетади? Қўйларнинг қанча насбиса—булиқ ўтлар пайхон қилинади! Эҳтимом, шу йўлларнинг атиги яримда ўт кўкарганда ҳам қўйларнинг сонини маълум даражада қўпайтириш имкони тугилар.

Нурота районига 616 минг гектар яёлов бор. Райондаги етти совхозда жами 292 минг қўй боқилади. Ваҳоланки, ўтган йили қўйлар 430 минг эди. Бир йил ичда қўйлар туёғининг кескин камайиб кетишига фақат қиш айбдоримизми?

— Ҳаво қуроқ келди. Кузанда яёловлардаги ўтлар қовжириб, қўйлар қишга ориқлаб кирди,— дейди район кишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Чўбто Содиқов.— Устига устак, қиш совуқ келди. Бўрон қўз очирмади. Иссиқ қўрада қамалиб ётган қўйлар совуқча чиқиси билан ўп-наси шамоллаб ўлаверди. Бултур қўп зарар кўрганнингизнинг сабаблари шулар.

Сабаб қўп. Ҳар бир ишининг содир бўлишига бирор сабаб, баҳона бор албатта. Бироқ ҳақ боғлигининг бу қадар маъсулиятсизлик билан нобуд этилишига чек қўйиш керак. Ахир, бултурнинг қишининг ўзида биргина шу совхоздаги қўйларнинг учдан бир қисми ўлган. Бундай совхозлардан район бўйича еттига. «Қизилча» совхозидagi зарар бундан ҳам зиёд деишадими. Ана шу нарса ем-хашак тайёрлаш ҳақидаги маълумотларини яна бир қарра текшириб чиқишни тақозо этмасмикин? Хашак тайёрлашни мактаб ўқувчилари зиммасига юклаш билан бу муаммо ҳал этилма-са керак. Аслида район чорвачилигининг мактоба лойиқ томонлари қўп. Хўжаликлар йўлига давлатга 165 минг донадан зиёд қора, сур, қиз тери беради. Ҳар бир дона тери ўрта ҳисобда 18 сўмдан баҳоланади. Район хўжаликларининг қорақўл теридан оладиган даромади 3 миллион сўмдан зиёд. Район чорвадорлари халқаро миқёсда «қора бриллиант» деб ном олган қорақўл этказиб берадилар. Давлатга топширилатган териларнинг 82—83 проценти биринчи навга қабул қилинмоқда. Нуротадаги давлат наслчилик заводи қорақўлнинг сифатини яхшилаш устида тинимсиз ишланмоқда. Завод ихтиёрида 55 минг қўй бор. Район бўйича ҳар йили 4 минг 200 тонна гўшт топширилади. Қўйлардан минг тоннадан зиёд жун олинади. Бу жун гилам тўқиш учун ишлатиладиган асосий хом ашёдир.

...Машинамиз Меҳнат Қизил Байроқ орденли чўпон Чўли Хўжакулов ўтари олдига тўхтади. Дашт шамолда қорайиб чинққан, ўрта бўйли йигит бизни ух хўжаликка мўлжаллаб солинган уйга бошлади. Уй ичи шиманимиз. Салқин бўлсин, деб томи баянд кўтариб қўрилган. Совхоз марказидаги замонавий уйлардан қолишадиган жойи йўқ. Чўли Хўжакулов совхознинг донгдор чўпонларидан. Утарнда 728 бош қўй бор. Бултур ҳар юз бош совлоқдан 128 тадан қўз олади. Уз касбининг устаси. Самарқанддаги зооветеринария техникумининг сиртдан тугатган. Чорвачилик хусусида ўз фикр-мулоҳазаларига эга. Биз у билан СЖК хусусида кўп гапладдик.

— СЖК мейвирдан ортиқ қўлланса қўйларнинг наслига, физиологиясига салбий таъсир кўрсатиш ростми?

— Билмадим. Аммо мен бир қўйни уч йилдан бери кузатаман. Уч йил аввал учта, бултур тўртта, бу йил эса бешта қўзи тугди. Ҳар йили СЖКнинг дозасини ошириб эмлаётганим. Қўзлар ҳам тузуқ, унча кичик эмас. Шунинг учун ҳам СЖКдан фойдаланиш тарафдориман.

СЖКни кенг қўллаш тарафдорлари ачагинга. Айрим чўпонлар ҳазил тарихида: «Баъзи қўзларнинг териси кафтайгина бўлади. Табиий тугилган қўзининг терисидан икки-уч ҳисса кичик.

Лекин бизга сонни керак» дейишади. Илм аҳлининг фикри ўзгача.

Қорақўл қўйлари уч табақага бўлинади. Биринчи-иккинчи табақа қўйларини СЖК билан эмлаш қатъий ман этилади. Уч-тўрт эшдан ўтган ёки тери ва жуссаси бузилган қўйларини СЖК билан эмлаш керак. Бундан мақсад—ана шундай қўйлардан эгиз қўзлар олиш. Лекин амалда бу кўрсатмага риоя қилинмайдими. Биринчи-иккинчи табақа ёш қўйлар ҳам ялли эмланаверади. Бу препарат билан эмланган қўйлар уч-тўрттадан қўзлайди. Кўпича ёш қўйлар тугулмай зўриқиб ўлади. Тугулган қўзлар эса ҳақдан ташқари кичкина, терисининг сифати ёмон бўлади. Йилдан-йилга кўпроқ қўзи олиш шорири остида қўйлар СЖК билан оширилган дозада (асли доза—900—1200 сичқон бириги) эмланиб қорақўл сифатига, терилар ҳажимга пўтур етказилимоқда.

Коммунистик партия ва ҳукуматимиз пахтачилик, саноат билан бир қаторда чорвачиликка ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Айниқса, қорақўлчиликни ривожлантириш учун қўллаб маблағ сарфланмоқда. Демак мутахассислардан илим энгилчиларини тўғри ва самарали қўллаш талаб этилади.

«Газик» энди чўл ичкарисидан совхоз маркази томон елмоқда. Зич ўсган ўрмонни эслатувчи саксовулзор ёқалаб, изень, терескин экилган майдонлар оралаб совхоз марказига етиб келди. Яёловлар ҳосилдорлигини ошириш учун амалий тадбирлар шу совхоз ерларидан бошланган. Ленин номидаги совхозда 8 минг гектар изень, 7 минг гектар ерда саксовулзор барпо этилган. Изень ва саксовул қорақўл қўйлари учун тўйимли ва энг зарур озука ҳисобланади. Шу сабабли райондаги барча хўжаликларда бундай экинлар қўллаб экилмоқда. Ленин, Эргаш Жуманбулбул номидаги ва «Бозгон» совхозларида уруғчилик станциялари ташкил этилган. Бу станциялар республика чорвачилик хўжаликларига йилга 15—20 тоннадан изень, терескин уруғлари етказиб беради. Фақат изеннинг ўзидан 70—80 минг сўм даромад олинмоқда. Лекин негарадди бу хўжаликларда шувоқни қўпайтириш чоралари кўрилмапти. Ваҳоланки, қорақўл қўйлари учун бошқа ўтлардан қўра шувоқ фойдаланиш керак.

Райондаги ҳар бир ўтарда 800 қўйга мўлжалланган иссиқ қўра бор. Қўйлар насос ердамида сўғорилади. Қишда қўйларга майдангадан хашак берилади. Маълумки, бундай хашак тўйимли бўлади. Бу усулда озиклантириш хашакнинг исрофи бўлишини кескин камайтиради. Бу усул даставвал Нуротада қўлланылган. Ҳозир республикамизнинг барча чорвачилик хўжаликларига қўйлар шу усулда озиклантирилади.

Республикамизнинг айрим хўжаликларига қўйларни чек—загон усулига боқиб жорий этилади. Бу усул яёловдан самарали фойдаланиш, қўйларни яхши семиртириш, яёловлар унумдорлигини ошириш имконини беради. Чек усулида яёловлар йил фаслларига мослаб бир неча чекларга бўлинади. Ҳар бир чек сими тўсиқлар билан ихота қилиниб, бу ерларга қувурлар орқали сув келтирилади. Қўйлар ажратилган чекларда маълум вақтгача боқилади. Бир яёловдаги ўт тугагач, иккинчи яёловга ўтказилади. Шу тариқа қўйлар навбатма-навбат янги яёловга ҳайдалаверади. Кейинги яёловларнинг ўти тугагунча, дастлабки яёлов яна асл ҳолига келади. Бу усул аввало яёловдан унумли ва тартибли фойдаланиш имконини берса, иккинчидан четдан хашак сотиб олишга қараганда тўрт-беш баробар арзонга тушади. Ҳозир Нурота районига 6 ырим минг гектар яёлов чек усулига мослаштирилган.

Яёловларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун сув керак. Нурота водийси эса ери ости сувларига жуда бой. Тахминий ҳисобларга қараганда сув запаси 40 миллион кубометрдан ортиқ. Бу миқдордаги сув 25—30 минг гектар ерни сўғоришга бемалол етади. Чорвадорлар шу ери ости сувларидан кенг фойдаланишмоқда. Маълум нуқталарда катта қувватга эга бўлган насослар ўрнатилган. Насослар ердамида олинётган ўнлаб кубометр сув шу кунгача ем-хашак тайёрлаш, боғлар барпо этишга етиб турибди. Бундан ташқари, Чордара сув омборидан келатган сув билан бир неча минг гектар ерни ўзлаштириб, беда, маккажўзтери экиш, бўрдоқчилик пунктлари ташкил этиш мумкин.

Сув қўпайиши, яёловларни ўзлаштириш тугайли фақат бўрдоқчиликни ривожлантириш, йирриқ шохли қорамолларни қўпайтириш мумкин. Аммо қорақўлчиликни ривожлантириб бўлмайди. Сабоби, қорақўл қўйлари қуруқ ва иссиқ иқлимга мослашган. Бу қўйлар ҳар кун тахминан 16—20 километр йўл босиши, қуроқ ўтлар—янтоқ, шувоқ, чалов, изень, саксовул билан озикланиши керак. Агар яёловларга сув келса, аввало ерининг таркиби ўзгаради, нами ошади. Бу ерларда ўсадиган ўтлар ҳам серсувланади. Нати-

жада қорақўлнинг сифати ўзгариб кетиши мумкин. Ахир, Нурота яёловларига бўрдоқчиликни ривожлантириш эмас, асосан қорақўлчиликни юсальтириш кўзда тутилган-ку. Шундай экан, яёловларни сўғоришни ҳам белгиланган нормада оширмалики керак.

Абдулла Самиев совхоз марказида мутлақ бошқа мавзуда гап очди.

— Меҳмон, сиздан бир ўтинчимиз бор эди—Хизмат?

— Агар малол келмаса қўшиқ ёзадиган шоирларга бизнинг икки оғиз илтимосимизни етказсангиз.—У бир нафас узилмаса боқиб турди. Сўларини эътибор билан тинглаётганимга ишон ҳосил қилган, гапига давом этди.—Эсимни танганимдан бери чўпонлар ҳақида бирорта тўзуруқ қўшиқ эшитганимни билмайман. «Сурув—сурув қўй бодим, йўлларингга қўп бодим», қ билдаги қўшиқларини эшитиб уялади, киши. Иккинчи бўлса, ўша қўшиқчиларга айтиб қўйсанги чўпонлар ҳақида яхши асарлар ёзибсан.

Абдулла ақанинг самийи илтимосини шоирларга етказишга сўз бериб, хайрлашди.

Марказда районнинг тўққизинчи беш йиллиги да амалга оширадиган тадбирлари билан танидим. Нуротада тўққизинчи беш йилликда изень терескин, саксовул экилган яёловларини икки ҳатса кўпайтириш планлаштирилган. Бу ишга катта маблағ сарфланмоқда. Лекин қўп йиллик меҳнат завоғига бунёд этилаётган саксовулзорларни нобуд қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Чўлга яқин баъзи кишлоқ аҳолиси саксовулларни симдирғил ўтин учун ташиб кетмоқда. Бу ҳол, биринчидан қўйларнинг энг зарур қишлоқ озуқасини қамайтирса, иккинчидан, чўл қўлларининг очилиб қолишига сабаб бўлади. Оқибатда кўчама қумла ҳосил бўлиб, ҳам экинзорларга, ҳам чорвачиликка жиддий зиён етказиши мумкин. Шувобқандим, боромча баёи ўтлар ҳам кузанда ўти учун чопиб кетилади. Бу яёловларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетишига олиб боради. Бунинг олдин олиш учун аввало ўтар-сурувлар кўчмабиз билан таъминланши лозим. Ҳар йил кузандан то баҳор оқларигача яёлов назоратчилари тайинлаш керак. Яёловларни пайхон қиладиган кишилар жавобгарликка тортилиши зарур.

Ер юзи аҳолисининг қорақўл терчларга бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1967 йили дунё бўйича 20 миллион дона қорақўл териси олинган. Эндиликда талаб ўсиб 40—50 миллионга етади. Лекин талаб аини вақтда сифатини яхшилашини ҳам қозоқ қиладими. Нурота чорвадорлари жаҳон бозорини қорақўл билан таъминлашга ўз улушларини кўришмоқдалар. Улар йил сайин қўйларнинг туёғини қўпайтириш билан бирга, аъло сифатли қорақўл терилари олмақдалар. Ҳозир амалга оширилаётган тадбирлар Нурота қорақўлчилигининг келажаги порлоқлигиндан далолат беради.

Сўнги йилларда партия ва ҳукуматимиз ҳар бир соҳада ўрнбосарлар тайёрлаб етиштиришга алоҳида эътибор қилмоқда. Малакали еш кадрлар авлодини воғга етказиш муҳим масала қилиб қўйилди. Ёшларни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш диққат марказимизда турган муҳим масалалардан биридир. Қишлоқ хўжалигида еш мутахассисларга эҳтиёб тобора ортмоқда. Чорвачиликда ҳам аҳвол шундай.

— Назаримда, чорвачиликнинг келажагига яна зўр эътибор бериш керак,— дейди Ленин номидаги совхознинг директори Облоқул Хўжакулов.— Ҳозирдан оқ чўпонлар етишмаслиги сезилиб қолди. Кўпчилик ёшлар армиядан бирор унвон орттириб келадими, ё қурилишда, ё механизаторликка киради. Бора-бора чорвачиликда кадрлар масаласи танг аҳволга тушиб қолмаса эди...

— Бунинг олдини олиш учун сизнингча, нима қилиш керак?

— Аввало чўпонларни рағбатлантиришни қўпайтириш лозим. Маълумки, чўпоннинг меҳнати оғир. У ёзининг жазирема иссиғида, қишининг аёзларига ҳам сурувини ҳайдаб, ҳар кун ўнлаб чаловнинг йўл босади. Топшириладиган гўшт, жун, олинмадиган қўзларнинг сони ва сифатига чўпон жавобгар. Шундай экан, рағбатлантириш билан бир қаторда, чўпонларнинг маданий-маънавий шароитларини ҳам янада яхшилаш, ишчи механизациялаш керак.

Қорақўлчилик сердаромад соҳа. Ҳаёт фаровонлиги ҳам унга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун унга тобора кўп эътибор берилмоғи зарур. Бу соҳанинг ҳам ўзига хос ютуқлари, камчиликлари, кўпчиликнинг муҳоказасига ҳавола қилиниб, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолари бор. Уйлаймики, Нурота қорақўлчилиги қисқа муддат ичда янада кўпроқ эътибор топади. Бунинг ҳам илмий, ҳам амалий оқимлари бор.



Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

## Оқ йўл!

Қуйида эълон қилинаётган шеърларда қаламкашнинг тиниқ бир самимийлиги киши диққатини тортади. Бу шеърлар худди кўп йиллик тажрибага эга бўлган ижодкор қалами остидан чиққандек туюлади. Аслида буларни Қўқондаги 15-мактабнинг ўзинчи синфини эндигина битирган, номи ҳали адабий жамоатчиликка маълум бўлмаган Мақсуда Эгамбердиева ёзган.

Еш шoirанинг редакциямизга йўллаган шеърларидаги ижтимоийликка, фалсафий теранликка интилиши, воқеа-ҳодисаларни поэтик кўз билан кўра олиши унинг келажаги умидли эканлигидан дарак беради. Мақсуда бу шеърлари билан улкан шеърятнинг карвон йўлига чиқиш учун ilk қадам қўйди. Ана шу масъулиятли ва машаққатли йўлда унга оқ йўл тиланмиз.

## Ун еттинчи баҳор

Ун еттинчи баҳор... ёшимдай сулув...

Равшан тортиб тонгинг васлидан таъби,  
Хаёлларин нурга чаяди қизлар.  
Сирдош дугонамнинг сепкили каби  
Қип-қизариб тошмиш кўкка юлдузлар.

Юлдуз чашмасига бошимни ювиб,  
Қирқ бир кокил қилиб ўргим келади.  
Ойнинг ипагини эринмай чувиб,  
Ундан кашта тикиб кўргим келади.

Қуёш нурларида аргимчоқ учсам,  
Куйлашни ўргатсам дейман булбулга,  
Гуллар дарёсини ҳайиқмай кечсам,  
Ундан туссам дейман ҳар чанқоқ дилга!

Ун еттинчи баҳор... ёшимдай сулув!

## Гўдак

Эрта тонгда кўркам хиёбон бўйлаб,  
Кўтариб боради эриасин она.  
Ҳайрат ичра боқар гўдак ҳаётга,  
Чигалликлар ҳали унга бегона.

Боланинг юзига ёйилди кулгу,  
«Ленин», дея чўзди шу тоб кўлини.  
Қаршисида турар Ленин ҳайкали,  
Кўрсатиб гўёки ҳаёт йўлини.

Ҳали яхши билмас Ленин кимлигини,  
Унинг ишларидан беҳабар ўғлон.  
Лекин Ленин бобо у билан ҳар кун,  
Яхши одамлигини билар бегумон.

Юртимда туғилган гўдак  
Ленинни —  
Ота-она билан танир баробар.  
Шарафли ва оғир ilk одимин ҳам,  
Ҳа, унинг мўътабар изидан босар!

## Ёз

«Қайнар хумча» қайнар ёз осмонида...

Олма дарахтлари лоқайдлик билан,  
Қизил олмаларни отиб ўйнар гоҳ.  
Хонатласда ёниб мисоли гулхан  
Шаршара олисга ташлайди нигоҳ.  
Ҳарорат қушларнинг қўшигин ютар,  
Синдираш салқиннинг қанотин тикка.  
Чаманлар бир қатра ёмғирни кутар,  
Толғин қўлларини чўзганча кўкка.  
Жилга оқиб ётар яримта бўлиб,  
Қани, ёмғир бўлиб ёғса мажнунтол...  
Иссиқдан ҳансираб, ўпкаси тўлиб,  
Жилганинг ичида жон сақлар шамол.  
Бедорлик туртишиб излайди салқин,  
Капалак қанотин йиғар бемажол.  
Тандирга ўт қалар гурлатиб ёлқин,  
Ҳозиргина ишдан қайтган бир аёл.  
Икки зўр апанга тоблаган юзини,  
Биллур тер маржонин беради оро.  
Ҳатто осмондаги қуёшнинг ўзин —  
Узиб ноисаватга солмоқчи гўё.

\* \* \*

Жаҳонки қизча эдим, ҳавасларга бой,  
Сирли кўрниарди сербўёқ олам.  
Кувнардим, ортимдан юради, деб, ой,  
Ойга қараб-қараб ташлардим қадам.  
Энди мен юганда, доим ортимдан  
Эргашар ҳаваслар, кулгулар, еллар.  
Нигоҳлар эргашар ошқора, зимдан,  
Сувларинг кўшиги, баҳор ва гуллар.  
Мен уларнинг барин чиқаман олиб  
Чексиз далаларга, олис йўлларга;  
Оқишман тошқин дарёга солиб,  
Етказаман тоғлар, осмон, кўлларга.  
Мен уларнинг барин олиб ўтаман  
Дунёдаги барча кўчалар бўйлаб.  
Токи тошлоқларда кўкарсин чаман,  
Одамлар юрсинлар қўшиқлар куйлаб.  
Токи ёнсин уруш, қайғу қурган тахт,  
Токи осмон бўлсин нурдай покиза.  
Ерининг йўлдошига айлансини Бахт,  
Порласин ҳар бир кўк, ҳар бир юрт  
узрал!

## Мактабимнинг зинапояси

Из бўлиб босилмиш йилларнинг гарди,  
Кумуш кулгуларим тўкилмиш шунда.  
Шу ерда бошланди юксалиш дарди,  
Шу ерда умидлар барг ёзди кунда.

Синфимга чопардим — бўлиб бир олам,  
Учиб тушар эдим олганда «аъло».  
Сендан ҳатто паства тушганимда ҳам,  
Узимни сезардим юксалган гўё.

Кириб борди катта дунё қўйинга  
Зиналаринг босиб меннинг ёш дунём.  
Боқиб сийнагидagi нур ўйинига,  
Шарафлаш истайман сени бу айём.

Шунда қўлим сиқди ҳаётнинг қўли,  
Орзулар гул бўлиб очилди қат-қат;  
Чарчамасман, майли умримнинг йўли —  
Зинапоялардан бўлсин иборат.

## Уйлар

Уйлар... умрларнинг камтар паноҳи,  
Аждодлардан қолган тўрт кунлики мерос.  
Қадди-бастин инсон бўй-бастига мос —  
Уйлар... тўй, иқбол ва... сўнмиш гувоҳи.

Инсон кўрди азми, юксак қасрлар,  
Ибодатхоналар кўрди серҳашам.  
Фақир кулба таскин берди асрлар —  
Унга: худди зулмат ичра ёнган шам.

Кенг фазолар инсон изида бүгүн,  
Сертўлқин дарёлар ўпар оёгин.  
Аммо ҳеч нарсага алишмайди у  
Чоққина уйда ёнган чирогин...

Қўқон

## Қандай соз!

Қандай соз! Ишонч-ла порласа кўзлар,  
Хоҳласанг — кафтинга қўнса юлдузлар.  
Туганмас чашмадек соф бўлса тилак,  
Қандай соз, парвозга шайланса юрак!

Меҳрибон бир қалбга интизор бўлиб,  
Ажиб хаёл билан дил турса тўлиб.  
Қандай соз, умрбод қувиб орзунни,  
Куйласанг энг қизик, эзгу мавзунни.

Қандай соз, чақалоқ каби энтикиб,  
Сеҳрли ҳавас-ла кўз нуринг тўкиб,  
Тўймадсан тикилсанг бутун оламга,  
Мўъжиза деб боқсанг ҳар бир одамга!

## Қанот

## бўлолсам...

Сен юксакка интилган чоғда,  
Парвозингга бўлолсам қанот.  
Зарра меҳр қўшиб меҳрингга,  
Қалб уришинг эта олсам ёд.  
Ҳам қайғунга бўлиб қайғудош,

Қанча ҳижрон келтирса ҳаёт,  
Сенга ўхшаб мардона енгсам,  
Рўёлардан изламай наҳот.  
Кишиликнинг бахти деб ёнсам,  
Тўшкунлик ҳеч бўлмас ҳоким.  
Фазоларга бўй чўзса орзум,  
Эзгу ўйга қарши бўлар ким!  
Ҳар тўшиққа беролсам бардош,  
Эртақлардан изламай сирдош,  
Дилда меҳрим, бардошим билан,  
Қалбимдаги қуёшим билан,  
Ҳаёт йўли — бахт йўли дея,  
Одим отсам сен билан бирга,  
Сафдош бўлиб бутун умрга.

Диплом ТОЖИЕВА

# МАЪРИФАТ ЭЛЧИЛАРИ

Бутун Иттифоқ «Билим» жамияти чорак асрли фаолиятини яқунлади. Бу даврда жамият ўзининг қудратли маърифатчи эканлигини исбот қилди. Унинг икки ярим миллионга яқин аъзоси кенг халқ оммаси ичида ҳозирги замон билимларини тарқатмоқда. Утган 25 йил якунига оид рақамлар жуда ажойиб ва мароқлидир. «Билим» жамияти аъзолари орасида 2 мингга яқин академик, 14 минг фан доктори, 100 минг фан кандидати бор. Жамиятнинг 15 республика бўлими, билимлар-

нинг қирқ тармоғи бўйича 26 минг халқ университети бор. Жамиятнинг нашриётлари ҳар йили 600 номда 40 миллион нусха оммавий рисо-лалар босиб тарқатмоқда.

Бизнинг республикаимизда 1309 халқ университети бўлиб, 140 минг киши билим олмақда. Йил сайини 620 лекция тингланмоқда.


Хоразм областининг ўзидагина ҳар бир лектордан олтинчиси иқтисод масалалари юзасидан лекциялар ўқимоқда. Республикаимиз колхоз ва

совхозларида олимлар, қишлоқ хўжалик мута-хассислари, ишлаб чиқариш илгорлари иштиро-кида ўтадиган мусохаба кечалари анъанавий бў-либ қолди.

Суратда: Республика «Билим» жамиятининг Ху-жабод район бўлими лекторлари «Ленинград» колхозида.

Р. ЖУМАННЕСОВ фотоси

Э. АДИРОВИЧ,  
Ўзбекистон ССР Фанлар  
академиясининг ҳақиқий аъзоси



# ОПТРОНИКА

**Р**адиоэлектроника ўзининг фаолият майдонини кенгайтирмоқда. Бу ҳол информацияларни жуда хилма-хил физик ҳодисалар асосида кодлаш ва ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Кейинги йилларда радиоэлектроника ва физик оптика бир-бири билан янада тезроқ яқинлаша бошлади.

Ер юзидagi барча мавжудот ёруғлики Куёшдан олади. Шу туйғайли нур информацияларининг асосий ташувчиси бўлиб қолди. Кўз тирик мавжудотда атроф-муҳитга оид жуда муҳим информацияларни қабул қилиб оладиган орган сифатида пайдо бўлди ва ривожланди. Қадимги аждодларимиз ўтти кашф этган, ундан исиниш ва овқат пиширишда фойдаланишдан ташқари, қоронғида кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Оптика соф амалий фан сифатида юзга келди. Линза ва кўзгулар ёрдамида кўриш информациясини кенгайтириш ва аниқлаш унинг мақсади эди. Оптика фани илк қадамлариданоқ космосни ва микродунёни ўргана бошлади, оптик асбоблар

худди шу соҳаларда кишилар билимини оширди. Лекин оптика ер сатҳида бажариладиган мақсадлар учун унчалик муҳим янги информациялар келтиролмади. Нурнинг тўғри чиқиқ бўйлаб тарқалиши ва ер сиртининг эгри-бугрилиги бунга сабаб бўлди. Кўз илғайдиган масофа ер қуррасининг ҳажмига нисбатан жуда ҳам кичик. Кишлик жамиятининг турмушини эса, айниқса кейинги юз йил давомида улкан миқёсдаги информацияларсиз тасаввур қилиб бўлмаётди.

Радиоэлектроника яратилгандан кейингина бу жумбоқ ҳал этилди. Радиоэлектроника ахборотларни етказиш учун техникани жуда соз «транспорт» — радиотўлқинлар билан таъминлади ва унинг информацияларга бўлган талабини тўлиқ қондириш учун сунъий сезги органлари — электрон узатгичларни яратди. Натижада техника кўриш, эшитиш, сезиш ва ҳид билишдан ташқари, тирик мавжудотларда учрамайдиган жуда хушёр сезги органларига ҳам эга бўлди. Нур, товуш, иссиқлик, босим, атмосферада мавжуд жуда оз

миқдордаги учувчи аралашмалар, электр майдони ва магнит майдони, атом ядросининг нурланиши ҳамда Коинот қъридан келадиган космик нурлар — буларнинг барчаси электр сигналларига айланади, улар дарҳол кузатиш пунктларига юборилади, у ерда электроника ёрдамида кишиларга изоҳлаб берилади.

Радиоэлектроника кишилар фаолиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Оптика кўп йиллар давомида асосан табиат қонуларини ўрганиш билан шуғулланиб, кишилар ўртасидаги алоқа йўллари масалаларини ҳал этиш билан машғул бўлмаган эди. Эндиликда вазият ўзгара бошлади.

Ҳозирги улкан ўзгаришлар оптика билан электроника ўртасида юзга келётган ҳамкорликдан дарак бермоқда. Электроника илк қадамлариданоқ оптика билан тўқнаш келаркан, унинг олдида дастлаб алоҳида-алоҳида, кейинчалик эса йирик илмий-техника фанлари шуғулланадиган янги вазифалар туғилди.

Бу жараён учта сабабга боғлиқ. Биринчидан, оптик канал бўйлаб ке-

лаётган барча информацияларни қамраб олишга ҳаракат қилиш керак эди. Иккинчидан, нур чиқариш, нур ютиш ёки нурни акс эттириш билан бирга кечадиган ҳодисаларнинг на эмас, шунингдек исталган информацияни кўринадиган қилишга интилиш лозим эди. Учинчидан, катта ва борган сари кўпайиб бораётган информацияларни қисқа, тобора қисқариб борувчи вақт ичида ишлаб чиқиш зарур эди.

Нур заррачалари—фотонлар электронларни металлдан тортиб олиш ва чала ўтказгичларда электрон алоқаларини узиб қўйиши мумкин. Моддаларнинг заррачалари — электронлар люминофор деб аталган махсус материаллардан фотонлар эмиссиясини ҳосил қилади. Бу ҳол нур сигналларини электр сигналларига ва электр сигналларини нур сигналларига — фотоземеллар, люминисцент экранлар ва ҳоказоларга айлантирувчи электрон-оптик асбоблар яратиш имконини берди. Телевидение ва радиолокация, электрон микроскопия ва электрон телескопия, тунда кўриш асбоблари ва ис-

Меҳнаткаш халқ оби ҳаётнинг ҳар қатраси учун кураш олиб борган. Археологик-этнографик экспедициялар Урта Осиёнинг бепоён қумлиқларида қадимий сугорниш йўллари аниқладилар. Урта Осиё халқларининг тарихи сува ва ҳаёт учун узлуксиз кураш тарихи, деса бўлади.

Айниқса, Бухороликлар қадим-қадимдан сува тақислигини бошдан кечирганлар. Мана бу сатрлар сувага ташна деҳқоннинг ноласини чуқур ифодалайди:

Қуриди қўлларнинг мошу тариги,  
Оқарми, оқмасми Жилвои ариги,  
Жилдираб оқса ҳам кўзим ёши-  
дек,  
Ювилмас у билан юзим сариги.

Феодал жамиятида томчи сувага зор ўтган жафокаш халқларнинг ана шу қалб нидосига ким ҳам қўлоқ солар эди, дейсиз!

Лекин воҳанинг заҳматкаш деҳқонлари ободончилик ва деҳқончиликни изга солиш учун тинмай курашганлар. Хусусан, Зарафшон дарёсининг куйи оқимида жойлашган Пойкент (ҳозирги Қорақўл райони) аҳолиси сува тақислигидан қийналиб оби ҳаёт манбаларини қидирган. XI аср тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида қайд этилишича, Бухоро ҳукмдори Пойкентга сува келтиришга уриниб кўради. Бироқ Зарафшон суви у ерга етиб келмайди.

Шундан кейин ҳукмдор Пойкентга Амударёдан ариқ чиқаришга фармон беради. Пойкент тепалик жойда ўрнатишга унинг бу ерда ҳам сува йўли очиш мушкул эди. Бир амаллаб бор-йўғи 6—7 чақирим чамасидаги ариқ қазилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, сува иншоотлари соҳасидаги хўмасизлик, чор амалдорларнинг уқувсизлиги туйғайли Бухоро воҳаси тамоман сувага муҳтож бўлиб қолади. Халқни бундай оғир аҳволдан қутқариш учун баъзи маърифатпарвар кишилар бу хайрли ишга бел боғладилар. Ана шундай тараққийпарвар ташаббускорлардан бири Аҳмад Дониш эди.

1869 йилнинг кузи, 1870 йилнинг баҳор ва қиш фасллари юз берган қурғоқчилик оқибатида экинзорлар қуриб қолди. Чорва моллари кўплаб қирила бошлади. Воҳа иқтисодий тангликда қолди. Бу тангликдан қутулишининг бирдан-бир йўли ариқ қазиб Бухоро ерларига Амударёдан сува келтириш эди. Халқнинг истеъдодли фарзанди Аҳмад Дониш шундай фикрга келиб, Бухоро амири Музаффарга мурожаат қилади.

Аҳмад Донишнинг ёзма мунозаралари ҳам зулғи ва ишратга майл кўйган Музаффарга заррача таъсир кўрсатмади. Шундан сўнг у амирнинг эътиборига меҳнаткаш халқ маблаг ва кучи билан канал қазини ҳавола қилади. Бироқ амир: «Амудан сува олиш бемаъни маслаҳатдир. Бу-

рунги шохлар ҳеч қачон бундай ишни қилмаганлар», деб жавоб қайтаради. Аҳмад Дониш эса асло тиниб-тинчимайди.

Уша пайтларда айрим рус олимлари ҳам Аму ва Сир суварини тартибга солишни орзу қилардилар. Йирик олим А. И. Восекос ана шуларнинг бири эди. У 1882 йили «Россия дарёлари» асарини ёзиб, узоқ келажакда Урта Осиёнинг бу икки улкан ҳаёт манбандан сугорниш мақсадларида албатта фойдаланилади, дея баъшарт қилган эди. XIX асрнинг 80-йилларида темир йўл инженери Анненков Бухорога Амударёдан сува чиқариш имкониятини аниқлаш учун рекогносцировка ишларини ўтказавди.

Россия деҳқончилик ва давлат мулкларни министрлигининг ерларини яхшилаш бўлими 1912 йилдан Бухоро воҳасида қидирув ишларини бошлаб юборди. Бундан Бухоро ва Қорақўл воҳасидаги бўш ётан ерларни ўзлаштириш ва сугорниш, бой рус хўжалиқларини ташкил этиб, пахтачиликни юксалтириш кўзда тутилган эди. Бу ишларга инженер А. Чаплигин раҳбарлик қилди. У қидирув ишлари асо-

сида, Зарафшон водийсида сува хўжалигини тартибга солиш, ундан унумли фойдаланиш йўл-йўригини ишлаб чиқди. Амударёдан канал чиқариш бўйича илмий жиҳатдан асосланган «ашичина канали» гоёсини илгари сурди. Унинг лойиҳаси бўйича, канал ҳозирги Чоржўй шаҳри яқиндан бошланиб, сува саккизта кучли насос ёрдамида Бухоро воҳасидаги Шоҳруд ариғи ўзингача келиши керак эди. Канал сувини баландага кўтарувчи насослар системасининг энергетик базасини Зарафшон дарёсининг юқори оқимида қуриш мумкин эди. А. Чаплигиннинг фикрлари қанчалик тўғри бўлмади, чор ҳукумати мураккаб техниккага асосланган бундай канал қуришни истамасди.

Улуғ Октябрь қуёши Балқизгагина сува иншоотлари тармоқларини вужудга келтириш учун чинакам умумхалқ сафарбарлиғи бошланди. Хусусан, 1918 йилнинг май ойида дохийилиз В. И. Ленин «Туркистондаги сугорниш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва ана шу ишларни ташкил этиш тўғрисида» деган тарихий Декретни имзолаганидан кейин ўлкада сугорниш

## СУВА ЙЎЛИ,

сиқлик локацияси — электрон оптик ўзгартирувчиларнинг яратилишига олиб келган илмий-техника прогрессининг бир қанча босқичлари ана шулардан иборат.

Информацияларнинг ҳисобсиз оқимларини олиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, етказиш ва қайта ҳосил қилиш зарурати, вазифаларнинг қилма-қиллиги ва техника бажарадиган операцияларнинг жуда тезлиги, автоматлаштириш, Ерда ва космик бўлиқда узокдан бошқариш — буларнинг барчаси радиоэлектроникани қисқа тўқчилар соҳасига тобора яқинлаштиришда. Тўқин қанча қисқа бўлса, унинг частотаси шунча юқори бўлади ва у айна вақтда шунча кўп информация ташиш имконига эга бўлади. Нур тўқинларининг узунлиги эса энг қисқа радиотўқинлар узунлигидан 10.000 марта қисқа. Агар фантастик романларнинг авторлари кўп тасвирлайдиган Марс аҳолисининг борлиги рост бўлса ва у ер юзидagi аҳоли сони билан тенг бўлса эди, Ердаги уч миллиард одамнинг ҳаммаси бир вақтинг ўзда марсликлар билан телефон орқали алоқа боғлаш учун Ер билан Марс оралнига битта лазер нурни қиёфа қилар эди.

Қават радиоэлектроникаси радиоэлектрониканинг оптика соҳасига томон қилмиши йўлини ва информациялар юборишда нурдан транспорт востиса сифатида фойдаланиш имкониятини очиб берди. У ҳозир нур ёрдамида информация техникасининг турли-туман масалаларини ҳал этишнинг барча зарурий элементларини яратмоқда.

Нурнинг тўғри чиқилиши йўналиши узок масофада туриб алоқа қилиш учун жиддий тўсиқ бўлмай қолди. Нурнинг атмосфера юқори қатламларида акс этиши ва синиши, космик кўзгу сифатида ишлабган суний йўлдошлар системасининг яратилиши нурнинг янги манбалари — лазер нур тарқаткичлари ёрдамида узокдан алоқа қилиш имконини беради. Ҳозир лазер алоқасидан ерда фойдаланишда, яъни у таърибаларда одатдаги телефон линияларини ўрнида ишлатилмоқда, бироқ унинг истиқболли кўрсаткичи янада порлокдир.

Умуман, нурнинг тўғри чиқилиши йўналиши тўғридан муаммо бартараф этилди. Эндликда нур сигнални ис-

талган эгри чиқилиш йўлдан юбориш мумкин. Асримизнинг олтинчи йилларида оптиканинг янги тармоғи — тола оптикиси юзага келди. Ута эгулчан ва ингичка тола шу толарлар сым электр токни ўтказгани каби нурни ўзидан ўтказди. Миллионлаб шisha толарлардан иборат ингичка узун тизимча, масалан, беморнинг ошқозонига туширилади. Бир группага мансуб толарлардан нур юборилади, бошқа группага мансуб толарлардан катталаштирилган тасвир ўз табиий рангида олинади. Врач гўё лама ёрдамида бемор ошқозонини кичирсидан туриб текширадиган микроскопда айланади.

Тола интроскопикси (ичдан кўриш) рентген усулларига нисбатан жуда самаралидир. Бу усул турли соҳаларда қўлланилмоқда, бироқ у турки организмлар устидан иш олиб боратган биология ва медицинада айниқса истиқболлидир.

Тола оптиканинг юзага келиши ва гоятда мўъжаз нур тарқаткичларининг ҳамда нур қабул қилувчиларининг яратилиши тўғрйли, электрон системаларда информацияларни фақат электр соҳасидангина эмас, шунингдек оптика соҳасида ҳам ишлаб чиқиш имконияти туғилди. Бунга қадар электрон-оптик ўзгартирувчилар информацияларни киритиш ва чиқариш асбоблари бўлиб хизмат қилар эди; информациялар соф электр йўлларида вакуумли ёки чала ўтказкичли электроника ёрдамида ишлаб чиқилар эди. Эндликда кибернетика информацияларни ишлаб чиқишда фақат электрдангина эмас, шунингдек нурдан ҳам, фақат электронлардангина эмас, шунингдек фотонлардан ҳам фойдаланадиган бўлиб қолди.

Фотон нейтрал электр заррачасидан иборат эканлиги билан электрондан фарқ қилади. Унинг шу хоссаси, шунингдек нур сигналларини жуда тез юбориш, оптик алоқаларнинг контактсизлиги информацияларни бевосита кўриш назорат қилиш, уни ис-талган босқичда ишлаб чиқиш имконияти ва бошқа афзалликлари техник кибернетиканинг электрон билан бир қатorda, фотон босқичига ҳам эга бўлган информацияларни ишлаб чиқиш системасига асосланган янги йўналишнинг тез суръатлар билан

ривожланишига ёрдам берди. Бу йўналиш оптоэлектроника деб аталадиган бўлди.

Оптоэлектрониканинг асосий элементи — оптон ёки жуфт оптон гоятда мўъжаз нур тарқаткичи ва фотоприёмникдан иборат. Бу нур тарқаткичи ва фотоприёмник ё электр йўли билан, ёки оптик йўл билан, ёхуд ҳар иккала усул билан боғланади. Бу хилма-хил алоқалар катта функционал имкониятларни яратди. Электрон боғланлиларнинг фотонлар билан алмаштириш радиоэлектрон аппаратларни жуда кичиклаштиришга, кўп миқдордаги информацияларни тезда ишлаб чиқа оладиган системалар яратилишига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда оптоэлектроника термини, радиоэлектроника ва оптиканинг бирикмаси сифатида, жуда кенг маънода тушунилади. Аслида электрон ва фотон босқичларидан иборат информация қўрилмалар ишлари ва принциплари йиғиндисини оптоэлектроника деб аташ тўғрйли бўлади.

Кибернетика системасининг информациялар самардорлигини оширишнинг икки йўли бор: биринчиси, информациялар ишланадиган параллель каналлар сонини кўпайтириш, яъни яна ҳам мураккаброқ ва кўп элементли аппаратлар яратиш йўли. Иккинчиси, ҳар бир алоқа каналининг ўтказувчанлиги қобилиятини ошириш, яъни яна ҳам қисқарок тўқинлар соҳасига ўтиш йўли. Кўриниб турибдики, оптоэлектроника бу ҳар икки йўналишда ҳам олға томон боришга кенг йўл очиб берди.

Бироқ, информация техника прогрессининг гайри оддий — функционал усули ҳам бор. Бу усулга кўра илгари номаълум бўлган ва янада самаралироқ принциплардан фойдаланиш мумкин.

Фотография ва кино ҳаммага маълум. Аммо фото ва кино ҳаммаи уч йўловчи нарсаларни бир текисликда нарсаларга айлантиради. Фотография дастлаб ҳаммаи фотография сифатида кашф этилган ва тушунилган эди. Бу юмаларнинг лазер билан ёритиб ва тарқок нурларни тўплаб, голограмма олинади. Голограмма — микроскопик йўллар ва доғлар йиғиндисини бўлиб, у акс этирилайдиган образга сира ўхшамайди. Бироқ унга лазер нурини тушириш биланок

бўлишда предметнинг ҳажми, уч йўловчи тасвири пайдо бўлади.

Келгусида статик голографиядан кейин ҳаммаи голографик кино ва телевидение юзага келади. Бу янгиликлар жуда қизиқарли бўлса-да, гап бунда эмас. Обьектнинг голографик ёзувларини кўзга кўринадиган нурлар, шунингдек, кўзга кўринмас нурлар, радиотўқинлар, товуш ва ультратовуш ёрдамида ҳам олиш мумкин. Шу йўллар билан кўзга кўринадиган ҳаммаи тасвирлар пайдо бўлади. Кўзга кўринмайдиган барча нарсалар кўринадиган бўлиб қолади. Информацияларни голограммаларга ёзиш учун тўқинларнинг танлашнинг кенг имконияти кўз ўтмайдиган қоронғиликда жисملарни кўриш, ҳавосиз бўлиш орқали зшитиш, микрооламга назар ташлаш, тез кечётган жараянларнинг бир дақиқали ҳолатини акс этириш, юзларини бузмасдан туриб контактсиз назорат қилиш имконини беради.

Голография улкан ҳаммаи оптик хотира ҳам ярата олади. Битта голограммага ҳаммаи бутун бошли кутубхонага тенг бўлган информацияни ёзиш мумкин. Информация ёзишнинг голографик усули техникани катта ҳаммаи хотирадан ташқари, шунингдек, бутунлай янги тилдаги, машинага нисбатан инсонга яқин бўлган хотира билан таъминлайди. Голограммаларда бир хил образлар тасвири орқали бошқаларини юзага келтириш мумкин, бунда кейинги образ аввалгисини билан боғлиқ бўлади (муқобил хотира).

Голография образларини (предметлар, ҳарфлар, ҳолатларни) биллиб олишнинг жуда қийин кибернетик масалаларини электрон ҳисоблаш машиналарига қараганда анча тез ечади. Дунёни кўриш йўли билан ўрганишга киришган инсон бутунги кунда информациянинг асосий манба бўлган нурга — уни юборадиган, эслаб қоладиган, мантқан ишлаб чиқадиган ва қайта тиклайдиган асбобларга эга бўлган ҳолда мурожаат қилмоқда. Ривожланиш, оптика билан радиоэлектрониканинг ўзаро бойиши мантқанга кўра, бу фанлар синтези — оптоэлектроника — келгусидаги информация техникасининг базаси ва бош йўналиши бўлиб қолади.

## ОРЗУ ЙЎЛИ

ва чўл-биебонларга оби ҳаёт келтириш ишлари тўбдан яхшиланди. Бухоро меҳнатқашлари буюк доҳининг «Сугорниш ўлка учун ҳаммадан кўпроқ керакли бўлиб, унинг қиёфасини ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ўзгартиради, уни тиклайди, ўтишга барҳам беради, социализмга ўтишни мустақамлайдиган» деган кўрсатмаларига амал қилиб келмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг беқиёс ғамхўрлиги тўғрйли Бухорода сув нишооти ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Амударё сувини область экинзорларига келтириш масаласи 1930 йилларга келиб яна қўзғалди. «Союзводпронининг Бухоро экспедицияси машиналар ёрдамида ўзи оқиб келадиган канал трассасини аниқлаш бўйича қидаруш ишлари ўтказиб, Қалиф бекати яқинидан бошлб дарёдан канал чиқариш мумкин, деган хулосага келди. Каналнинг умумий узунлиги 500 километр бўлиб, у битказилганда 138 миң гектар майдонни сугоритиш имконини беради эди.

Профессор Ф. Моргуненков эса Амударёдан Қорақўл ерларига сув келтириш учун Туркманистоннинг

Бурдалик шаҳри томонидан канал қазиниш тавсия эди. Қазилажак каналнинг узунлиги 200 километр бўлиши керак эди. 1936 йили Б. Корвашин бошчилигидаги мироб-инженерлардан иборат ҳукумат комиссияси Қалиф каналини кўриш ҳақидаги масалани янгидан кўтариб чиқди. Зарафшон дарёсидан ортиқча сув билан Қашқадарё воҳасидан ерларини сугоритиш кўзда тутилган эди.

1937 йили профессор Ф. Моргуненков Бухоро воҳасига бошқа манбадан сув келтиришнинг Қалиф вариантыга қарама-қарши қўяди: Унинг лойиҳасига кўра Сирдарёдан бошланадиган каналнинг сув олиш нишооти тахминан ҳозирги Фарҳод ГЭСнинг ўрнида бўлар эди. Бу канал 500 километргача чўзилли, Мирзачўлининг жанубий томони, Нурота тоғларининг шимолидан ўтиб, Бухоро воҳасининг юқори районларига келар эди. 1940 йили эса бухороликларнинг ташаббуси билан Ф. Моргуненковнинг биринчи таклифи инобатга олинди ва Бухоро Бурдалик каналининг трассаси бўйлаб ердан ва ҳаводан рекогносцировка ўтказилди. Аммо уруш бошланиб ке-

тиши бу ишни вақтинча тўхтатишга мажбур эди.

Урушдан сўнгги йилларда Совет ирригацияси тарихида янги давр бошланди. Йирк олимлар, мироблар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари Бухорода сув хўжалиги қурилишининг ўн беш йилга мўлжалланган истиқбол режасини ишлаб чиқиди. Бу ҳаётини режаларнинг марказида Бухоро ерларини Аму суви билан сугоритиш масаласи турар эди. Ниҳоят 1958 йилнинг 13 февраль кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Аму-Қорақўл канали қурилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу каналнинг лойиҳасини «Узгипроводхоз» лойиҳа-лаш институтининг Ю. Данилов бошчилигидаги бир гуруҳ инженер ва техниклари туздилар. Ҳаётбахш канал 1962 йилнинг баҳоринда ишга туширилди. 50 километрни бу оби ҳаёт йўлининг ишга туширилиши натижасида Қорақўлнинг 40 миң гектар ер маъмурчилик воҳасига айланди.

1963 йилнинг 1 февралда эса республикамиз ҳукумати «Аму-Бухоро» машина каналини кўриш тўғрисида яна бир тарихий қарор қабул қилди. Канал лойиҳасини ўнлаб таъриба-ли мутахассис ишлаб чиқди. Оби ҳаёт йўлини барпо этиш учун 46 миллион сўм капитал маблағ ажратилди. Бу меҳнат жаҳасига бутун мамлакатимиздан ҳашарчилар келди. Ҳамза ва

Қуюқмозор насос станциялари, ўнлаб мураккаб гидротехника иншоотлари, ҳуллас, 200 километрга яқин канал ўзинини кўришда йигирма беш миллионга уч ярим миң фарзанди қатнашди. Икки ярим йилдан кўпроқ вақт ичида 70 миң кубметр тупроқ ишлари бажарилди. 110 миң кубметр бетон ва темир бетон ётқизилди. 15 миң квадрат метр уй-йўқурилиб, фойдаланарга топширилди. Агар катта Фарғона каналини барпо этишда 200 миң киши қатнашиб, 16 миллион кубметр тупроқ ишлари бажарилган бўлса, Аму-Бухоро каналини қуришда ўттиз уч баравар кам ишчи кучи ишлади, қарийб тўрт баравар ортиқ ер ишлари бажарилди.

Аҳмад Доношининг ўз даврида эгулики учун чеккан изтироблик эндиликда зое кетмади. Бухоролик мутафаккирининг армон бўлиб қолган хомхўрларининг совет мироблари ўз лойиҳаларида ҳисобга олдилар. Бу ўлқанинг заршунос деҳқонлари ўз халқининг асл фарзанди Аҳмад Доношини мангу унутмайдилар.

Шу кунларда Ленин ордени Бухоро области экинзорларида, дала-дашларинда ўтмишда «Далли дарё», «Тенба дарё» деб аталган Амунинг ҳаётбахш суви мавж уриб оқмоқда. Аму-Бухоро машина канали фаровонлик учун хизмат қилмоқда.

Маҳмуд ҲАМДАМОВ  
Бухоро



дабий-бадий танқид, жумладан, театр танқидчилиги бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу табиий. Ҳозир адабиёт ва санъат арбобларидан ижодин ягона мақсадга — халқин коммунистик руҳда тарбиялашга, коммунизмининг улугвор идеаллари учун курашга чамбарчас боғлаш талаб қилинади. Шунинг учун адабий-бадий асарларнинг гоёвий етуқлиги, санъаткорлар ижодининг камолоти, йўналиши, табиийки, санъат асарларининг бадий савияси ҳам кенг китобхонлар ва томошабинлар оммасининг диққат марказидан узоқда туриши мумкин эмас.

Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездидаги Ҳисобот докладыда шундай деган эди: «Адабий-бадий танқид партия йўлини бундан ҳам активроқ ўтказганида, зўр принципиаллик билан майдонга чиқиб, ижодкорларга ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан талабчанлик кўрсатганда, шубҳасиз, совет адабиёти ва санъатининг муваффақиятлари яна ҳам кўпроқ бўларди, камчиликлари эса, тезроқ бартараф этилиши мумкин эди».

«Танқидчиликнинг бурчи,— деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида» деб чиқарган қарориде,— ҳозирги замон бадий жараёнидаги ҳодисаларни, тенденцияларни ва қонуниятларни чуқур таҳлил этиб беришдан, ленинча партиявийлик ва халқчиллик принципларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама кўмаклашишдан, совет санъатининг юксак гоёвий-эстетик савияси учун курашишдан, буржуа мафкурасига қарши изчиллик билан кураш олиб боришдан иборатдир».

Кўриниб турибдики, партиямиз Марказий Комитети танқидчиликнинг таъсиридан кучини қайд этиш билан бирга, унинг ролин янада ошириш, коммунистик жамият қурилиши ҳамда янги жамият маданиятини яратиш ишига активроқ жалб этиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда.

Ана шу талаблар нўқат назардан республикаимизда театр танқидчилигига бир назар ташлайтилик. Холис гапни айтганда, кейинги ўн-ўн беш йил ичиде Узбекистон театр танқидчилигига катта сифат ўзгаришлари юз берди. Бу албатта республикаимизда сўнгги йилларда маданиятимизнинг янада юксалиши, олий таълим системасининг, жумладан, театрчилик ва театршунослик таълимининг ривожланиши самарасидир.

Ҳозир бизда театр танқидчилиги бўйича мутахассслар етишмайди дейиш хато бўларди. Бу соҳада билимдон, тажрибали кишилар ишламоқда. Уларнинг мазмундор, маҳорат билан ёзилган мақола ва тақризлари чиқиб турибди. Узбекистоннинг бугунги театр санъатига доир, камроқ бўлсада, китоблар нашр этилаётир.

Газета-журналларни varaқласангиз, баъзан анча муваффақиятлик чиққан, Узбекистон театри ҳаётидаги янгиликлар дурустгина таҳлил этилган мақола ва тақризларни учрата-сиз. Узбекистон Театр жамияти ва Узбекистон журналистлар союзи танқидчиларнинг энг яхши асарларини диплом ва махсус мукофотлар билан тақдирлаб турибди. Бу яхши, албатта. Лекин барчага маълумки, бугунги танқидчиликнинг айрим спектаклларга бағишланган яхши тақризларгина ташкил қилмайди. Танқидий мулоҳазаларнинг кучи ва таъсирини белгилловчи мезон— ҳаётнинг ва санъатнинг актуал муаммоларини қўйиш, уларни ҳал қилишга кўмаклашиш, ҳозирги театр ҳаётининг умумий жараёнини кўрсатиб бера олишдодир.

Бизда кўпинча айрим спектаклларга ҳеч қандай тақриз ёзилмайди, баъзилари ҳақида фикр билдирилса

наларни ривожлантириши билан бирга, гоёвий жиҳатдан бериладиган баҳоларнинг аниқ бўлишини, эстетик талабчанликни чуқур ижтимоий таҳлил билан, истеъдодга нисбатан, унинг самарали изланишларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб бориши керак».

Ийрик, танқид коллективлар фаолиятини баҳолашда ҳам гоҳо енгил-елли қаралмоқда. Ун беш-йигирма йил ўтгач, ҳамза ёки Горький номидаги театрларнинг тарихини газета-журнал мақолалари асосида ўрганишга киришган санъатшуноснинг ҳоли нима кечар экан! Бу коллективлар тўтовсиз юксала берган экан, уларнинг ишида қийинчилик ва машаққат бўлмаган экан, деган хулосага келади ўша олим. Чунки бу театрнинг яхшироқ янги спектакли доимо навбатдаги улкан ютуқ деб баҳоланади. Бундайроқлари ҳақида эса, танқидчилик ҳеч кимни хафа қилмаслик учун, ишмай қўя қолади. Ҳамза номидаги театр бир вақтлар режиссёрга ёлчимагани туфайли деярли премьерасиз, «ўлик сезон»ларни кечиргани, Горький номидаги театр эса, кенгашмай тўпланган труппа туфайли ижодий жиҳатдан шикастланган пайтлар бўлганини келгусидаги ёш театр тарихини ҳаёлига келтиролмаеса керак.

Айрим область театрларининг орқада қолаётгани, улар юксак талабларга жавоб бермаётгани ҳақида кўп гапиримиз. Аммо профессионал танқидчиликсиз театрнинг ривожланиши амри маълум эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўраймиз. Кўпгина табиий мутахассслар маҳаллий театрларнинг спектакллари ҳақида деярли ёзишмайди. Чунки улар областга баъзи-баъзида йўл-йўлакбай бориб қоладилар. Театр-расомлик институти ўйлаб театршунос мутахасссларни етиштирди, лекин улардан биронтаси ҳам ҳозир область марказларида ишламаётир. Район газетлари редакцияларида биронта театршунос, биронта санъатшуносни кўрмайсиз.

Республикамиз театри санъати жанр жиҳатидан мураккаб. Бизда драма, музикали драма, опера, балет—ҳаммаси бор. Аммо опера, балет ва музикали драма санъати соҳасидаги танқидчилар бармоқ билан санарли. Бундай мутахасссларни таёкирлаш ҳақида етарли қайғуриш керак. Музикали ҳамда балет театрларининг танқидчиси, турган гап, музикани ҳам, театрини ҳам мукамал билиши лозим. Бундай танқидчилар консерваториянинг тарихий-назарий факультетида таёкирлана тўғри бўларди. Чунки музика маълумоти олиш кўп вақт, катта куч талаб қилади. Бироқ ҳозир консерваторияда булажак музикашунослар театр тарихи билан енгил-елли танишадилар, балет тарихи мутлоқ ўрганилмайди.

Тошкент студиясининг телевизион театри фаолияти тобора активлашмоқда, бундан ташқари радиотеатримиз ҳам бор. Улар бадий танқид назаридан четда. Биз яратилганидан бўён, кўп бўлса, беш юз инг томошабин кўриб чиққан спектакли бир неча бор муҳокама қилмасиз-у, бир кечанинг ўзиде миллион-миллион киши курадиған телеспектакль ҳақида кўпинча чурқ этмаймиз.

Ақали илгига бир марта театрларимизнинг бугунги аҳолига бағишланган энг яхши мақолаларни тўплаб нашр этиш керак эди. Ниҳоят, бизда ҳам, бошқа республикалардаги каби, санъат масалаларига бағишланган махсус журнал очиб пайти келди.

Олим ХУҲАЕВ,  
Узбекистон Театр жамияти раиси,  
СССР халқ артисти.

Александр РИШНИК,  
санъатшунослик фаилари кандидати

## ТЕАТР ВА

# ТАНҚИДЧИЛИК

ҳам, вақт ўтгач, кечикиб эълон қилинади. Бу аҳвол баъзи редакцияларда адабиёт ва санъат бўлиmlарининг сусти ишлаши туфайли, кўпроқ эса, «огир карвон» танқидчиларимизнинг айби билан юз беради. Спектакль премьерасидан кейинроқ матбуотда тақриз чиқариш, томошабинлар фикрини умумлаштириш анъанаси унутилиб қолмоқда. Бу театршунос ва танқидчиларимизнинг театрда мутахассс сифатлигига эмас, томошабин сифатида ҳам узоқлашиб қолаётганликларини кўрсатади. Театр мавсумининг, муайян ижодий коллектив фаолиятининг якунига обзор бериш, маълум спектакль ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш каби йўлларни ҳам танқидчилик унутиб қўймоқда.

Узбекистон театр санъатининг ўткир проблемалари: драматургия ва репертуар, актёрлик ва режиссёрлик маҳорати, областлардаги театрларнинг аҳоли, театр жанрларининг (масалан, ўзбек музикали драмаси, миллий опера, миллий балет) тараққиёти, истиқболи каби кўпгина масалаларни таҳлил қилишга бағишланган ижодий мақолалар ҳанузгача йўқ даражада.

Айрим танқидчиларнинг мақола ва тақризларини ўқиб ҳайрон қолсан: бу мақолалар ё жўн, ё пассив, ё шошма-шошарлик билан ёзилган, ё бўлмаса ўта «эҳтиёткор», гоҳо мақола ва тақризлар жуда ҳам муложим бўларди. Баъзи танқидчилар ўткир муаммоларни четлаб ўтадилар, камчиликларини хаспўшлайдилар, бўш спектакллар ҳақида ботиниб бирор гап айтмайдилар. Аммо улар мақтовларга жуда саҳий: жиндақина имконият туғилса унво ва даражага қараб, асарини ҳам, актёрини ҳам, авторини ҳам кўнка кўтараверадилар.

К. Станиславский таъкидлаганидек, томошабин ҳар доим ҳақ. Агар у спектаклнинг тушунишса ва идрок қилмаса, демак театр пьесани танилашда ёки уни талқин этишда енгиллишган. Ёки томошабин санъатнинг бирон турини идрок этишга қай даражада таёкирланганини ҳисобга олмаган. Танқидчилик буларни тушунириб бериш билан бирга, ўзининг тарбиявий вазифасини ҳам ўташи лозим. Бирон асарининг яхши ёки ёмонлигини изоҳлаб, бунинг сабабини кўрсатмай ўтувчи, фақат ижодий

«баҳо» берувчи тақризларимиз кўп. Натижанда, матбуотда кўпларга кўтарилган спектакль бир-икки қўйилгач, саҳнадан тушиб кетади. Томошабин ҳайрон. Бунда театрларимизда ҳам айб бор. Театр бадий кенгаши йиғилиб, мазкур коллективга бағишланган материалларни мавсум ёки йил довомида муҳокама қилганини эслаёлмаймиз. Ҳолбуки, кўп театрлар ҳақида, уларнинг спектакллари ҳақида ҳар ҳолда ижодий тақризлар чиқиб туради. Бунини қандай изоҳлаш мумкин! Ё театр раҳбарлари танқидга қўлоқ солишмайди! Йўн, бизнингча, гап бунда эмас. Муҳокама-ларда айтилган оғзаки мулоҳазалар анча принципиал, рўй-рост ва қатъий бўлса-да, хотирада кўп сақланмайди, вақт ўтиши билан беихтиёр ёддан кўтарилади. Матбуот тақризлари эса, асосан, яхши спектаклларга бағишланади, уларнинг кўпчилиги ижодийдир. Шундай экан, уларни муҳокама қилиб ўтиришнинг ҳолати борми!

Кейинги йилларда чўчал, тумтароқли сўзларни аямай ишлатаётган, асарларга беҳудадан-беҳудача юқори баҳо бераётган танқидчилар чиқиб келмоқда. Санъатга нисбатан ҳурматсизлик белгиси бўлган бир одат— баъзи камчиликларни актёр талантининг ўзига ҳослигига, талқиннинг оригиналлигига йўйиб мақташ одатидир. Бунини тамоом йўқотвиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, танқид дастур-хонига байрам таомларни тортавериш зарарлидир.

Дуч келган йигирма-ўттиз тақризнини кўздан кечирсак, уларнинг ҳаммасида «Артист ёрқин ифодали олан», «Спектакль аjoyиб истеъдоднинг янги кирраларини намоён этган», «Актёр [ёки режиссёр] ўзининг юксак маҳоратини кўрсатган» каби сийқа ва баландпарвоз иборалар учрайди. Бу хилдаги асоссиз, таҳлилсиз мақтовлар ҳали тақрибасиз ёки ўртаманёна актёр, режиссёрга нисбатан ҳам беамалол ишлатилаверади. Бундай танқидчиларга партиямиз Марказий Комитетининг қароридеги мана бу сўзларни эслатиш жоиздир: «Адабий-бадий танқидчилик санъаткорнинг гоёвий фикр доирасини кенгайтиришга ва унинг маҳоратини такомиллаштиришга кўмаклашувчи керак. Совет адабий-бадий танқидчилиги маркс-ленинча эстетика анъа-



СССР халқ артисти, композитор Мухтор Ашрафий.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Халқнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган санъаткор Мухтор Ашрафий чинакам серзавқ, сермаҳсул ижодкордир. У етти опера ва балет, уч музикали драма, икки симфония, тўрт симфоник поэма, бир қанча симфоник сюита, тўрт кантата, кўпгина романс ҳамда қўшиқларни ўз ичига олган етмишдан ортиқ талантли музика асарларини ёзди. Бастакор ижоди мавзу ранг-баранглиги билан ажралиб туради. У яратган «Бўрон», «Улуғ канал», «Бахтлар водийси», «Темур Малик», «Дилором», «Севги тумори» каби опера ва балетларда халқимиз ҳаётининг турли қирралари ўз аксини топган. Бастакорнинг симфоник асарларига ҳам ана шу тенденция тааллуқлидир. Унинг икки симфонияси айниқса алоҳида эътиборга молик. Улардан бири—Улуғ Октябрь инқилобининг 25 йиллигига бағишланган «Қахрамоннома» асари СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. «Ғолиблар мадҳи» деган иккинчи симфония эса Совет Армиясининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасига бағишланган. Бастакор бу симфонияларининг ҳар бирида ўзбек халқ куйларининг оҳанг ва интонацияларидан моҳирлик билан фойдаланган. Айни пайтда Мухтор Ашрафий опера ва симфония дирижёри сифатида ҳам машҳурдир. Дирижёр репертуаридан унинг ўз асарларидан ташқари «Аида», «Кармен», «Князь Игорь», «Иоланта», «Оққуш кўли», «Дон Жуан», «Дон Кихот», «Богчасарой фонтани», «Спартак» каби бир қанча опера ва балетлар, шунингдек, рус ҳамда ғарбий Европа классиклари, совет композиторларининг асарлари ўрин олган.

Ҳозирги кунда атоқли бастакор, профессор Мухтор Ашрафий Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта опера ва балет театрининг бадий раҳбари, бош дирижёри ҳамда Тошкент Давлат консерваториясининг ректоридир. Унинг музика санъати тараққиётидаги хизматларини партиа ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Мухтор Ашрафий СССР халқ артисти, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати. Истеъодли бастакор кўксини иккита Ленин ордени, иккита «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Хурмат Белгиси» орденлари ҳамда «Меҳнатда ўрнатқан кўрсатганлиги учун» медали беэаб турибди.

## Халқ оғзаки ижоди

# ШОИР АРМОНЛАРИ

С. Оржонинидзе номидаги Бухоро Давлат педагогика институти филология факультети студентларининг фольклор экспедицияси бу йил Свердлов ва Қорақул районларида ишлади. Қоразун деган қишлоқ атрофида кўпгина бахшлар яшаб ижод этгани аниқланди. Улар

УМУР ШОИР

## Замона

Бир нечанинг бордир давлати бесон,  
Нечалар қоридир, нечалар эшон,  
Шоирдан қолмади биронта ишон,  
Шоирнинг бошига етдинг, замона.

Бир нечанинг узун қилдинг қўлини,  
Бир нечалар истаб топмас йўлини,  
Бир нечалар кўрмас соғу сўлини,  
Қайғули, ҳасратли, золим замона.

Нечалар кетади юкини боғлаб,  
Нечалар қолади изидан йиғлаб,

Фалакнинг жабридан юрагин доғлаб,  
Қайғуга, ҳасратга қондир замона.

Ойимиз қоронғу, кунимиз довул,  
Муллалар ишқидир ғийбату чўғил,  
На манда давлат бор, на қизу ўғил,  
Шоирнинг бошига етдинг, замона.

Молимизга ўчдир бойларнинг ўзи,  
Асло тўймас тупроқ тўлмаса кўзи,  
Шунда тамом бўлсин шоирнинг сўзи,  
Шоирнинг бошига етдинг, замона!

## Қишлоғим

Чўлдан келдим қирлар, довонлар ошиб,  
Атрофга қарайман, телмуриб-шошиб,

Экинлар қурбиди ўтдай тўтошиб,  
Сувсизликдан хароб бўлган қишлоғим.

Қум остида қолиб кетган ариғи,  
Қовжираб қолибди арпа, тариги,  
Донсиз-дунсиз қандай бўлар тақдирим,  
Сувсизликдан хароб бўлган қишлоғим.

Қани энди ариқ тўлиб сув оқса,  
Бахт кўёшим сенга қараб бир боқса,  
Сув ичган экиннинг чечаклар тақса,  
Сувсизликдан хароб бўлган қишлоғим!

Майли, охир унут бўлар бу кунлар,  
Йўқолур ўртадан зулматли тунлар,  
Йўқ бўлганда зулм берган кўзгунлар,  
Умур айтар: обод бўлар қишлоғим.

орасида Умур шоир айниқса диққатга лойиқдир. У камбағал оиладан чиққан, Кули Шоржанги деган чўпоннинг ўғли эди. 1916 йили вафот этган.

Умур бахштини кўрган, унинг асарларини ёддан айтиб келган отахонлар «Сув керак», «Қишлоғим», «Омонми?», «Сураб кўр», «Бордир замона», «Қорақўлдан сара жойни кўрмадим», «Топилмас» наби термаларни ва «Дурхамол» достонини эсладилар.

Бу асарлар Умур шоирнинг халқ орасидан етишган ҳақиқий истеъод эгаси, ҳозиржавоб шоир эканлигидан далолат беради. Меҳнатшох халқнинг асрий орзулари, феодал зулмга қарши норозилик акс этган бу шеърлар иктимоний салмоғи билан диққатни тортди.

Қуйида шоирнинг баъзи асарлари билан танишасиз.

М. АБДУРАҲМОНОВ,  
филология фанлари кандидати

## Топилмас

Қаттиқ тошлар эрир экан тебобда,  
Шўрлик халқим, ширин жонинг азобда,  
Оқ баданинг яра босган шу тобда,  
Даво учун асло маҳдам топилмас.

Ҳақ йўлида фидо қилдинг жонингни,  
Оғзиндан олдирад ошу нонингни,  
Зулуқдай сурдилар қизил қонингни,  
Сенга ҳамдард одам наҳот топилмас!!

Эсиб қолар бир кун бахтнинг шамоли,  
Яшнаб кетар кўнжа замон жамоли,  
Фарзандларинг шунда топар камолини,  
Умур айтар: энди алам топилмас!

# ҲАМКОРЛИК



Тошкент оёласть, Калинин районининг Партия ХХІ съезди номидаги совхози боғларида етишган олжалар мамлакатимизнинг турли шаҳарларига жўнатилди.

А. АБАЛЯН фотолари

Совхознинг меҳнат зарбдори Шохида Ашурбоева.



1947 йили хинд халқи мустамлакачиларга қарши ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашии ғалаба билан яқунлади. Хиндистон миллий мустақил давлат деб эълон қилинганга шу йил 15 августда 25 йил тўлиди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Хиндистон халқлари ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мамлакат халқи ўзининг содиқ фарзандлари Мотилал Неру, Тилак Махатма Ганди, Жаҳоирлал Неру, Зокир Хусайн, Бхагат Сингхлар раҳбарлигида узоқ йиллар мобайнида сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун тинмай кураш олиб бордилар. Ниҳоят 1950 йил 26 январда Хиндистон мустақил республика деб эълон қилинди. Энди Хиндистон ҳукуматининг олдда мамлакат оғир саноатини юксалтириш, иқтисодий қолоқликка хотима беришдек улкан вазифалар турарди. Бу масалаларни тезроқ ҳал қилиш мақсадида Хиндистон ҳукумати социалистик лагерь мамлакатлари, хусусан Совет Иттифоқидан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Совет ҳукумати Хиндистон ҳукуматининг илтимосини бажо келтирди.

Бундан ўн етти йил муқаддам, яъни 1955 йил 2 февралда Хиндистоннинг Маҳья Прадеш штатидаги Бхилай қишлоғи яқинида металлургия заводи қуриш ҳақидаги иқтисодий шартнома имзоланди. Бу биринчи иқтисодий шартнома эди. Ундан кейинги йилларда эса яна ўн бир шартнома тузилди. Шундай қилиб, ўн етти йил ичида жами ўн икки шартнома тузилиб, шу шартномаларга асосан Хиндистонда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техник ҳамкорлигида 68 та турли саноат корхоналарини қуриш ишлари амалга оширилди. Эъдиликда СССРнинг ёрдами билан қурилган 68 корхонанинг 34 таси тўла қувват билан ишга туширилди. Қолганлари эса ишга тушиш арафасида турибди. 1955 йил 2 февралдаги дастлабки шартномага асосан қурилган тўнгич Бхилай металлургия заводи 1958 йили ишга туширилиб, 51.322 тонна кокс, 36.962 тонна чўян ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда истеъмолга чиқарилаётган 130 хилдан зиёд маҳсулот мамлакатдаги 120 дан ортиқ турли-туман саноат корхонасини таъминламоқда. Айни вақтда Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия Федератив Республикаси каби тараққий этган мамлакатларга ҳам маҳсулот экспорт қилмоқда.

Хиндистон ҳукумати Совет ҳукуматидан заводнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишда қўмаклашишини илтимос қилди. Шунга биноан 64 нафар совет металлурги ҳозирги кунда корхонанинг қуёв цехларини кенгайтириб, корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини 4 миллион 200 миң тоннага етказиш бўйича таъмир ишларини олиб бормоқдалар. Шу билан бирга Хиндистонда Совет Иттифоқининг ёрдами билан Бихар штатининг Бокаро шаҳрида иккинчи улкан металлургия комбинатининг қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Заводнинг дастлабки лойҳасига биноан корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,7 миллион тоннага мўлжалланган эди. Аммо мамлакатнинг пўлат ва чўянга бўлган талабини ҳисобга олиб, яқинда Совет ва Хиндистон мутахассислари иштирокида Бокаро комбинатининг йиллик қувватини 4 миллион тоннага етказиш программаси ишлаб чиқилди. Комбинатнинг биринчи навбати 1973 йилнинг март—апрель ойларида ишга туширилади. 1975 йилга бориб йиллик қуввати 2,5 миллион тоннага, 1976 йилга бориб эса 4 миллион тоннага етади.

Бхилай заводи қурилаётган 1955—1956 йилларда Хиндистонда давлат секторига қарашли миллий металлургия корхоналари йўқ эди. Шунинг учун ҳам Бхилай заводи учун керак бўлган барча асбоб-ускуналарнинг 90—93 проценти Совет Иттифоқидан, жумладан Урта Осиё республикаларидан олинган эди. Хусусан турли маркадаги кабеллар, электр асбоб-ускуналари, кўтарма кранлар, трансформатор кичик станциялари, экскаваторлар, пресслаш дастгоҳлари, аниқ асбоблар, компрессорлар Ўзбекистон ва Қозоғистон корхоналарида ишлаб чиқарилиб, узоқ Бхилай заводига экспорт қилинган эди. Бокаро комбинати қурилаётган бугунги кунда эса Хиндистоннинг ўзида бир қанча миллий оғир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган заводлар вужудга келди. Масалан: СССРнинг ёрдами-

да Ренчида оғир машинасозлик заводи, Дургунурда тоғ-кон асбоб-ускуналар заводи, Котада аниқ асбоблар заводи, Хардварда оғир электр асбоб-ускуналар заводи қурилди. Натжида Бокаро комбинати учун зарур бўлган асбоб-ускуналарнинг 60—75 проценти ана шу заводларда тайёрланиб, 30—35 проценти эса Совет Иттифоқидан, жумладан Ўзбекистон ва Қозоғистондан олинади. Ҳозирги пайтда Бокаро комбинатининг буюртмаларини Ўзбекистондаги 35 корхона, Қозоғистондаги 32 корхона бажариб турибди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон Хиндистон миллий экономикаси равақида фақатгина иқтисодий ва техник ёрдам берибгина қолмай, қўшиқ давлатнинг саноат корхоналарида ишлайдиган кадрларни тайёрлашда ҳам яқиндан қўмаклашмоқда. Жумладан, Ранчидаги оғир машинасозлик заводида ишлаётган 80 мутахассис Олмаотада таълим олган. Кейинги 15 йил ичида 170 мутахассис турли ихтисослар бўйича Ўзбекистон олий ўқув юрталарида малака орттирди. Бизнинг мамлакатимиз Хиндистон билан иқтисодий ҳамкорлик қилар экан, Хиндистонга нисбатан ҳеч қандай сиёсий ва иқтисодий шартлар қўймайди. Совет Иттифоқи Хиндистон миллий экономикаси равақи йўлида ёрдам бера бориб, ленинча ташқи сиёсат принциплари қатъий амал қилади.

Совет Иттифоқи Хиндистонга фақат металлургия соҳасидагина ёрдам бериб қолмасдан, машинасозлик, ускунасозлик, электр қуввати, нефть ва газ, медицина, самолётсозлик, кема-созлик саноатларини юксалтириш соҳасида ҳам жуда катта ёрдам беришмоқда. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган ГЭС ва ТЭЦлар бутун Хиндистонда етиштирилаётган электр энергиянинг 21 процентини, СССРнинг ёрдами билан қидириб топилган нефть ва газ конлари бутун мамлакатда етиштирилаётган нефтнинг 52 процентини ташкил этади. Хиндистон нефть саноати ҳақида гап борар экан, Гужарат штатидаги нефть конларининг бош инженери Толлос жанобларининг фикрини келтириб ўтиш жоиздир. «Бундан миңг йилча аввал сизнинг ватандошингиз Беруний ўзининг Хиндистонга қилган кўп йиллик сафари пайтида унинг иқтисодий, географик ва савдо йўллари махсус харитасини тўзган ва шу билан бирга ҳозирги Камбей, Бхавнагар, Аҳмадобод районларида нефть борлигига ишора қилган, бироқ миңг йиллар давомида бу ерлардаги нефть конларига турли сабабларга кўра ҳеч ким эътибор бермади. Ниҳоят Берунийнинг бугунги авлодлари, сизнинг ватандошларингиз, совет нефтчилари мана шу кўриб турганингиз нефть кудуқларини қидириб топиш ва ишга туширишда Хиндистон нефтчиларига маддадор бўлдилар, ўларнинг бобоқанларига ўрта асрлардаёқ геология фанини яхши билган Берунийнинг бундан миңг йил аввалги фикрлари нечоғлик аниқ эънақлигини исботладилари, дейди жаноб Толлос.

СССР ёрдами билан қурилган корхоналар жойлашган районларда ерли халқларнинг кундалик турмуш шартлари, маданий савиялари кескин юксалмоқда. Хиндистоннинг миллий экономикасини мустақамлаш, мамлакатда ишсизликни туғатиш борасида Бош министр Индира Ганди отаси Жаҳоирлал Неру тўтган ташқи сиёсатини, яъни Совет Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик сиёсатини оғишмай амалга оширмоқда. Яқинда мамлакат миллий экономикасини юксалтириш мақсадида ҳукумат яна бир қанча тadbирларни амалга оширди. Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича Хиндистон парламенти махсус қарор қабул қилди.

Мамлакат миллий экономикасини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлар беқис даражада катта бўлиб, буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи ва Хиндистон ҳукуматлари имзолаган иқтисодий шартномаларнинг мевасидир.

Мухтор ШОПСАНОВ,

Хиндистондаги совет элчихонаси ҳузуридаги Ўзаро иқтисодий ёрдам комитетининг иқтисодчиси

Деҳли — Тошкент

# ТУТАШ ДИЛЛАР ТАРОНАСИ

Ҳиндистон ва совет халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари жуда қадим тарихга ва бой анъанага эга. Жумладан, ўзбек ва ҳинд халқларининг маданий, адабий муносабатлари тарихида ҳам ажойиб воқеалар, хайрли муштаракликлар мавжуд.

Асл ҳинд китоби «Калила ва Димна»нинг ўзбек тилига бир неча бор таржима этилгани ва шуҳрат топгани, улуғ ватандошимиз Абурайҳон Берунийнинг XI асрдаёқ ҳиндлар ҳаёти ва маданиятини чуқур ўрганиб, шарҳ ва ғарб адабиётида мислсиз асар — «Ҳиндистон» китобини яратганлиги бу ҳамкорлининг ёрқин исботидир.

Биз диққатингизни биргина нарсга тортмоқчимиз. Бу — адабиётимиздаги ҳамкорлик ва муштараклик.

Ҳиндистонда форс тилидаги адабиётни ривожлантирган ва урду адабиётига асос солган забардаст шоирлар бизнинг ватандошларимиз эканлиги бу тарихнинг саодатли ва файзли саҳифаларини ташкил қилади. Улуғ Алишеримиз «Ҳинд сеҳргари» деб атаган Амир Хисрав Деҳлавий (1253—1325), аёллар бахти учун курашган дилбар назмлар соҳибаси Зебуннисо (1639—1702), «Маънолар отаси» лақабини олган файласуф шоир Мирзо Абдулқодир Бедил (1644—1721), Амир Хисравдан сўнг урду шеърятини юксак даражага кўтарган Мирзо Асадулло Ғолиб (1797—1869) каби ҳинд классик шоирларининг ота-боболари Самарқанд, Кеш (Шахрисабз) сингари шаҳарларимиздан чиққан ва Урта Осиёнинг туркий қабилаларига мансуб бўлганлар. Биз бу билан фахрланамиз.

Куйида мазкур шоирлар иқидидан намуналар бердик.

## Хисрав ДЕҲЛАВИЙ

\* \* \*

Деҳлавийга мутриб айтибдирики: «Эй сўз кони, айт, Илми мусиқий эмасми шеърятдан яхшироқ!  
Чунки у диққат ила келмас қаламга ҳеч маҳал,  
Бу эса қоғоз билан дафтарга тушгандир бироқ».  
Мен жавоб бердим,— Ҳар икки илмда мен баркамол,  
Иккисини тадқиқ этолдим, ақратолдим қора-оқ.  
Назимм уч дафтар қилибмен, бошла сен тахририни,  
Мусиқий илмин ҳам уч дафтар қилибмен, яхши боқ.  
Айтайин, ҳар иккисин фарқи бўлур — маъқул, дуруст,  
Ҳар билимдон боқса унга озгина инсофлироқ.  
Назм ҳам бир илмдирки, қондирур завқингки, бас,  
Унга на ҳофиз керакдир, на эшитмоққа қулоқ.  
Ҳар киши шеъримни лабда наст пичирлар, хўп раво,  
Бундан ўзгармайди шакли, маънисин бўлмас адоқ.  
Леқ, агар хонанда «хуп-хуп» ёки «хап-хап» айласа,  
Унда сўз бўлмас экан — у мағзи йўқ енгил қовоқ.  
Бошқаларсиз айта олмас битта сўз, айтмоқ эса,  
Товши зўр бўлган билан, бемаъни карнай, тумтароқ.  
Шундай эркан мутрибу хонанда муҳтож шеърга,  
Шеър дер эркан: суҳанпарварга муҳтож бесаноқ.  
Назмин сен бир келин бил, нағма унга бир безак,  
Бўлса хушрўй, зебу зийнатсиз ҳам у айбдин йироқ.

БЕДИЛ

## Рубоийлар

Молу дунё — йўлингга экилган тикан,  
Ундан четроқда тур эҳтиёт билан.  
Этакка ёпишиб, йиғилиб қолса,  
Териб ташламоқлик кўп заҳмат экан.

Бу чаманга кинининг тушибди йўли,  
Удир бу баҳордан уянд-орзули.  
Маънос дил билан ҳам шодмен ёдингда,  
Синиқ кўзунинг ҳам бордир ўнг-сўли.

Карам дастурхонинг ёйилган нафас  
Баҳлилик дилнингдан йироқ бўлса бас.  
Таъбингда бор эса инсоф жавҳари,  
Димоғингда бўлсин ҳасадмас, ҳавас.

Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди,  
Заридан бир табиб икссаси тўлди.  
Олтин сарф бўлиб кетганин билгач,  
Сихат толган чоқда қайтадан ўлди.



Мирзо Ғолибнинг асарлари матнидан ташкил топган бу портретни Ҳиндистон ёзувчилари Ўзбекистонлик қаламшарҳ дўстларига тақдим этганлар.

## Мирзо ҒОЛИБ

\* \* \*

Ғолибни ким десангиз, Турон турпоғиданман;  
Тағ-тахтин — донишманд инсон қучоғиданман.  
Туркзодаман, аждодим номусу ор эгаси,  
Туркий аждоддан битта нишон чироғиданман.  
Бобомлар қасбу кори — экин-тикин азалдан,  
Самарқанд ўлкасида деҳқон қароғиданман.  
Сўз маъносини сўрама, ўзинг айла азмойиш,  
Мен нима ҳам дегайман, баён булоғиданман.  
Файзи ҳаққа камина камтарин битта шогирд,  
Ақли қуллда зарраи тобон увоғиданман.  
Ярқирашда чақмоққа ҳамнафаслик қилурман,  
Карамда ёгин булут, осмон крмоғиданман.

## ЗЕБУННИСО

\* \* \*

Жунун савдосида машқим барим маҳкам тутар бир-бир,  
Камолим иллари бўлмиш аёғим боғлаган занжир.

Дилим кўксим аро бир қатра қон эрдик сув бўлди,  
Фақат ёр ҳиммати бу кори-боримга бўлур тадбир.

Хабар бер шодлик арбобига биздан, собо бодди,  
Дегил: «Кўз ёшимиз бу Ҳинд ерини айламыш Кашмир»<sup>1</sup>.

Бу даврон офият умри жуда қисқа эканин кўр,  
Фироқи ичра ёшларинг юзи сўлгин, мисоли пир.

Этиб тун бўйи афғон-нолалар, ўйқу ҳаром ўлди,  
Менинг ёнимда ўлтирган кишилар ҳам бўлиб дилгир.

Қиёматга қадар роҳатин асло қилмасинлар ёд,  
Агар кимни бешимдан дарди гурбат айламыш дастгир.

Форсчадан Ш. ШОМУҲАМЕДОВ таржималари

<sup>1</sup> Кашмир шол рўмолларининг рангига ишора.



арқара юриб, Ташкентнинг чеккасига қилинганга билан пойтахтнинг ўраб олган айланма йўлга тўхтасиз. Катта трактнинг бу бетига шаҳар тугайди. Нариги бети — олмазор, боғлар, сўнгра, кенг, нишаб майдонда ойналари қуёш нурда ял-ял ёниб ётган иссиқхона — парник хўжаликлари келади. Бу — Оржоникидзе районигаги Ленин номили сазавотчилик колхозига қарашли ҳазинадир.

Уттиничи йилларда шаҳар биқинидаги бу жойлар Горбунов номи билан аталади. Колхозни ўша пайтдаги Ўзбекистон Касаба союзлари Советининг раиси Я. Г. Горбунов оталиққа олган эди. Колхозчилар ўз хўжалиқларининг оёққа босиб кетишига яқиндан қўмақлашган шу киши ҳурматига колхоз номини ҳам Горбунов деб аташган эди.

Горбунов бу хўжалиққа ҳақиқатан астойдил оталиқ қилган. Унинг энг катта ёрдами колхозда иссиқхона — парник хўжалигини барпо этишда кўринди. Шаҳар аҳолисига сазавот-полиэ маҳсулотлари етказиб берадиган бу колхозни иқтисодий бакуват хўжалиққа айлантиришда Горбуновнинг кўп амалий ёрдами теккан. Унинг фикрича, бунга эришиш йўлларидан бири — эрта пишадиган сазавот етиштириш эди. Чунки, бу нав сазавот колхозга катта даромад келтиради.

Горбунов дўсти, агроном Денис Журбани шу колхозга агрономлиққа тавсия қилди. Журба ишчи парник хўжалигини бунёд этишдан бошлади. Шу тариқа, Урта Осиёда тўнғич ва йirik парник хўжалиғи ташкил топди.

Хўжалиқнинг биринчи бошлиғи Камолитдин Ойхўжаев эди. Уни агроном Журба шоғирликка олиб, парникда сазавот кўчатлари етиштириш сирларини ўргатди. (Камолитдин ака, улуг ўшига қарамай, ҳозир ҳам парник хўжалиғида ишлабди. У «Хурмат Белгиси» ордени, бир қанча медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиғи билан мукофотланган).

парник хўжалиғида ишлаб келган. У махсус агрономлик таълимини олган бўлмасда-да, аммо ўз ишнинг ихлосманди, билиждони, парник хўжалиғидаги тажрибали селекционерлар ва Камолитдин ака каби миришкорлар тарбиясида тажрибадор деҳқон бўлиб етишди. У бошчилиқ қилган йилларда парник ва иссиқхона хўжалиғи колхознинг катта даромад манбаига айланди.

Зайниддин Фахриддиновнинг цитрус мевалари етиштириш соҳасидаги ишлари аниққа диққатга сазовор. Ўзбекистоннинг иқлим ва тупроқ шароитига мос цитрус мевалари навларини яратиш соҳасидаги хизматлари учун унга 1967 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилган.

Цитрус дарахтлари фақат иссиқ иқлим шароитида мева беради. Қадимги китобларда цитрус меваларини «куёш мевалари» деб атаганлар. Шарқ шоирлари аълисинини «тўффаҳхум аз-заҳоб», яъни «олтин олма» деб таърифлаганлар.

Совет Иттифоқида цитрус дарахтлари асосан Грузиянинг субтропик районларида, Қора денгиз бўйларида, Кубанда, Украинанинг жануб томонларида, Тожикистон ва Туркманистон ерларида ўстирилади. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам цитрус ўсимлиқларини ойнаванд иссиқхоналарда ўстиришга ўтилди. Хандақлардан иссиқхоналарга кўчирилган ўсимлиқлар ёруғлик ва ҳавога қониб, қайтадан жонланди ва ҳосилга кирди. Иссиқхоналарда цитрус мевалари етиштириш ҳатто сазавот етиштиришдан ҳам қулай ва фойдалироқ эканлиги аниқ бўлиб қолди. Бир иссиқхона бўлимининг ўзида айна вақтда 50—60 туп лимон ўстириш мумкин. Ҳар туп лимон дарахта 150—200 дона мева тугади. Демак, бир иссиқхона бўлиминдан 7.500 дан 10.000 донагача лимон олинади. Олдин ҳисоб-китобнинг ўзиёқ иссиқхонада лимон етказишининг фойдали эканлигини аққол кўрсатади. Шу билан бирга иссиқхонадаги лимон туллари орасига ва деворлар тагига гул ва сазавот ниҳоллари экилган туваклар жойлаштирилади. Ҳар бир иссиқхона бўлимига жойлаш-

Владимир Ильич Лениннинг юз йиллиги муносабати билан, «Юбилей» нави деб номланди. «Юбилей» навини яратиш учун лимоннинг янги грузин декоратив турлари билан кам ҳосилли, юққа пўстли янги Афонский навлари қатиштирилди. Бу иккала нав Ўзбекистон шароитида кам ҳосил беради. Янги нав эса, бир йилда ҳосилга кириб, мўл-кўл мева беради. Пўсти қалин. Таркибидаги кислота «Тошкент» навиникига нисбатан икки баравар кўп.

Зайниддин Фахриддинов яратган икки навини селекциясида қизқч бир усул қўлланди. Маълумки, ҳосилдорлиқни оширишнинг муҳим тadbирларидан бири — яхши чанглатишдир. Агроном лимон гулларини чанглашда лимон ва тарвуз гулларининг ўзашлигини ҳисобга олди. Лимон иссиқхоналари ёнига тарвуз экилди. Тарвуз гулининг оталиқ уруғи билан лимон гуллари қўлда чанглаб кўрилди. Бу кутилганидан ҳам зийед натижа берди: лимон мевалари йirik ва мазали бўлиб чиқди.

Ҳозир иссиқхонада лимондан ташқари апельсин, мандарин, банан кўчатлари ҳам яхши ҳосил бермоқда. Колхоз иссиқхонасининг цитрус маҳсулотларидан Тошкент аҳолиси баҳраманд. Колхоз ҳозир Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам маҳсулот жўнатаётир.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, Ленин ордени деҳқон Зайниддин Фахриддиновнинг номи ўзи яратган янги лимон навлари тўфайли катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Унинг номига Иттифоқимизнинг турли томонларида деярли ҳар кун иш халқари келиб туради. Олис мамлакатлардан келган сайёҳлар З. Фахриддинов хизматларини юксак баҳолаб, колхоз ёднома дафтарига ялик сўзларни ёзиб қолдирганлар.

ПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «Ёднома»га қуйидаги сўзларни ёзган: «В. И. Ленин номили колхознинг шону шўҳ-

# ОЛТИН ОЛМАЛАР

1932 йилда парник хўжалиғи қошида иссиқхона ҳам қурилди. Парникда далада экиш учун кўчатлар етиштирилса, иссиқхонанинг ўзида ҳосил олинади. Иссиқхона дастлаб ўтин ёқилиб махсус гишт қувурлар орқали иситилган. Фақат помидор кўчатлари экилган.

Эллингичи йилларнинг ўрталарига келиб йirik хўжалиққа айланган В. И. Ленин номидаги колхозда ҳар бирининг сатхи 330 квадрат метрдан бўлган учта иссиқхона бўлими қурилди. Кўп ўлмай хўжалиққа зангори олов — газ келди. Колхоз ўтин-қўмир, ёқилги ташш ташвишларидан ва катта чиқимдан қутулди. Иссиқхона майдонлари эса тобора кенгайди. 1967 йилга келиб республикада биринчи марта тажриба тариқасида, болғарча усулда янги иссиқхоналар қурилди. Бу усулда иссиқхоналарнинг ҳар бири ярим гектар жойни эгаллайди. Колхознинг парник хўжалиғи эндиликда 4 гектарга етди. 1970 йилга келиб сазавотнинг барча турларидан 5 миллион туп кўчат олинди. Колхоз катта комбинатга айланди.

Колхоз иссиқхонасига Грузиядан цитрус мева кўчатлари олиб келиб экилди. Дастлаб 2,5 метр чўқурликда қазилган ва усти қопланган махсус траншеяларда 200 туп лимон, 80 туп апельсин, 20 туп мандарин ўтказилган эди, лекин цитрус ўсимликлари хандақларда яхши ривожланмади. Куз ва қишнинг совуқ кунларида эса кўчатлар ҳалок бўла бошлади. Мана шу қийинчиликлар тўфайли, республиканинг бир қанча хўжалиқлари ўз майдонларида цитрус ўсимликлари етиштиришдан воз кечдилар. Лекин Ленин номидаги колхоз раҳбарлари ва парник хўжалиғининг ходимлари бу қийинчиликлар олдида тиз чўқмадилар. Хўжалиқдаги иссиқхоналарнинг шароити, жиҳозлари борган сари такомиллашди. Траншеялар ўрнига ойнаванд иссиқхона ва парник бинолари қурилди. Бундай биноларнинг ички майдони янада кенг бўлиб, кўпроқ кўчат ўстириш имкони тугилди. Колаверса, ойнаванд иссиқхоналарда ўсимлик ҳаво ва қуёш нуридан мўл-кўл баҳраманд бўлди.

Колхоз парник ва иссиқхона хўжалиғининг ривожланишида унинг ҳозирги бошлиғи Зайниддин Фахриддиновнинг хизмати катта. Зайниддин Фахриддинов шу колхозда унинг-ўсган. Болалигидан

тирилган туваклардан 4000—5000 гул ва эртаги сазавот ниҳоллари олинади.

Грузиядан келтирилган навлар Ўзбекистон иқлимига мослашмаган пайтларда мева доналари майда ва нордон бўлди. Зайниддин Фахриддинов ўз олдида цитрус ўсимлиқларини республикамиз иқлимига ва тупроқ шароитига мослаштириш ҳамда йirik, мазали лимон навлари яратиш вазифасини қўйди.

Тажрибали селекционернинг бу соҳадаги ҳаракатлари ажойиб самаралар берди — у лимоннинг «Тошкент» навини яратди. «Тошкент» лимони парваршида қўлланиладиган агротехник тadbирлари жиҳатидан «Мейер» навиға яқин туради. Лекин бу икки навининг жуदा катта фарқлари ҳам бор. «Мейер» нави кийғос гуллайди, лекин ҳамма гуллари мева тугмайди. «Тошкент» эса кийғос гуллаб, барча гуллари мева тугади. Бундан ташқари, маҳаллий шароитга бошқа лимон навларига нисбатан кўпроқ мос келади. «Тошкент» лимони ҳар қил касалликларга бепсандлиги билан ҳам ажралиб туради.

«Тошкент» лимонини «конвейер нави» деб аташ ҳам мумкин. Ундан йил бўйи ҳосил олинади. Бир шохи гулласа, иккинчисида кўм-кўк гўралар пайдо бўлади. Бу пайтда унинг учинчи бир шохидаги мевалар етила бошлайди. Йилнинг ҳамма фаслларида лимон шохларида мевалар яшнаб турганини кўрамиз. Бу нав лимон донасининг вазни 500—700 граммга етади. Дарахтда ҳосил қўлда кўп бўлса, ҳар бир лимоннинг оғирлиги 200—300 граммгача бўлади.

Зайниддин Фахриддиновнинг хизматлари фақат янги нав яратиш билан чекланмайди. У ана шу янги навини парварши қилишининг агротехник усулларини ҳам ишлаб чиқди. Чунончи, лимонни озиклантириш учун селитрадан фойдаланишни рад қилди. Селитра солинса, лимон тез ўсади, лекин мева қилмайди. Шундай қилиб, ўғитнинг шу хилини бошқиси билан алмаштириш лозим эди. Халқ агрономи бундан ҳам, лимон дарахтининг зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилишининг антиқа дорисини ҳам топди...

Ленин номидаги колхоз иссиқхонасига Зайниддин Фахриддинов кашф этган яна бир лимон нави «Ф-2» деб аталади. Бу нав 1970 йилда,

ратни, жону дили, давлати ва бойлиғи, мағлубияти билмай, зафардан зафарга борши — ҳамма-ҳаммаси азамат ва меҳнатсевар колхозчиларнинг баракали меҳнатидандир. Колхознинг соқиб раиси, унутилмас ва сира ўлмас Туроб ака ҳалол ва фидокорона меҳнати билан, ажойиб таланти, қобилияти билан, ноёб ақли ва билими билан танилди, колхознинг шўхратини оламга ёйди.

Худди шунингдек, ижодкор деҳқон, ақли расо агроном Зайниддин Фахриддинов ҳам республикамизда энг сеvimли киши бўлиб етишди.

У партия раҳбарлиғида, Ленин номидаги колхознинг активлари ёрдамида субтропик мевалар етиштиришда янги мактаб яратди. Энди бу мактаб Ўзбекистон шароитида ҳам субтропик мевалар етиштириш имкониятини очди.

Янги селекция қонун-қоидаларини яратди.

Энди бу мактабнинг илғор мичуринчи тажрибалари Самарқандда ҳам, Фарғонада ҳам, Сирдарёда ҳам, Хоразмда ҳам қўн ва ҳавас билан қўлланилмоқда ва ўрганилмоқда.

Шундай қилиб, Зайниддин Фахриддинов мактабининг ижодкор шоғирлари тўфайли энди республикамиз олма, анор, узум, уноби, ўрик ва беҳилар қони бўлибгина қолмай, шу билан бирга, ширин-шакар субтропик меваларнинг ҳам қониға айланажак.

Авалги йили иссиқхона хўжалиғи колхозга 109.000 сўм соф даромад келтирди. Бу йил парник хўжалиғи ва иссиқхона комбинати даромаднинг янада ошириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Тўққизинчи беш йилки мобайнида яна янги иссиқхоналар барпо этилади. Хуллас, яқин йилларда колхоз иссиқхона майдонлари 20 гектарга етказилади. Демак, халқимиз дастурхони цитрус меваларига янада тўкин бўлади.

Михил САФАРОВ

Суратда: селекционер Зайниддин Фахриддинов. А. АБАЛЯН фотоси

Пахта байрами кунларда от спорти мусобақаларининг намоиши қилиниши бизда анъана бўлиб қолди. Энг кейинги байрамда намоиши байроқдори — «Учқур» лақабли қорабайирида қорачадан келган қиз ўтди. Минглаб от спорти шинавандалари мана шу қорабайирни эгарлаган қизни табриклашди. Кекса чавандозларнинг «Умирингдан барака топ, қизим!» деган хитобини бир неча бор эшитдик. Ҳар галгидай чавандозлар намоишидан кейин мусобақалар бошланди. Ҳозиргина намоишида байроқ кўтариб ўтган Анорхон Насимова ўз маҳоратини кўрсатди. У баланд-пазат тўсиқлар, говлар оша ўтиб, кейин «Қиз қувди», «Дуррачани ол» каби миллий спорт уйинларида голиб чиқди.

Ҳар йили пахта байрамидан ипподромни тўлдириб ўтирган шинавандалар бу чавандоз қизнинг чиқишини муштоқ бўлиб кутадилар. У ўзи тарбиялаган қорабайирни измига солиб, томошабинлари маҳлиё этади. Анорхоннинг от устида бажарган эпчил, нозик ҳаракатлари олқишга сазовор бўлади. Матонатли қиз ҳақида кекса чавандозлардан эшитинг:

— Ота-боболаримиз чавандоз ўтган, — дейди ююриччилик чавандоз Файзулла Турсунбоев.

— Биз отни фақат улоқча солардик, холос. Бу қазажон қизнинг от устидаги ҳаракатлари ақл бовар қилмайди. Унинг оти гапни тушунадими, шунисига ҳайронмиз. Тулпори рақсга тушади, тўсиқлардан сарқаб ўтади, спорт уйинларида қатнашади.

Файзулла аканинг ҳайроҳлари Эриниш Қалдамбеков, Қолди Суяров ҳам унинг гапни маъзуллаб баш силкишди. Чавандоз Анорхон Насимова аргумо оти билан шаҳар, область ва республикалараро мусобақаларда голибликни кўздан бермай келмоқда.

Анорхон чавандозлигини ҳава қилганда, эндигина ўн олти ёшга тўлган эди. СССР спорт мастери Виктор Петрович Угрюмовнинг раҳбарлигида ил марта уазагига оёқ кўйдди. У тулпорни ўз хуниига солгунча кўпгина машаққат ва кувончларни бошидан кечирди.

— Мени чавандозликка мафтун қилган онам бўлди, — дейди Анорхон. — У ўзи иштирон этаётган кинофильмда отда юриши керак эди. Онамнинг машини кўриб, мен ҳам чавандоз бўлиш орзусини кўнглимга тугдим. Хатти-ҳаракатим, устозларимнинг ердани билан орзумга эришдим. Ҳозир республика миёсидаги мусобақаларга тайёргарлик кўраётиман. Унга дугоналарим ҳам қатнашсин, деб ДОСААФнинг Тошкент шаҳар клубида чавандозликка ҳавас кўйган бир қанча ёш қизларга от спорти сирларини ўргатмоқдаман.

Спортнинг бу тури ҳар бир кишидан енгил атлетика, теннис, сузтиш, велосипед, шунингдек бошқа спорт турлари билан чиникини талаб этади. Ҳали Анорхон Насимова учур отида спорт иштиболларини лол қолдирадиган кўп моҳирона машқларни бажаради. Бунга ишончимиз комил.

Р. ИСХОҚОВ

Суратда: Анорхон Насимова ўзининг учур отида.

Г. ГРАФКИН фотоси



Борис ПАРМУЗИН

## ДЎСТАЛИК ЙЎЛЛАРИДА

### Меҳрибон одам

Бозорга кираверишда тор, чанг кўчалар бошланади. Деворга суяниб ўтирган қариялар «мудрамоқда». Баъзилари эринчоқлик билан кат баргини кавшайди, баъзилари уйқуга кетган.

Кат — радди бало. Бошига кулфат тушган, оч, муҳтож одамлар шундан нажот излайдилар. Кат Яманинг тоғли районларида ўсади. Барги қайин япрогига ўхшаш, таркибида турли алкалоидлар бор.

Қандай тушлар кўришар экан бу бемадор одамлар? Бошни гангилади-ган кат шарбати бирон равшан йў, хушчақчақ кайғидай бахш этармикан?

Зиёд Амир лабини қимтиб қарияларни кузатади. Кейин ўйчан сўзлайди:

— Мана шундай мудраган менинг Яманим... Аслардан бўён мудроқ. Тор кўчада ҳаво дим эди. Нарироқда бозор, унда иссиқдан эриб оққан ҳола, манго шираларига пашша ёпирилган.

— Кетдик... — дейди Зиёд Амир. У меҳмонларни бундай пасткам кўчаларга бошлаганидан хафа шекилли. — Кетдик.

У автомеханик, Киевда ўқиган. Ҳали жуда ёш, йигирмага ҳам кирмаган.

У йўл-йўлакай яна тушунтиради: — Кат аслида жуда зарарли. Асаб, ошқозон касалликлари шундан. Аммо бу дардларга бизда ҳеч ким эътибор бермаган. Чунки бундан кўра даҳшатлироқ дардлар бор эди. Энди... Юринглар, мен сизларга кўрсатай... — Зиёд Амир гоҳо ёш болага ўхшаб кетади. Янги кинотеатрни кўрсатиб қувонади. Бу унинг учун бир байрам. Чунки Яманда биринчи кинотеатр энди очилган.

Мамлакатда фанний китоб, оддий газета ҳам чиқмас экан. Полиция идорасида айбдорларга кишан солишар, хўжайиннинг, ёки бир имомнинг сўзи суд ҳукмидек ижро этилар экан.

Энди эса... Мана Худайдо шахри. Бир неча йил ичда гўзал пойтахтга айлиниб қолди. Совет Иттифоқи ердани билан бу ерда биринчи денгиз порти барпо этилди.

Кенг кўчалардан бирида ёнгинамиздан ўтаётган «Тез ердам» машиниси дафъатан тўхтади. Оқ халат кийган врач биз томон югурди, у саломлашишни ҳам унутиб, кетма-кет савол ёғдира бошлади:

— Тошкент қалай? Теплоходингиз қачон жўнайдик? — Жавоб куттиш ўрнига бирдан уэр сўраб қолди: — Шо-

шилиңч қақирқ бор... Портга чиқаман, кузатгани... Тоғли районда оғир касал бор экан. Икки йилдан бери уйга қайтганим йўқ... — у жўнаб қолди.

Машина жўнагандан кейин эсимизга келди — танишамизми ҳам.

— Сиз уни танийсизми? — деб сўрадик Зиёд Амирдан.

— О, уни ҳамма танийди!

— Оти нима?

— Меҳрибон одам! Ҳамма шундай деб атайди. Оти шунча.

### Таниш ташвиш

Ўзбек пахтакорларидан бир неча киши «Пахта дарахтини томоша қилмоқдалар. Дарахнинг ҳосили — узунчоқ кўсақлар етилиб қолибди: Африкалик йигит меҳмонларнинг қизиқишини кўриб, дарахтин силкиб, бир неча кўсанки этагига териб олади.

Бўқалик раис Ислом ака бу кулранг толалардан нималар тўқилишини суриштиради. Улар бир-бирларининг гапларини таржимонсиз тушунадилар. Йигит атоқли пахтакорларни ҳўжрага таклиф қилади. Торғима ҳўжранинг бир бурчагида тўкув дастгоҳи турибди. Ўтмиш мероси.

Занзибар оролининг аҳолиси мустамакчиларни қувди. Қашшоқлик ва қоқоқликда яшаб келган бу гўзал ўлкага янги техника, янги ҳаёт янги маданият қандай ярашар эди! Табиат дунгираб ётибди. Қокос дарахтлари осмонга интилади, қакоқ плантациялари уфққача ястанган. Лекин ҳали ёғоч омоқ, ибтидоий дастгоҳлар...

— Машина керак, — дейди Ислом ака раисларга хос ташвиш билан. — Жуда ҳам керак!

Африка сафаридан қайтаётиб Ислом ака Занзибар ерларини қайта-қайта эслади.

Денгизлар, океанлар орқада қолди. Ниҳоят тонг туманида қадрдон шаҳар чироқлари кўзга ташланди.

— Одесса! — Ислом ака бу қаҳрамон шаҳар отини аста шивирлаб, яна такоррлаб қўйди.

Дарвор пайқадимки, унинг ҳаётида кўп муҳим воқеалар шу шаҳар билан боғлиқ.

— Ҳа... Йиллар ўтаверар экан... Жанг қилган кўчаларимни яна бир кўриб кетай, — деди у.

Кейин мен уни Бўқада учратдим. Узоқ Занзибарни эсладик. Раис Танзанийнинг Занзибар оролидаги кооперативлар ҳақида гапириб қолди.

— Москвада занзибарлик йигитлар ўқишгаётган экан. Тезроқ битириб қайтишса эди...

У узоқдаги яшил орол плантациялари ҳақида худди ўз колхозининг пахтазорлари ҳақида гапиргандек, қайғуриб, ташвиш билан гапирар эди.

### Қўқонда билдим...

Хоса хафагарчилики билмасе керак. Доим жилмайиб гапирари. Унинг жилмайиши бўлақча. Тишлари садафдек йилтирайди, кўзларида учкун порлайди...

— Иссиқми? — деб сўрайди у.

— Жуда...

— Ўзбекистонда ҳам иссиқ.

— Бу ер димрок.

— Ҳа, денгиз...

Хосенинг русчаси жуда ширин; келшиклари келиштирилмасе ҳам, лўнда-лўнда гапирари. Биз қизган тош устида ўтирардик, ёнгинада қизган бульдозер, офтоб тиккада.

— Тошларни териб оламиз. Ер керак. Қамиш экамит.

Куба килига 10 миллион тонна шакар етиштиради. Бу ҳосилни яна ҳам ошириш мумкин. Мана Хосе тозаллаган ерларнинг ўзи ҳам уфққача қорайиб ётибди. Ҳозир бу ерлар ҳам биринчи марта шакар қамиш экалади.

Бу ерда Хосе ва унинг деярли барча тенгдошлари Плайя Хирон қаҳрамонлари. Шунинг учун одатдаги савол тилга кела қолади:

— Қаҳрамонликларингиздан гапирсангиз.

— Қаҳрамонлик! — Доим жилмайиб гапираридаган Хосе бу гақ қаҳақ уриб юурди. — Қаҳрамонлиги нимаки? Граната отганим, иккита танк ёнган. Авалл ўзим ҳам керилиб, қаҳрамон эканман, деб юурдим.

— Ҳўй!

— Бекор гап экан. Биз шунчаки жанг қилганимиз. Қўқонга борганимиз да тушундим. Механизация мактабидан бизга бир кекса одам дарс берарди. Бир қўли, бир оёги йўқ. Ўтти икки танки янчибди. Фақат бир марта, Галаба кўни кўрдим: кўкси тўла орден!

— Уксиманг, мана бу ҳам қаҳрамонлик, — дедим тошдан тозаланиб, сурмадай қорайиб ётган ерларни кўрсатиб. Хосе яна тишларини йилтиратиб жилмайди.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Шундай.

— Раҳмат, — дея у мени кучоқлаб олди.

Узоқда Плайя Хирон тепаликлари жимжит, ердан енгил ҳовур кўтарилар эди.

# «ТОПИЛМАС МУШКИЛЕ...»



## АЛИШЕР НАВОЙЙ УТОПИЯСИ

**А**лишер Навоий бутун ҳаётини инсоннинг бахт-саодати учун бағишлади. Зулму зўрликни қоралади, инсоф ва адолатнинг барқарор бўлишини истади. Золим ва адолатсиз подшоҳларни, амир ва амалдорларни, худбин ва мунофиқ руҳонийларни танқид қилди, халқни ҳамжиҳат, иноқ бўлишга қақирди, юрт осойишталиги, ободонлиги учун курашди.

Урта асрда яшаган шoir ўзининг эзгу ниятларини адолатли подшо раҳбарлигида марказлашган давлат ҳокимияти орқали амалга ошириш мумкин, деб ўйлар ва шунга интилар эди. Бу ўрта асрдаги кўпчилик мутафаккирларга хос қараш эди.

Лекин буюк мутафаккирларнинг орзу-ниятлари адолатли подшо гоёси доирасидан чиқиб, ўзига хос ижтимоий идеалга айланди. Бу гуманистлар ўз ижтимоий идеалларини турли шаклда ифодалади, бахт ўлкаси, бахтиёрлар дивёри ҳақида ҳаёт сурдилар. Бундай утопия турли халқлар тарихи ва турли даврларда ўзига хос моҳиятга эга бўлган. Бироқ инсонпарварлик, инсоннинг бахт-саодатини орзу қилиш уларнинг барчаси учун деярли муштарак хусусиятидир.

Ижтимоий идеал утопияси Яқин ва Урта Шарқ халқлари тафаккур тарихида салмоқли ўрин эгаллайди. Бунинг қуртакларини, жумладан, энг қадимги ёдгорликлардан бўлмиш «Авесто»да, ундаги Ахурамазда (Хурмузд), Зардушт, Қюмарс, Йима (Жамшид) ҳақидаги миф ва мадҳияларда, турли гот—қўшиқларда кўриш мумкин. «Авесто»да, жумладан, Йима даври таърифида бундай дейилган:

Қудратли ҳукмрон Йима даврида  
На изгирни, на гармсел, на офат бўлар эди.  
На қармоқ бор эдию на ўлмоқ унда  
На девлар туғдирган рашку ҳасадлар.

Меҳнаткаш халқнинг золимларга қарши кураши, тинчлик ва фаровонликка интилиши ижтимоий фалсафий тафаккурнинг, бахт ҳақидаги утопиянинг тараққиётига замин бўлди, унга актив таъсир этди. Маздакчилар, ахийлар, сарбадорлар каби машҳур халқ ҳаракатлари шундай моҳиятга эга бўлган. У асрда вужудга келган Маздак бошчилигидаги халқ ҳаракати феодал мулкчилигига қарши жамоа мулкчилиги учун кураш шiorини байроқ қилиб олган бўлса, Озарбайжон, Эрон ва Олд Шарқнинг бошқа ўлкаларида кенг қанот ёйган ахийлар ҳаракати ҳам феодализмга қарши қаратилиб, тенглик, биродарлик ғоясини илгари сурган эди. «Ахий» сўзининг ўзи ҳам қардош, биродар мазмунида бўлиб, ҳаракатининг моҳиятини яхши ифодаляйди. XI—XII асрларда пайдо бўлган бу ҳаракат XIV асрда ҳам давом этган. 1325—1332 йилларда Кичик Осиёга савҳат қилган араб сайёҳи Ибн Батута ахийлар ҳақида бундай деган эди:

«...Жаҳонда ғариб ва маскансиз кишиларга булардек ғамхўр, очларни тўқидирган, жабрининг олдини олган, золим саркардорларини ўлдиршига шай турган мардорлар топиш қийиндир.

Ахий уй солади, уни жамъи керак нарсалар, чироғ ва бошқа нарсалар билан жиҳозляйди. Унинг одамлари кундузи ишлаб озик-овқат топадилар. Кечкурун топганларини ахийнинг олдига олиб келадилар, мева, озик-овқат ва рўзгорга нимаики керак бўлса, сотиб оладилар. Агар ша-

ҳарга бир ғариб келиб қолса, унга жой берадилар, тўқидирадилар. У киши жўнаб кетишига қадар ўша ерда яшайди... Мен дунёда буларчалик яхши ишлар қиладиган одамларни кўрмадим...».

Чингизхон истибдодига қарши кураш заминини да туғилган сарбадорлар ҳаракати ҳам мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартириш, феодалларнинг мол-мулкнинг тортиб олиб, меҳнаткашларга бўлиб бериш, халқ манфаати ва иродасини ифодаловчи давлат тузиш учун курашар эди. Бу ҳаракатнинг жанговар руҳини «сарбадор» («бошимизни дорга тикдик») иборасининг ўзи ҳам яхши ифодаляйди. Бир вақт Ҳалоқулур хонадонидан бўлган Тўғой Темурхон сарбадорларнинг раҳбари Хожа Яхёга таслим бўлишни талаб қилиб хат йўллаганда, Хожа Яхё тубандагича деди жавоб қайтарган экан:

Гардан чаро ниҳем жафон замонаро?  
Рози чаро шавем ба ҳар қори мухтасар?  
Дарёу кўхро бизгоруему бизгарем,  
Симургвор зери пар орем хушқу тар.  
Е бо мурод ба сари гардун ниҳем пой,  
Е мардвор дар сари ҳиммат кунем сар.

Таржимаси: Замонанинг жафосига нега бўйин эгяйлик! Ҳар бир паст ишга нега рози бўларар эканми?! Дарё ва тоғлардан ошиб ўтиб, орда қолдирамиз, семурт каби бутун ҳўлу қуруқни қанотимиз остига оламиз. Е муродимизга етиб, оламга устунлигимизни ўрнатамиз, Е бўлмаса ҳиммат йўлида мардона бошимизни кўйи соламиз, яъни дорга тутиб берамиз.

Сарбадорлар ғариб Хуросонда ўз давлатларини ҳам барпо этган эдилар. Поштахти Сабзавор шаҳри бўлган бу давлат 43 йил яшаб, 1481 йилда Турк давлатига қўшилиб кетди. Сарбадорлар ҳаракати феодал тузумни йўқотиб юборолмаган бўлса-да (бу мумкин ҳам эмас эди), лекин у феодал истибдодига қарши қаратилган энг жанговар, демократик ҳаракатлардан бири эди. Бу ҳаракат прогрессив маданият, санъат ва адабиётда демократик мотивларнинг тараққиётига кучли ва самарали таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Сарбадорларнинг Ибн Ямин каби истеъдодли шiorлари ҳам еттишган.

Мана шу халқ ҳаракатлари, меҳнаткаш омманинг бахт-саодатга интилиши кўлгина Шарқ мутафаккирларида ижтимоий идеал утопиясини вужудга келтирди. Жумладан, улуг олим Абу Назр Форобийнинг «Идеал шаҳар аҳолиси фикрларининг асослари» асарида, Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома» ва Абдураҳмон Жомийнинг «Хиранома» ва Искандар» дostonларида ана шу утопияга доир фикрларни топамиз.

Низомийнинг «Искандарнома»да ҳикоя қилишчи, Искандар шимол томонга юриш қилиб,

## Тақриз

# ШЕЪР КЕНГЛИК-ЛА ҚОВУШАДИ...

**У**нинг ҳаётдан умидлари гоёт кўп эди. У чегаралар бехатар ва тинч бўлишидан, халқнинг ялпи саводхон бўлишидан, юксак маънода, ҳаюннинг илгор халқлари қаторида саводхон бўлишидан, дунёда барча ишчиларнинг гоним синф даражасига қўтарилишидан, юксак турмуш шароитига, кўз-қўлашга эришдиган маданиятга эга бўлишидан умидвор эди. Бундай чўққун манфаатдорлик халқнинг ҳамма асл фарзандларига хосдир. Шoir шундай манфаатдорлик тўфайли ўлмас асарлар яратди. Максуд Шайхзода ана шу манфаатдорликни юрак-юракдан ҳис этган бахтиёр одамлар тоифасидан эди.

Шайхзоданинг қизиқишлари ҳам, манфаатларидай, кенгарасиз эди. У Суматранинг қаҳва плантацияларида эзилган қашшоқ деҳқондан тортиб, Тошкентнинг шимолида эндигина туғилган, келажакга ўз кўлида бўлган гўдакнинг ҳаётига, рақамларнинг поэзиясидан тортиб, кўк чойнинг ўткир таъмигача қизиқар, шу қизи-

қишлари унинг шеъриятига кенг қўлоқ ёзиб кириб келар эди.

Шайхзода томир-томирига қадар ижтимоий фикр сингиган шoir. Шунинг учун ҳам олти томлик асарлар мажмуасининг икки илк жилдиди<sup>1</sup> ташкил этган назми орасида ижтимоийликдан холи бўлган бирорта шеърини топмиш амри маҳол. Шoir ижтимоий-эстетик категориялар билан фикрляйди. Ижодининг ибтидосидан интиқосигача шoir ўзи танлаган шу йўлгича содиқ қолади. Шайхзоданинг ўттинчи йиллар ижодига сўз билан лол этишга, образларни мардона кўлам билан беришга, ўта оригиналликка интилиш майли кўзга ташланади.

<sup>1</sup> М. Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Вининчи том. Шеърлар. Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1970. М. Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Ининчи том. Шеърлар, рубойлар, балладалар, поэмалар. Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1971.

Ўттинчи йиллардаги шеъриятимизнинг тилини синфий тўқнашишлар тили, деб атамик келади. Фафур Гулом, Ойбек, Уйғуи, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир сингари шoirларимиз нарсачодисаларини ўз асл номи билан атадилар. Улар шеърга синфий курашларнинг суроини олиб кирдилар. Янги тугилаётган ҳодисаларни янгича, қўлоқ ўрганмаган янги сўзлар ва иборалар билан тасвирлашдан чўчмадилар. Нимаики янгиликка гов бўлса, ёш ўзбек шoirлари ўша нарсача қарши ҳужумга ташландилар, кўкракларини янгилик ҳимояси учун қалқон қилдилар. Еш Шайхзода буржуазияни қўлоқлашлар уришда Фафур Гулом ёнида саббаста туради. У Фафур Гуломга жўр овоз бўлиб қўйляйди:

Биз дағал генералларнинг  
Ипакии эпoлетларини  
Отимизнинг ярасига  
Вoғляймиз.  
Унинг муҳдиш кишнашини  
Энди исроф қилмасдан  
Ванкир хoнимларини  
Ҳушсизлаш-чун  
Сақлаймиз!

Шайхзода кенг қамровли, ўмривдор образларга интилади. Унинг шеърларида синфий мурoсасизлик, ёвни бутуик янчиш ғояси янгилади. Янгирамчи йилларнинг охири ва ўттинчи йилларнинг ўрталарида ўзбек совет шеъриятида янги даврининг нафасини илғаш, давр эҳтиросини шеърга кўчирш майли кучли намоён бўлди. Эҳтирос, Нозим Ҳикматта

ўхшатиб айтадиган бўлсам, озода ҳаёт куришда, эҳтирос — коллективлаштиришда, эҳтирос — маданий инкилобда, эҳтирос — техникани қўлашда кўринади.

Созимнинг улари  
Ваҳор шабадаларидек ёқимли.  
Электр нурали каби соф...  
Денгиз тўқинилари қадар ўйноқ.  
Гудок товуши каби кучли!!—

Дек ёзган ёниқ овоз билан Уйғун 1928 йилда. Шoir созини шунчанки хоҳиш юзасидан электр нурига ўхшатаётгани йўқ. Бу ҳодисалар бизнинг шеъриятимизда мутлақо янги тушуначлар — ўзгарш нишонлари, романтик ҳодисалар каби қабул қилинади. Шайхзода бир шеърда паровозини полвоига ўхшатади. Паровоз дегадана у гайрат, матонатни кўз унига келтиради. Уни социализм қўдратининг равиш тарзида тасвирляйди. Бу паровозларнинг қадаמידан ер силкинишда, шу силкинишда янги одам туғилмоқда:

Куррамизни титратувчи оғир қадамлар,  
Уларданми туғилмоқда янги одамлар!  
Биз дунёнинг харитасин янгидан  
Худодардан воз нечдик!—

деб ёзди Шайхзода «Янги одамлар» шеърини.

Шoirнинг Улуғ Ватан уруши даврини шеърият ғалабамизга қатъий ишюк билан тўлқин Мангуликка ўлми

ажойиб бир ўлғага келиб қолади, у ерда бутун аҳоли шод-хурама ва бахтиёр ҳаёт кечирар экан, зулм, зўрлик, йирик давлатманда, қашшоқ, шох, миришаб, ўғри, қароқчи йўқ экан. Эшиқлар қулфланмас, дарвозалар занжирланмас экан. Беморлик, ёш ўлиш, бировга озор бериш, бировдан хавфсираш йўқ экан. Ҳамма аҳил, биродар экан. Искандар бундан ҳайратланади. «Бу элни олдироқ билганимда, дунёни кезиб овора бўлмас эдим», депти шох. Чунки бу элнинг ҳаёти, расм-одади Искандарнинг фаолияти ва орзуларидан юксак экан.

Низомий шундай ижтимоий ҳаётни орзу қилган. Бироқ бунга қандай эришиш мумкин! Бунга шонр ҳам, унинг даври ҳам жавоб беролмади. Аммо ана шу муаммо асрлар давомида муаммолигига қолди.

Низомий дostonидаги «Ажойиб ўлка» тасвири Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Ойнаи Искандарий» асарига йўқ. Бу таажубланарли эмас. Хисрав Деҳлавийнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари бундай утопиядан йироқ эди. Кизиги шундаки, «Ажойиб ўлка» Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» дostonидан ўрин олган-у, аммо бу эпизод Алишер Навоийнинг «Сади Искандарий» дostonида йўқ. Нера, деган табиий савол туғилади. Атоқли олим Е. Бертельс Навоий ҳақидаги монографиясида таъкидлаганидек, темирийлар саройида расмий олий лавозимда хизмат қилган ва Ҳусайн Бойқарога яқин муқарраб бўлган Алишер Навоий «подшоҳсиз ўлка» ҳақида ошкор сўзлай олмас эди. Навоийнинг «Сади Искандарий»дан кузатган бош маънади — одил подшоҳ идеали эди. Искандар Навоий замонасининг ҳукмдорларига ўрнатилган ва ибрат бўлиши лозим эди. Бироқ Низомий дostonидаги утопия, тўғрироғи — бахт-саодат идеали Алишер Навоийнинг бутун ижодиёти руҳига сингиб кетган. Бахт-саодат, фаровонлик идеали «Хамса», «Ҳазойин ул-маоний» ва бошқа асарларининг гоъвий замиридир. Фарҳоднинг «Наҳр ул-ҳаёт» («Ҳаёт дарёси») ва «Баҳр ун-нажотини» («Нажот денгизи») барпо этганини, Меҳинбону адолати, Меҳр ва Сухайлининг («Сабъан сайёра») Жобир ва унинг қароқчиларини енгиб, кишиларни бахтиёр қилгани ва бошқаларни эслайлик.

Аммо Алишер Навоий эзгу ниятларини адолатли подшоҳ бошлиқ марказлашган ҳокимият воситасида амалга ошириш мумкин, деган эътиқоди билан чегараланиб қолдики! Бу эътиқод Алишер Навоийда нақадар кучли бўлмасин, у шу эътиқод доирасида қолиб кетмаган. Муҳитдан эзилган, ундан етарли қаноат ҳосил қилолмаган Навоий бэъзан «адолатли ҳукмдор» гоъясидан чекинади, замонни тузатиш ва яхшилаш амри маҳол ва имкондан ташқари, деган хулосага кела-

ди. Даврининг айрим ижтимоий иллатларидан шикоят қилган шоир эди уни бутунича қоралайди:

Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо айб этмакин,  
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжориди.  
«Ғаройиб ус-сигар»  
Замон аҳли замон ранги бирла бевафодурлар,  
Замон аҳлига гуё замон ўз феълин ургатмиш.  
«Вадоий ул-васат»

Шундай исёнкорлик руҳидаги мисраларни Навоийнинг лирикасидан ҳам, бошқа асарларидан ҳам қўллаб келтириш мумкин. Булар хусусий шикоят, жузъий мулоҳаза бўлмай, балки шоирнинг замонасига доир аччиқ хулосалари ҳукмидир. Шундай мисраларни кузатган йирик навоийшунос Мақсуд Шайхзода «Асрлар оша» мақоласида таъкидлаб айтган эди: «Иккинчи ва яхшироқ байр жазон орзуси Навоийда, ҳатто баъзан даҳрийлик ва исёнкорлик руҳида жаранглайди:

Нўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин  
ёйиб,  
Егдуруб ашкин, тутар ҳолингга ҳар тун мотамин,  
Гар будур олам, кишига мумин эрмас андаком,  
Ҳақ магарнин, ком учун боштин яратқи одами!

Адабиётшуносларимизнинг диққат назаридан четда қолган бу байтлар гоъят чуқур ва жасур мазмунга эга.

Шу жиҳатдан қараганда, Алишер Навоийнинг «Девони Фониин»даги «Оламе хоҳамки...» деб бошланувчи ғазали янада мумтозидир. Дастлабки тўрт байтнинг таржимаси билан танишайлик. Унда шоир ўз даври жамиятидан норозилигини қўйидагича ифодаляйди: Бир олам истайманки, унда шу олам халқи бўлмаса, бу олам мардумининг жафоси, гами бўлмаса. Унинг қундузида асирлар кўш шидан қатл сели қўримасга, кечасида ғариблар оҳидан мотам либоси бўлмаса. Унда фалак зулмидан ўз аламини бир кўнгил ва ситам қиличидан марҳамасиз дил яраси бўлмаса. Унда одамгарчилиги йўқ парилардан бир тўда ва одам жинсидан мингларча дев бўлмаса.

Навоийнинг исёнкор ғазалларини, яшаган муҳитининг айрим иллатларини рош этувчи шеърини ва насрий сатрларини яхши биламиз. Лекин юқорида келтирилган мисралар ошқора исёнкорлик, жанговарлик руҳи, ҳўкми ва қатъияти билан фарқ қилади. Шоир янги оламини янги кишиларни исътайди. Бу унинг идеали, келажакка парвози. Шоир ўзи яшаган муҳитни рад этади. Ҳаёт ҳақиқати

билан шоирнинг идеали ўртасида қаттиқ кураш боради.

Ғазалининг иккинчи қисмида шоир соқий ва майхонага мурожаат этади, муҳитнинг ғам-аламларидан таскин толмоқчи бўлади:

Чун маҳол аст ин ҳавас, эй дил сўи майхона  
рав,  
З-оң, ки бошад ҳар сафолни кўҳна жоми Жам  
дар ў.

Таржимаси: Эй дил, мазкур ҳавасларинг рўёбга чиқмаса, майхонага бор, чунки ундаги ҳар кўҳна сопол Жамшиднинг жомидир.

Ғазалининг иккинчи қисмидаги бу сатрлар бир онийлик ҳиссий «чекниш»дир. Шоир ғазални қўйидаги байт билан якунляйди:

Фониё, дар ваъзи гардун пур мақун андеша,  
з-о-н-к,  
Нўктае набвад ки набвад бар хирад мубҳам  
дар ў.

Таржимаси: Эй Фониё, олам вазиятини кўп ўйлама, унда ақл ҳал қилмаган ҳеч бир муаммо йўқдир.

Демак, хотима байт ғазални оптимистик руҳда якунляйди, шоир биринчи қисмида ифодаланган орзуларнинг қачон бўлмасин ушлайишига, жамият муаммоларининг ақл бўлишига ишонади. Шоир инсонга, унинг ҳақ-заковати ва истиқболига катта умид билдиради. Ғазалининг сўнги байти Фарҳод тилидан айтилган қўйидаги мисраларга жўр бўлиб кетади:

Деди: Ҳар шиди қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод,  
Удум ичра манга то бўлди маҳдаль,  
Топилмас мушнле мен қилмаган ҳал.

Ҳа, Навоий янги бир олам ва янги бир ҳаётни орзу қилар эди. Навоийнинг ижтимоий идеали ҳам ўрта асрнинг бошқа ақл-идроқ арбоблари идеали каби утопик руҳда эди. Шунга қарамай бу идеал инсоннинг бахт-саодати, халқ осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш заминида пайдо бўлган. Муболагасиз айтиш мумкинки, ахирлар ҳаракати улў Низомий Ганжавийга катта гоъвий озиқ, илҳом бағишлагани каби, сарбадорлар ҳаракати ҳам Навоийнинг орзу-идеалларига самарали таъсир қўрсади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий доимо халқ ҳаёти, халқ қалби, халқ алами ва орзу-армони билан яшади. Халқ унинг ижодий даҳоси ва санъаткорлик қаламига доимо ҳамроҳ ва ҳамроз эди. Алишер Навоий инсоннинг, халқнинг қачон бўлмасин эзгу армонларига эришишига ишонар эди, унинг ҳаёлотни бахтиёр келажакка парвоз қилар эди.

Н. МАЛЛАЕВ

йўқ. Халқнинг озодлик руҳи ҳеч қачон ўлмайди. У ҳар қандай ёвузликни енгишга қодир. Шайхзоданинг уруш даври шеърятидан шу гоъя кирил ил бўлиб ўтади.

Урушдан кейинги йилларда Мақсуд Шайхзода меҳнатдан йўрилган порлоқ бахтни қўйлади. Лекин бахт қуруқ ерда ўз-ўзиндан пайдо бўлмайди. У халқнинг зўр меҳнатидан, мамлакатнинг улўвор режаларидан бунёдга келади. Режалар ва қилнган ишларнинг сарҳисоби эса рақамларда ифодаланади. М. Шайхзода илгариданоқ рақамларга бегона бўлмаган шеърларида энди уларга айрича эътибор бера бошляйди. Шоир, ўзининг айтишича, рақамларни кўп қўлтирган образ каби севади. Лекин рақамда, статистикада қандай шеърят бор, рақам ўз номи билан рақам-да, ундан шеърят излаб ўтириш на ҳожа, дейишлари мумкин. Шоир рақамларга бундай қаровчиларга қарата дейди:

Нўқ, азним, сонларда гарчи —  
Қофия йўқ, аммо сўйляйди,  
балки ўйляйди.

Ўйловчи ва сўйловчи рақамлар ҳақида шоир танидиган бир колхоз котиби оғзини тўлдириб, айтиш жоъиз бўлса, рақамларнинг шоирни даражасига кўтарилиб, шундай дейди: Бу сонларни сиз қуруқ деманг, Ашуда ҳам, палов ҳам бундан, Тандирдаги олов ҳам бундан, Шеърингиз ҳам бундандир, дейман, Қачон ёсам қозога «юз» деб — Севинчидан тунда йўқ уйку...

Рақамлар билан ҳамкорлик Шайхзода шеърятининг ҳаётини, публицистик кучини ошмди. У: «Не-не чечаклар бор рақам боғида...», деб сонларнинг маънисига улўғ маъноларини очиб бера олади.

Қозога рақамлар гуё бир соқов,  
Уятчанг шоҳиддай саф тортар

Аммо бу дўстларни «хай», деб ун-дасак,  
Паррон қанотланар мисли учар

куш...  
Не-не чечаклар бор рақам боғида...  
У рақамлар боғидаги чечакларнинг статист кўзи билан эмас, шоир ва граждон кўзи билан кўради. Гоъсплан вакилининг жадавралари замирида халқнинг ақли, ғайрати, қалби, иродаси турганлигини англайди. Бундан фалсафий яқун чиқаради:

Биз ҳаёт деганда кўраш англаймиз,  
Фойиз ёзамизу ўқиймиз: ҳаёт!

Шайхзода ҳодисаларини уларнинг ижтимоий теранлиги билан аққ эътириш каби ноёб фазилатга эга эди. У оддий нарсаларга кенг миқёс бағишлаб сўзлай оларди:

Ҳа, совет рақамин бошқа ҳўсини  
бор  
ўлканинг шаънидан берганда дарак!

Унинг учун рақам — коммунизм рақами. Коммунизм рақамига эса ишчанлик хос. Рақамда келажатимиз.

Бугун — рақам,  
Эртага — уйим.  
Бугун — рақам,  
Эртага — либос.

Шайхзода шеърларининг граждонлик ва публицистик қувватини ошмирган белгилардан яна бири шўки — уларда нотқиқлик маҳорати кўринади. Дарҳақиқат, улар ҳақиқий мурожаатномақадридир. Шайхзоданинг мурожаатсиз айтилган шеърини кам. Бу мурожаатлар дам дўстга, дам биродарга, дам ўлкага, дам илгор пахтакорга, дам фабрикаларга қаратилган бўлади.

Шайхзода кенгликлар шоирни. У ҳеч қачон кикир-чикирлар билан ўрлашиб қолмайди. Таъбир жоъиз бўлса, игна кўзидек жойдан туздек фикрни ўткази олади. Бунга у мунтазам ассоциатив фикрлаш туфайли эришади. «Бирлик таронаси» шеърини қўйидагича бошляйди:

Ваҳорлар уйлантирар қўёшини  
ва тупроқини.

Ҳамма гулға атирини  
Пайванд қилар.  
Бог Йигитга талқин этар  
Севмоқини...  
Туман қўчган денгизларга  
хўш ёмғирлар егилар...

Лекин Шайхзода услубида булар ҳали — миқёс яратмайди. Булар ҳозирча миқёсга томон ташланган қадвалар, холос. Кейин шеърга денгизлар кенглиги кириб келади. Денгизлар узра ёғаётган хўш ёмғирларнинг садолари эшитила бошляйди. Шоир шу кенгликлар мўзикаси остида жаҳон халқлари ўртасидаги биродарлик, бирлик ҳақида сўз юрилади.

Шайхзода шеърларини ўқиркансиз, баъзан тўнелдан гулдўрос би-

лан отилиб чиққан поездин тасаввур этасиз. Фикр-поезд тобора шиддатлироқ суратда кенгликка, ёругликка интилади.

Дўстим, тингла  
Ва англа!

Шоир бундай мурожаатдан кейин фикрларини ҳам дўстона лафз билан ифода этади. Фақат дўстга айтиладиган гапларни айтади. Шундоқшундоғу, лекин ҳали гапининг йириги бу ёқда, дейди:

Сенга уйқу бермас севинг,  
Ташвишинг, изтиробинг,  
Ўқилган қиссаларинг,  
Учмаган китобинг,  
Сеннинг уйинг ва хизматинг,  
Ойлигинг,  
Дўстлар аро саховатинг,  
Либосинг,  
Чиройлигинг —  
Ҳар бири зўр масала,  
Қулларингга жўр масала...

Шеър шу тариқа масалаларнинг энг каттасини масалаларнинг жузъийлари орқали бўрттириб кўрсатади ва фикр поездин ниҳоят кутлиган манзилга — кенгликка пишиқиб кириб келади:

Дунёнинг қин масаласи,  
Бўғунинг қин масаласи —  
Тарихларнинг улўввор рўзномасида  
Унга бордир битта нем:  
— Коммунизм!


Шеър шу тариқа кенглик билан қовушади. Шайхзоданинг шоир сифатидаги хизмати шеърга шундай кенглик ва бепойёлик олаб кирганлигидадир.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Оқмаган сув

Йигит бошлигининг курортдан келганини эшитиб, ҳол-аҳвол сўраб кўмоқчи бўлди. Тавозе билан кабинет эшигини чертиб ичари кирди.

— Мумкинми? Ассалому алайкум!..



Бошлиқ олдида бир аёл, бир эркак ўтирарди. Қариндошлари бўлса керак. Ниманидир ўқийётган кабинет эгаси хиёл бош кўтариб, калласини лиқиллатиб кўйди. Йигит анча вақтгача тик турди-да, садо чиқмагач, бўш стулга омонатгина чўкди. Ниҳоят, мулазам бўлиб, луқма ташлади:

— Эҳтиёт, суҳбатни бузмадимми?

Савол аёлнинг чеҳрасида нимкулиги уйғотди. У ялт этиб турда, креслода ўтирган кишига қаради. У киши эса ўзи билан овора, на гап эшитарди, на орадаги ноқулайлиқни сезарди. «Оқмаган сув, чўкмаган пўкаки, деб тўғри айтишаркан. Нимага ҳам кирдим», деб дилдан ўтказди йигит.

Эшик оқиста ёпилиди.

Улғайиш

Гоҳо она-бола гаплашиб қолардик: — Эртага ёлғир ёғармиш. Томдаги тутмайзининг устини ёпиб қўяйми? Онам ёқаларини ушлайдилар, пичирлайдилар.

— Кимдан зшитдинг, болам?

— Радио айтди.

Менга дашном берадилар:

— Тавба дегин! Радио худумиди!.. Катта бўлдим, мактабни, институтни битирдим. Энди ишга жўнараканман, онажоним тайинлайдилар:

— Зонтигингни ола кет, болам.

Кечга бориб ёлғир ёғармиш. Радио айтди...



А. ХОЛИҚОВ чизган



кан, аёлнинг кузларига ёш қалқиди. Қолган уч кун унга татимади. У ўйчан бўлиб қолди.

Аёл энтикиб, ниманидир кутар, ҳамон ўша йигитни ўйлар эди. Йигит эса, бу пайта шўх-шаддо дўстлари даврасида ўтирар, аммо аввалгидай шўх кулмас, хаёлидан аёл нари кетмас эди.

Муаллиф

Қишлоқдагилар билан гаплашган почтага кирдим. Телефон заказ қилиб, четроққа бориб ўтирдим. Енимда бир йигит «Камтарлик ва хушфелълик — олжаноб фазилатдир» деган китобчани варақлаб ўтирарди.

— Яхши китобга ўхшайди, кўрсак мумкинми?— деб қўл чўздим.— Қердан олдингиз?

Йигит китобчани шошиб қўлтигига урди, бидирлади:

— Ҳеч қердан олганим йўқ! Узим ёзганман, билдингизми!— У гурс-гурс юриб, эшикни тарақлатиб ёпдию, чиқиқ кетди.

Нуриддин БОБОХЎЖАЕВ

Наманган

Биз Насриддин Афандини тарихий шахс эмас, халқ ижодининг ажойиб қаҳрамони деган фикрга кўникиб қолганмиз. Чиндан ҳам, Афанди номига нисбат берилган жуда кўп ихчам, ўтир, нуллиги латифалар, ҳақиқий халқ ижодидирки, улар асрлардан асрларга ўтиб, ҳозирда ҳам тобора кўпайиб халқ оғзаки адабиётининг алоҳида юмористик жанрини ташкил этган.

Аммо Насриддин Афанди қачонлардир яшаб ўтган бир шахс бўлса керак, деган баҳс ҳамон давом этади. Нўпгина мамлакатларда унинг ҳаёти ҳақида китоблар чиққонда, қабри фалон ерда, деган нўп турли фикрлар юради.

Шу тортишувларга асосланиб, куйида некса шарқишунос олимимиз Шорасул Зунун ҳам бу борадаги ўз фаразларини баён этади.

ЎРТА ОСИЁДАН,  
ЛЕКИН...

«Хўжа Насриддин», «Мулла Насриддин», «Насриддин Афанди», ёки қисқача «Афанди» номи билан машҳур, зуқолиги, соддадиллиги ва ҳо-зиравоблиги билан кўп халқлар муҳаббатини қозонган бу ажойиб шахс ҳақида турли фикрлар бор. Унинг номи билан боғлиқ кўпдан-кўп латифалар туркий халқлар орасидагина эмас, Шарқ ва Европа халқлари орасида ҳам шухрат топган. Бу латифалар рус, француз, немис, инглиз тилларида ҳам кенг тарқалган. Халқларни ўзига шунчалик жалб этган одам ким, қаерда ва қайси даврда яшаган?

Хўжа Насриддин латифаларида Туркиянинг Кўния, Оқшаҳар, Сиврихисор каби шаҳарларининг номилари, Амир Темур билан салжўқ туркларни ҳукмдорлардан Алоиддин Султон орасида бўлган бахсларни ҳам учратамиз. Октябрь инқилобидан аввал Тошкент ва Бухорода тош босмада чоп этилган ўзбекча «Латоифи Хўжа Насриддин» китобида Насриддин Афандининг Рум (Туркия) мамлакатига яшагани қайд қилинади. Татрарча «Латоифи Хўжа Насриддин»да ҳам Хўжанинг румлик экани айтилади.

1907 йилда Истамбулда босилган «Латоифи Хўжа Насриддин» тўпламида Хўжанинг Оқшаҳар яқинидаги мақбараси ва унинг янгидан тиклангани тасвирланган, қабр тоши устига ёзилган тарих ҳам кўрсатилган. Шу нашрнинг муаллифи Султон Йилдирим Бозиздони мағлуб қилган Амир Темур билан Насриддин Афанди ўртасида ўтган воқеаларга доир бир қанча латифаларни ҳам келтиради.

Истамбул дорулфунунининг профессори Муҳаммад Фуод Кўприлизода 1918 йилда ёшлар учун тузган «Насриддин Хўжа» номли асарига Хўжа ҳақида муфассал маълумот беради. Бу асарда болалар руҳига маносиб латифалар вазага солинган. Хўжанинг расми ҳам илова қилинади.

Сайд Махмуд Ҳайроний ва Хोजа Иброҳим Султон вақфомалари Хўжа Насриддиннинг Амир Темурдан

олдин яшаганлигидан хабар беради. Бу вақфомалардан бири 655 ҳижрийда (1257 мелодийда), иккинчиси 665 ҳижрийда (1267 мелодийда) ёзилган. Ҳар икки вақфинома Хўжа Насриддиннинг гувоҳ сифатида ҳоким хузурида бўлгани айтилади.

1887 йили Сиврихисор муфтиси Ҳасан Афанди эски вақфомалар, қозихона дафтарлари, аҳоли рўйхатларидан олиб ёзган «Маъжуаи маориф» асарига Хўжа Насриддиннинг ҳаёти тўғрисида муфассал маълумот берган. Бу маълумотга қараганда, Хўжа Насриддин 1208 йили Сиврихисордаги Хўрту қишлоғига туғилган. Отаси Абдулло шу қишлоқнинг имоми бўлган. Хўжа Насриддин ўша вақтларда шухрат қозонган Сайд Махмуд Ҳайроний ва Сайд Хожа Иброҳим Султон билан кўришиш мақсадида Оқшаҳарга кўчиб, 683 ҳижрийда (1284 мелодийда) ўша ерда вафот қилган. Муфти Ҳасан Афандининг бу маълумоти ҳам бутун тарихий ривоятларга ва Хўжанинг қабр тошига ўйиб ёзилган вафот тарихига тўғри келади...

Муҳаммад Фуод Кўприлизода Хўжага нисбат берилган латифаларнинг характери, халқнинг Хўжага муҳаббатини, унинг ҳақидаги латифаларнинг Европа тилларига таржималари ҳақида сўз юртади. Алоиддин Султон Амир Темурдан аввал яшаб, 636 ҳижрийда (1239 мелодийда) вафот қилган, тарихий ҳужжатлар Хўжа Насриддиннинг Алоиддин Султон даврида яшаганлигидан дарак беради.

Шуларни ўйлаганда бир фикр туғиладики, бу фикр ҳали қатъий эмас. Уни текшириб кўриш керак. Усмонли турклар Чингизхон истилоси вақтида мўғуллар ҳужумидан қочиб Анатолияга (Кичик Осийёга) кўнган 400 хонадоннинг авлодларидир. Хоразм амирларидан Сулаймон шоҳнинг ўғли Эртуғрул шу 400 хонадон билан Султон Алоиддин хўзурига кетади. Алоиддин мўғуллар билан урушиб турган эди. Эртуғрул Алоиддинга ердан бериб, мўғулларни мағлуб қилди.

Шунга мулофот тариқасида Султон Алоиддин Эртуғрулни ва у билан келган 400 хонадонни жойлаштиради, ер-суб билан таъминлайди. Бу воқеа 628 ҳижрийда (1233 мелодийда) содир бўлган эди. Хўжа Насриддин Урта Осийёдан Анатолияга кўчган 400 хонадонга мансуб эмасмикан?

Ш. ЗУНУН

Кашфиёт, тадқиқот,  
ахборот



Истамбулдаги «Ицбол» кутубхонаси 1908 йилда чиқарган китобда Насриддин Афанди қиёфаси шундай акс эттирилган.




«Қаноат» кутубхонасининг расмони (Истамбул, 1918 йил) чизган Насриддин Афанди портрети.

Республикаимизнинг атоқли rassomларидан марҳум Уста Мўмин Насриддин Афандини ёқимтой ва дилкаш табиатли киши сифатида тасвирлар эди.



Насриддин Афандининг бу сурати XVIII асрда Туркияда яратилган. (ЮНЕСКОнинг «Курьер» журналидан олинди.)

Оқшаҳарда Насриддин Афанди қabri.





СССР спорт мастери  
М. МУХИДИНОВ  
таҳрири остида

## Билса... осон

Биз аввалги суҳбатларимизда анчагина ажойиб комбинациялар билан умумий тарзда танишиб ўтган эдик. Ҳақиқатан ҳам, 64 катакли тахтада беҳисоб комбинациялар қилиш мумкин. Аммо комбинацияларнинг асосини ташкил этувчи гоғалар бир нечагина бўлиб, уларни билиб қўйиш фойдадан холи эмас. Буни оддий мисоллардан кўриб чиқамиз.

Бу вазиятга назар ташлаган кишига

оқларнинг аҳволи ниҳоят оғир кўри- ниши турган гап: бир юришда мот бўляпти. Лекин ҳеч қакёққа юра олмай қолган қора шохнинг ҳолати ва оқ сипоҳларнинг фаол жойлашгани оқларга комбинация излашда мотив бўла олади. Агар вазият пухта таҳлил- дан ўтказилмаса, бу мотив комбина- ция қилиш учун имкон бермайди. Шахматчи жалб қилиш гоғаси билан олдиндан таниш бўлса, ҳозир биз кўри- б чиқадиган комбинацияни осонги- на топа олади.

1. Фб3—g8+! Кр18: g8.


Оқлар фарзини қурбон бериб, рақиб шохини ноқулай катакка жалб қилади.

Энди саккизинчи горизонталдан чи- қиб кета олмайдиган хонага жалб қилинган қоралар шохи мот бўлади: 2. Лел—e8X.

Жалб қилиш гоғасига асосланган комбинациялар фақат рақиб шохини мот қилиш мақсадидагина эмас, балки куч жиғатидан ёки вазиятдан устун- ликка эришиш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Бу вазиятда юриш қоралардан бўлса, 1... Лс8—c1! йўли билан оқ фарзини ноқулай хонага жалб қилиб ва кейинги юришда уни ютиб оلسа бўлади:

2. Фd1:c1 Фh5—f1+ ҳоқазо.



Бу вазиятда қораларнинг аҳволи тангга ўхшайди: руҳини зарбадан олиб қочса, филдан ажрайди. Бироқ жалб қилиш гоғаси ҳамда икки ёқла- ма зарба бериш усулларидан хабар- дор шахматчи бу ерда ҳам мағлуб бўлиш ўрнига ғалабага эришиши мум- кин.

1... Фb5:f1 +! 2. Кpg1:l C15—d3 + Энди оқ шох қакёққа юрмасин (икки ёқлама китшдан фақат қочиб қутули- ши мумкин бўлса-да), бироқ 3... Л18—l1 дан кейин енгилди.

Кўриб чиқилган мисолларда жалб

этиш гоғаси фарзини ёки руҳни қур- бон бериш йўли билан амалга оши- рилди. Аслида тегишли вазиятларда бошқа доналарни қурбон қилиш йўли билан бунга эриша бўлади. Бордию маҳоратингизни ошириш ниятингиз бўлса, ана шундай вазиятлардан бир нечасини ўзингиз тузиб кўринг.

Базан бирор дона ноқулай хонага жалб қилинади-ю, лекин яқунловчи зарба беришда ундан эмас, балки донанинг жалб этилиши натижасида ҳаракатчанлиги маълум даражада чекланган объектдан фойдаланилади. Мана бир мисол. Оқлар: Кpg1, Фb3, Ke5, пьедалар—a2, b2, f2, g3, h2; қоралар: Крh8, Фd4, Л18, пьедалар—a7, c5, g7, h7. Бу вазиятда оқлар ажойиб комбинация қилади:

1. Ke5—f7 + Крh8—g8. 2. Кf7—h6 +! + Кpg8—h8. 3. Фb3—g8 +. (Фарзини беришдан мақсад қора руҳни 8 хона- сига жалб этишидир.) 3... Лh8 (энди g8 хонаси эгаланди) 4. Кh6—f7X.



Кўриб турибсизки, бу ерда яқун- ловчи зарба жалб қилинган руҳга эмас, балки уни жалб этиш натижаси- да биргина юришдан ҳам маҳрум бўлган—кисилиб қолган рақиб шох- ғига қаратилди. Буни «бўғиб» мот қи- лиш дейилади. Комбинация хоналар- ни банд қилиш гоғасига асосланди.

Теринг:

Оқлар: Кpg1, Лc1, Лc2, Cd4, C17, пьедалар—a2, b3, e3, f3, g2.

Қоралар: Крb8, Лd6, Лh8, C16, Кg3, пьедалар—a7, b6, c6, g7.

Бу вазиятда юриш қоралардан. Блокировкага асосланган комбинация қилса бўладими? Шундай комбина- циялар пайтада бериладиган қурбон- лар деярли ҳамма вақт рақиб шохини юришларини чеклаш ва уни мот қилишга қаратилишини ёддан чиқар- масангиз бас.



**Ш**ахматнинг тарихи узок, умри боқий. У қадим- қадим вақтларда туғил- либ, сайқаллашиб, му- каммаллашиб борган. X асрда яшаган буюк мутафаккир Абурайҳон Беруний «Ҳиндистон» асарига ҳиндларда шахматни бир вақтнинг ўзида тўрт киши ўйнаши ҳақи- да ёзда ва доналарнинг тахтага терилиш тартибинини келтиради. Асар- да тасвирланишча, у вақтлардаги шахмат ўйини ҳозиргисидан тамоман фарқ қилади.

Урта Осиёда ҳам шахмат ўйини азалдан кенг тарқалган. Айниқса, XV асрда Мовароуннаҳрда шокрлар, олимлар, меъморлар, мунажжимлар қаторида моҳир шахмат усталари етишиб чиқдилар. Уша замон тарих- чилари томонидан ёзилган кўпгина маълумотларни З. Хўжаев, Ф. Дюм- мель, М. Муҳиддинов ва бошқалар ўз тадқиқотларида умумлаштирдилар. Бундан ташқари, шахмат тарихи- га доир янги-янги маълумотлар то- пилмоқда. Жумладан, XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшохнинг 1436—1437 йилларда ёзган «Ажойиб ал- мақдур фи ахбори Темур», («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиб- лари») асарига XV аср Самар- қанд шахматчилари ва умуман шах- мат ҳақида баъзи баҳслар, ҳикоятлар келтирилган. Шубҳасиз, бу нарсa Ур- та Осиё шахмат тарихини ўрганишда муҳим бир қимматга эгадир. 1401—1408 йилларда Самарқандда яшаган Ибн Арабшох моҳир шахматчилар- нинг айримлари билан шахсан таниш бўлган. Унинг айтишча, Муҳаммад ибн ал-Ҳимийи ва Зайн ал-Яздий ка- би фозиллар шахмат усталари эди- лар. Айниқса, уларнинг алломаси фақиҳ ва ҳадис олим Алоуддин ат- Табризий эди. У ўйинда Зайн ал-Яз- динга ортиқча бир пьёда қўяр ва ундан голиб чиқар, Ибн Уқайлга эса ортиқча бир от қўйиб, шу от устига «миниб олар», яъни енгар эди. Амир Темур Алоуддинга «Мен мулк сие- сатида тенгсиз бўлганимдек сен ҳам

# САМАРҚАНД ШАТРАНЖИ

шахмат оламида ягонасан, мен ва Мавлоно Али Шайх (XV аср маш- ҳур шахматчиси Али Шатранжий назарда тутилади.—У. У.) ҳар бири- миз ўз соҳамизда тенги бўлмаган ка- роматларга эгамиз», дерди.

Али Шайхнинг шахмат ўйини ва шахмат маъсубалари илмига оид шар- ҳи бордир. У билан ўйинганда чуқур ўйламасдан туриб, унинг фикри ҳа- дига етишга ҳеч бир кимса қодир эмасди. Али имом шофегий мазаҳи- да бўлиб, фақиҳ ва тарихчи олим, хушрўй, ҳақ сўзли киши эди. Унинг ўйин пайтидаги сифатларидан бири шу эдики, ҳеч ўйга толмас, рақиб

узок ўйлаб ва фикрга чўмиб ўйна- га, у ҳеч бир тadbир кўрмасдан юриб қўяр эди. Бир вақтнинг ўзида, тахтага қарамасдан, гоимбона, икки рақиб билан ўйнарди ва ҳисоблаш натижасида ўзи томонида қандай до- налар, рақибларида қандай доналар борлигини биларди. Ибн Арабшох- нинг айтишча у Амир Темур билан катта шахматда ўйнарди. Олим ўша ерда доира шаклидаги ва узунчоқ шахматни ҳам кўрганлигини айтиди.

Ибн Арабшох зикр қилган катта шахматда ўйнаш Урта Осиёда кенг тарқалган эди. Муаллифнинг баёни- ча, тахтаси бўйига ўн, энга ўн бир

хонадан иборат бўлган бу шахматда икки туя, икки жирафа, икки илгор [талиъъа] вазир ва бошқа зёда до- налар бўлган. Ибн Арабшох, кичик шахмат катта шахматга нисбатан ар- зимаган нарсa эди, деб ёзда ва кат- та шахматнинг шаклини келтиради. 110 катакли катта шахматнинг қара- ма-қарши бир томонидаги доналарни номма-ном санаб чиқсан, қўйидагича манзара ҳосил бўлади. Биринчи қа- тор: фил, шер, туя, ҳўкиз, айиқ, каш- шоф, айиқ, ҳўкиз, туя, шер, фил; ик- кинчи қатор: рух, от, илгор, жира- фа, шер, шох, ҳўкиз, фарзин, жи- рафа, илгор, от, рух; учинчи саф: рух пьёдаси, шер пьёдаси, илгор пьё- даси, жирафа пьёдаси, шер пьёда- си, шох пьёдаси, фарзин пьёдаси, пьёда пьёдаси, туя пьёдаси, от пьё- даси, рух пьёдаси; тўртинчи сафда: фил пьёдаси, кашшоф пьёдаси, ҳў- киз пьёдаси. Ана шу вазият XV аср- да муаллиф ҳаётлигида номмаълум хаттот томонидан кўчирилган кўлэ- мадан аниан олинди. Лекин тахтада- ги доналарнинг жойлашувининг қан- чалик тўғрилиги хусусида қатъий бир фикр айтиш қийин. Чунки кўчириш жараёнида, хаттот баъзи хатоларга йўл қўйган бўлиши мумкин. Ибн Арабшох асарининг 1888—1889 йил- ларда Қоҳирада босилган нусхасида келтирилган шаклда ҳам баъзи та- фовутлар бор. Масалан, нашрда «фар- зин» кўлэзмада «вазир» бир ўринда «са «даббаба», кўлэзмадаги «вазир пьёдаси» ўрнига нашрда «туя пьё- даси» деб келтирилган. Шунингдек, доналарнинг терилишида ҳам кўлэ- ма ва нашр ўртасида баъзи фарқ- лар бор.

Афсуски, Ибн Арабшох ушбу шах- матда ўйнаш тартиби ҳақида ҳеч нарсa демасдан, «бу ўйинни ўрганиш йўли амалда осонроқ бўлиб, уни кўруқ сўзлар билан шарҳлаш фойда- сиз» дебгина ўтади. Бу хилдаги маъ- лумотларни тўплаш Урта Осиё шах- мат тарихини ўрганиш учун жуда за- рур деб ўйлаймиз.

Убайдулла УВАТОВ



Лутфи САИД

## ҲАСАД

Иккаламиз бир жойда бир вақтда турилганимиз. У, дунёга келишим биланок менга ҳасад қила бошлаган.

Оғирлигимизни ўлчаб-тортиб кўрганларида мен ундан икки юз граммча зиёд чиқдим. Бу унга тинчлик бермади. «Нега сен семизсан-у мен ориқман?» деб йиғлади.

Туғруқхонадан уни қўлда, мени аравачада олиб чиқшди. У қаттиқроқ йиғлай бошлади:

— Инга-а, инга-а, яна омадинг келди!..

Раҳм қилиб, унга жойимни бердим. Аксига олиб, ёлғир ёғди, аравачанинг эса соябони йўқ эди. У яна бўкириб йиғлади.

Менга уч ғилдиракли велосипед олиб берганларида, унинг яна бахиллиги тутди.

— Нега сенкининг бир ғилдираги ортиқ!— деди у.

Тоқат қилолмай, велосипедимни унингга алиштирдим.

Буни қарангки, яна бахтим кулди: адам менга бежирим соат олиб берди. Лекин у йўлимни тўсиб, хархаша қилди:

— У-хў, соат олибсан-ку! Менга олиб беришгани йўқ!

Соатимни ечиб бердим.

Балоғатга етганимизда менга катта бахт nasib эди: чиройли, доно қизга уйландим. Бироқ, яна балога қолдим.

— Мен кўз остимга олиб юрган қизга уйланибсан!— деб тўполоқ қилди у.

Кутулиш учун хотинимдан ажралдим.

Орадан бир йил ўтди. Бетоб бўлиб қолдим. У кўргани касалхонага келди:

— Яна омадинг келибди,— деди хўрсиниб,— касалинг импорт касал экан!

Шукурки, охири ўлдим. Аммо у гўримда ҳам тинч қўймади.

— Яхши жойга қўйишибди,— деди кўкариб,— Гуринг кенг-мўлгина экан. Кошки, менга ҳам шунақаси бў-юрса!

Тоқат қилолмадим ва шартта ўрнимдан туриб, жойимни бўшатиб бердим. У гўрга кирди-ю тинчиди-қолди.

Бироқ мен ҳамон жон ҳовучлаб юрибман.

Тожиқчадан А. МУҲАММАДИЕВ таржимаси



— Биз «денгиз-денгиз» ўйнаяпмиз!..

## Татар латифалари

Сочлари ўсиб елмасига тушган йигит севган қиздан сўрабди:

— Нима учун отанг ҳар куни инковимизни бирга кўрса ҳам индамайди?

— Сени менинг энг яқин дугонам деб биларди...

\* \* \*

Йўловчи кипеда кетаётган аёлга мурожаат қилди:

— Чексам хафа бўлмайсизми?

— Йўқ-йўқ, уйингизда ўтиргандан ченаверинг.

— Хўп-хўп,— дея хўрсиниб йўловчи папиросини йижимлаб ташлади.

\* \* \*

— Сенга раҳмим келарди: уйланганимга икки ҳафта бўлмай, кўйлагингни ўзинг ювишга тушинсан!

— Ҳой, кўзинг борми?

Ахир бу хотинимнинг пешгири-ку?...

\* \* \*

— Сиздай мохир сотувчини умрим бино бўлиб кўрган эмасман!

— Мақтовингиз учун раҳмат!

— Сиз ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган иш-ни қилдингиз: икки литр идишга уч литр сут куйдингиз!

М. МУДАРРИСОВ таржимаси

## ФАРДЛАР

Бир умр хатодан ўрганар киши, Айбин тан олмаслик номарднинг иши.

Ким биров дардига бўлса эш, ҳамдам, Узин дардига ҳам топғуси малҳам.

Ер қовлаган маъқул, гап қовлагунча, Биров кўнглини овла, қуш овлагунча.

Бир чмдмдм туз билан — таъм кирар ошга, Бир тузсиз сўз билан — ғам тушар бошга. Ғайрат МАҲМУДОВ

## ҲАҚИР-ҲАҚОЛАР

Ойна билан ивгогарнинг даярли фарқи йўқ, у ҳам аксининг кўрсатади, бу ҳам.

Вулқон билан маҳмадонинг оғзи очила кўрмасин, ана унда...

Елгончининг «Ана шу гапим ёлгон», дегани ҳам ёлгон.

Юмалоқ хат ёза-ёза, охири ўзи ҳам юмалаб кетди.



Парвона.

А. ХОЛИҚОВ чизган

## Алла

Тонгда шеър ёзардим зўр илҳом билан, Уғилчам йиғлади, сўйладим эртак. Кўнмади, қўшиқчи бўларми дейман. Тобора авжига чиқади тентак.

Бирдан ёдга келди яп-янги шеърим Келтириб ўққимдм, ухлаб жим бўлдим. Ҳунобман сирини билмай: гўдагим — Шеъримнинг мазмунини қаёқдан билди! Н. МУҲАММАДИЕВ

## Йил — ўн икки ой



## август

Август — ёзнинг охириги ойи. 21 августда асад ойи тамоом бўлиб, сунбула кирарди, халқ ибораси билан айтганда, «сунбула туғарди». Бериунининг ёзишча, бу ой тарихда ҳар хил халқларда агуст, августус, оғуст, августус деб аталган.

Асад, сунбула — шамсия ҳисобининг ойлари. 1 августга қамария ҳисоб бўйича 1392 йил нуҷумодилоқирнинг 20-куни, 31 августга — ражаб ойининг 22-куни тўғри келарди.

Осмонга узоқ қараб турган киши «юлдуз учгани»ни кўриб қолиши мумкин. Бу ҳодиса даярли ҳар кун содир бўлади. Аммо август ойида бу

ҳол айниқса Персей юлдузлар туркуми томонида кўпаяди. Аслида юлдузлар учмайди, балки шу кунлари Кўёш аτροφиди маъълум жисмлар Ер билан тўқнаш келарди. Метеор деб аталувчи бу тошлар Ерга «ҳунум» қила бошлайдилар. Аммо Ер бўш келмайди. Ерни ўраб турган ҳаво қатлами тезлик билан отилиб келётган метеорларни олдин қиздиради, сўнг ёндирарди. Шу пайтда эса ўша ёнаётган метеорлар худди учаётган юлдузга ўхшаб кўринади.

Ана шу ҳодиса бу йил айниқса Персей юлдузлар туркуми тарафиди 9—13 август кунлари авжга чиқади.

Ажойиб бу ҳодисани кузатиш учун, албатта, Персей юлдузлари осмоннинг қайси чеккасида жойлашганини билиш керак. Лекин, акс ҳолда ҳам, осмонга қараб «учар юлдуз»ларни тез-тез кўриб, Персей осмоннинг қарерида эканини аниқлаш ва уни юлдузлар хартасига солиштириш жуда мароқли.

Планеталарнинг кўриниши: Меркурий, Венера, Сатурн (тонг отмасдан), Юпитер (оқшомда), Нептун (оқшомда, дурбин орқали).

Ой боши — 9 август, тўлиной — 24 август.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

# ҲАР ТҮҒРИДА БИР ШИНГИЛ

## ҚАДИМГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Краков археологлари қадимги қурилиш материаллари омборини топдилар. Қадимий қурилиш материаллари гишт ҳам эмас, бетон блоклари ҳам эмас эди. Палеолит даврида кишилар мамонт суякларидан уй-жой қуришган. Археологлар худди шундай суяклар уюмини топдилар.

## АЛОМАТ

Лондондаги баъзи кинотеатрларнинг эгалари яқинда залларни қайтадан жиҳозладилар. Улар оддий креслолар ўрнига, самолётлардаги ва ҳозирги темир йул вагонларидаги каби, суянчиги орақасига ағдариладиган креслолар қўйишди. Кинотеатрларнинг эшиги тепасига «Агар фильм сизни зериктирса, шу ерда мизгиб олишингиз мумкин», деб ёзиб қўйилган.

## ДАВОМЛИ БУСА

Қоҳира аэропортида боғхона хизматчилари узоқ ўпишайтган иккита транзит пассажирга қараб турар эдилар. Маълум бўлишича, ўғринча жунатиладиган бриллиантлар шу йўсинда топширилган экан.

## ҚАРЗА

### ИЧКИЛИКБОЗЛИК

Японияда бирор кишининг ичишга пули қолмаса, «Майларастлар»га қарз бериш жамиятидан ёрдам олади. Бунинг учун телефонда маълум номерлар терилади. Орадан бир неча минут ўтгач, «Жамият» вакили майхонага кириб келади ва зорикчи қолган кишига зарур бўлган пулни беради. Лекин қарздор бу пулни кейин аниқгина фойдаси билан қайтариб бериши керак бўлади.

## МОМЕНТ НИМА?

«Момент»нинг қанча давом этишини биласизми? Инглизларнинг қадимги вақт ўлчови «момент» бир ярим минутга тенг.

## «СЬЕРРА-ЛЕОНЕ ЮЛДУЗИ»

Сьерра-Леонеда (Ғарбий Африка) 969,8 нарат (бир нарат — 0,2 грамм) оғирлигидаги олмос топилди. Товуқ тухумидек келадиган бу нобб қимматбахо тош жаҳонда шу вақтгача топилган гигант олмосларнинг учинчиси дур. Олмоснинг баҳоси 11 миллион 700 миң доллар деб белгиланди. Президентнинг буйруғи билан, олмос «Сьерра-Леоне юлдузи» деб аталиб, Фритаундаги миллий музейда сақланадиган бўлди.

## САМОЛЕТ ВА ЧУГУРЧИҚ

Британия авиаконпанияси самолётларнинг куш галалари билан тўнанаувида ҳар йили 40 миллион марна зарар кўрар экан. Утган йили Американинг «Боинг» самолёти чуғурчиқ галаси билан тўнанауви, 80 киши ҳалок бўлди.

Дарҳақиқат, куш самолёт учун жуда хавфли. Созига миң километр тезлиги билан учаётган самолётга вази киши килограммча келадиган куш ёки нушлар галаси келиб урилса, унинг зарб кучи 40 тоннага тенг бўлади.

Шунинг учун учувчи кабинасининг ойнасини қалинлаштириш, унга махсус тўсиқлар ўрнатиш ҳам киёф қилмаёттир. Ҳозир радар усуналари, парранда галаларининг йўлини аниқлайдиган мухтаassisларнинг инфомациялари, «электрон қўриқчилар», эфирга олдиндан юбориладиган сигналлар ҳам ишга солинмоқда.

## ЭЛЕКТРОН «МУШУК»

Япониянинг Осака шаҳрида очилган кўрғазманинг қизиллари экспонатларидан бири электрон «мушук» эди. У ҳар минутда етти-ўн тўрт марта тирик мушук каби миёвлар ва кўзини ола-кулачилар эди. Сичқон ва каламушлардан қутулиш учун бундай «мушук»ни уйда сақлаш мумкин. Аппаратни иxtиро этган киши биринчи тажрибадан кейинроқ тўққизта сичқоннинг ўлгини топди. Сичқонлар қўриқувдан юраги ёрилиб ўлган экан.


## КИМНИНГ ҚОНИ АЙБДОР?

Римли Жүзеппе Бугарелли кўча ҳаракати қондасини қўпол равишда бузгани учун судга чақирилди. У ўзини ҳимоя қилиш учун шундай деди:

— Мен айбдор эмасман, синьор судья, меннинг ҳеч қандай айбим йўқ. Мен кўнглисиз воқеанинг қурбони бўлдим, холос. Уттиз йил давомида машина ҳайдовчиларнинг энг тадбиркори бўлиб келдим ва кўча жандаarmi мени бир марта ҳам огоҳлантирмади. Бироқ насалхонада менга қон қуйишгандан кейин фельд-атвори жуда ўзгариб кетди. Миңг афсуслики, менга қон берган киши автомобиль пойгачиси экан...

Бугареллининг гапга чечанлиги ёрдам бермади, унга катта жарима солишди. Судья ҳукмини ўқиб эшиттиргач, қўшимча қилди:

— Агар ҳамма нарсага автомобиль пойгачисининг қони айбдор бўлса, синьор Бугарелли, поликлиникага бориңг, сизга кўча ҳаракатини тартиб-ҳа солувчи кишининг қонидан ороқ қуйишларини илтимос қилиңг...



# КРОССВОРД

Энига: 4. Биринчи ўзбек кинооператори. 8. Америка қитъасидаги дарё. 10. Европадаги баланд тоғ. 11. Ойбек романининг қаҳрамони. 14. «Қизил Байроқ» орденини биринчи олган саркарда. 15. Адабий жанр. 17. Достон. 18. Элемент. 19. Европа жанубидаги дарё. 20. Ҳиндистондаги дарё. 21. Синталанс. 22. Электрон лампанинг асосий электродларидан бири. 24. Африкадаги мамлакат. 25. Пайт, давр. 26. Ярим орол. 28. Элемент. 30. Қадимий шаҳар. 31. Социалистик давлат пойтахти. 32. «Қулар» романидаги персонаж. 35. Машинанинг асосий қисмларидан бири. 36. Испания шимолдаги тоғ. 37. Латин Америкасидаги давлат пойтахти.

Бўйига: 1. Магн. 2. Қисса. 3. Осмёдаги тоғ. 5. Немис физиги. 6. Дарахт. 7. Шахмат устаси. 9. Иттифоқдош республина пойтахти. 12. Италиядаги шаҳар. 13. Драматург. 15. Тожик романи. 16. Жанубий Америкадаги чўл. 23. Яқин Шарқдаги давлат пойтахти. 26. Исм. 27. Қуш. 29. Финляндиядаги шаҳар. 31. РСФСРнинг Осиё қисмидаги халқ. 33. Абдулла Қодирий асарининг қаҳрамони. 34. Фольклор жанри.

Тузувчи Турғунбой ОРИПОВ

Шаҳрихон

## 7-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Москва. 2. Андижон. 3. Нахичеван. 4. Наманган. 5. Нукус. 6. Саратов. 7. Воронеж. 8. Жамбул. 9. Ленинград. 10. Душанба. 11. Архангельск. 12. Киев. 13. Владивосток. 14. Кострома. 15. Актюбинск. 16. Красноярск. 17. Кишинев. 18. Вологда. 19. Армавир. 20. Рустави. 21. Иркутск. 22. Кемерово. 23. Оржоникидзе. 24. Ереван. 25. Николаев. 26. Волгоград. 27. Донецк. 28. Курск. 29. Краснодарск. 30. Клайпеда. 31. Ачинск. 32. Каунас. 33. Семипалатинск. 34. Краснодар. 35. Ржев. 36. Вильнюс. 37. Сургут. 38. Тошкент. 39. Тбилиси. 40. Ишим. 41. Мари.

## Лаъли Бадахшон

Тожик геологлари ленинградлик олимлар билан бирга Помирда машҳур Бадахшон лаълининг бой манбаларини топдилар.

Помирдаги Чашмаи гарм деган шифобахш булоқ яқинида, асов Панк соҳилида хушманзара Кўҳи лаъли кишлоғи бор. Кўп йиллар муқаддам шу кишлоқ аҳолиси тонгда даҳшатли zilзиладан, кучли портлашдан уйғон-

ди. Эрталаб қарасалар, тоғ нинига бўлиниб ётибди. Янги пайдо бўлган жарлинларда офтоб чиққанда минглаб юлдузлар чарақлаб кетди. Бу — лаълининг товланиши эди. Шундан кейин қишлоқнинг номи Кўҳи лаъль деб аталадиган бўлди. Олим ва геологлари бу ерга ана шу чиройли ном бошлаб келган эди.

## МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет: Штанга кўтариш бўйича СССР, Европа ва жаҳон рекордчиси, халқаро спорт мастери Эркин Каримов. (9-бетдаги «Парвоз» очеркини ўқийңг.)

Иккинчи бет: Оҳангаронлик машҳур шахтёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хўжа Алиқулов.

Учинчи бет: Вугдой ўрини.

Тўртинчи бет: Регистон оқшоми.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

А. ВАНШТЕЙН фотоси

В. МЕЛЬНИКОВ фотоси

И. ЦИПИН фототўюди

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редакцолегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МҲМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиля РУЗИБОВЕ (бош рассо), Ваҳоб РУЗИМАТОВ [бош редактор ўрибосари], Обид СОДИҚОВ, Олим ХҲЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адрессимаъ: 700000. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўрибосари — 33-35-90; мастул секретарь — 33-35-19; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият бўлими — 33-35-19; рассоmalar бўлими — 33-36-59.

Босмахонага туширилади 14/VII-72 й. Босишга рухсат этилди 10/VIII-72 й. Қоғоз 70 × 108/8. Ҳажми 4 босма тобоқ. Вуюртма 755. Тиражи 167363. Нашр. В-3465. P-09609.





**1973 йил учун**

**«ГУЛИСТОН»**

**ЖУРНАЛИГА**

**ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

**БОШЛАНДИ.**

Журналга обуна алоқа бўлимлари ва «Союз-печать» контораларида корхона, колхоз, совхоз, муассаса ва ўқув юртларидаги вакиллар томонидан қабул қилинади.

Ўзилиш баҳоси: 1 йилга 3 сўм 60 тиѝин;  
6 ойга – 1 сўм 80 тиѝин; 3 ойга – 90 тиѝин.

**ҚАДРДОН ЖУРНАЛИНГИЗГА  
ЎЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!**